



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
HUKUMIY MUROKABOTI
AKADEMIYASI

№3 (55) 2023

АХБОРОТНОМАСИ

Et docere et discere servitute legis

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЮКСАЛИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ANALYSES OF ADMINISTRATIVE
LAW REFORM IN UZBEKISTAN FROM
A SOCIO-LEGAL PERSPECTIVE

НАЦИОНАЛЬНЫЕ МЕХАНИЗМЫ
ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫЕ
ФИНАНСОВЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ:
ЗАРУБЕЖНАЯ ПРАКТИКА

СУДГА ҚАДАР БЎЛГАН БОСҚИЧДА
ШАХСНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ
ҚАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ





МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Давурхон Нодиров

Таҳрир кенгаши:

Ниғматилла Йўлдошев

Баҳриддин Валиев

Эркин Юлдашев

Дилшод Раҳимов

Мирақбар Раҳмонқулов

Акмал Саидов

Раҳим Ҳақимов

Патрик Олссон

Ичихаши Кацуя

Таҳрир ҳайъати:

Ҳалим Болтаев

Бахтиёр Пулатов

Фаҳри Раҳимов

Музаффаржон Мамасиддиқов

Уйғун Нигмаджанов

Ваҳобжон Каримов

Гулчеҳра Маликова

Баҳодир Исмаилов

Матлуба Аминжонова

Авазбек Комилов

Адхам Одинаев

Бахтиёр Каюмов

Мухтарам Раджапова

Хуршид Каримов

Носиржон Аскарлов

Алишер Ҳидоятуллаев

Истам Астанов

Музаффар Дўстқориев

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олиниб, 2023 йил 25 мартда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.

web-site: www.proacademy.uz

e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма №278-23 Адади 594

Журнал «Credo Print» МЧЖ китоб

фабрикасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент ш., Боғишамол к. 160.

Тел.: 71 234-44-01/05. www.credoprint.uz

МУНДАРИЖА

Б.ПУЛАТОВ	Прокуратура органлари ходимларининг маънавий-маърифий юксалишининг долзарб масалалари	3
Ш.МУХАМАТОВ	Пораҳўрлик жиноятлари бўйича тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ва порани провокация қилиш муаммолари	6
Ж.ХОЛМУМИНОВ	Экологик қонунлар ижросини таъминлашда прокуратура органларининг назорати	12
С.ТНОРННІЛ, Т.МУСТАҒОВ, Р.УРИНБОВ	Analyses of Administrative Law Reform in Uzbekistan from a Socio-legal Perspective	17
Р.ШАМСУТДИНОВ, А.МАХКАМОВ	Қатағон қилинган прокуратура ходимлари тақдири	22
У.АХУНОВ	Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектининг илмий-назарий асослари	26
В.ХАН, К.СЕРДАЛИНОВ	Прокурор в парадигме трехзвенной модели Казахстанского уголовного процесса: досудебное производство	33
А.МАТЧАНОВ, Я.КВИТКОВ	Особенности административно правового статуса органов исполнительной власти в Узбекистане	37
А.ИСАКУЛОВ	Анализ экстерриториального закона США «О коррупции за рубежом» через призму уголовного и инвестиционного законодательства Республики Узбекистан	42
Ж.ДЖАББАРОВ	Айрим туркумдаги меҳнат низолари бўйича прокурор назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	47
Л.ИСОҚОВ	Одам савдоси ва ноқонуний миграция нисбати	51
Д.ХАМЗАЕВ	Национальные механизмы противодействия транснациональные финансовые преступления: зарубежная практика	56
Ф.МАРДАНОВ	Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жазо тайинлаш масалалари	64
Г.ТАИРОВА	Жиноятчиликка қарши курашиш категорияси ва механизми	70
М.МАМАСИДДИҚОВ	Илмдан эъзоз топган цивилист олим ва шогирдларига меҳрибон устоз	73
Б.РАЖАБОВ	Судга қадар бўлган босқичда шахннинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш масалалари	79
П.ХАЙИТОВ	Вопросы экологического и правового обеспечения энергетической безопасности (национальные и зарубежные)	85
К.АБДУРАХМАТОВА	Қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш механизмнинг ҳуқуқий асослари	89
А.ҲАМИДОВ	Суд қарорларини ижро этиш институтининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни бўйича айрим мулоҳазалар	95
М.ҲАСАНОВ	Меҳнат органларида коррупцияга қарши курашишда прокуратура органларининг тутган ўрни	99
Б.УСМОНОВ	Фирибгарлик жиноятининг давлат ва жамият ривожига таъсири	103
М.АБДУҲАКИМОВ	Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати объектининг илмий-назарий асослари	106
А.АДҲАМОВ	Суд тартибида маънавий зарар учун тўлов ундиришнинг тааллуқлилигига доир айрим масалалар	110



ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада буюк аждодларимизнинг маънавият ва маърифатнинг юксалишига қўшган ҳиссаси, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, амалиётдаги айрим муаммолар, ходимларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича охириги йилларда қабул қилинган ҳужжатларнинг таҳлили, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан прокуратура органларининг вазифалари ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье освещены вопросы вклада великих предков и просветителей в развитии морально-просветительского просвещения, реформы осуществляемые под руководством руководителя страны, отдельные проблемы практики, анализ документов принятых в последние годы о развитии профессионально-интеллектуальных способностей кадров, задачи органов прокуратуры в обеспечении их исполнения.

ABSTRACT. This article covers the contribution of great ancestors and educators in the development of moral education, reforms carried out under the leadership of the country's leader, certain gaps in practice, analysis of documents adopted in recent years on the development of professional and intellectual abilities of personnel, the tasks of the prosecutor's office in ensuring their implementation

Калит сўзлар: маънавият ва маърифат, Конституция, ислохотлар, касбий-интеллектуал салоҳият, Президент қарори, концепция, меморандум, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, вазифалар.

Ключевые слова: морально-просветительское просвещение, Конституция, реформы, профессионально-интеллектуальная способность, постановление Президента, концепция, меморандум, правозащитная Академия, задачи.

Key words: moral and education, Constitution, reforms, professional and intellectual ability, Presidential resolution, concept, memorandum, human rights Academy, tasks.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси унинг муқаддимасида қайд қилинганидек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб қабул қилинган¹. Маънавият ва маърифат шарқ халқларида асрлар давомида шаклланиб, буюк мутафаккирлар ғоялари асосида, диний ақидалар, миллий урф-одатлар орқали инсонлар онгига сингдириб келинган ва ҳаётда уларга амал қилинган. Баркамол авлод тарбияси барча даврларда ҳар қандай жамият олдида турган асосий мақсад бўлган. Шу боис, маънавий – ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги баркамол авлодни тарбиялашнинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Бутун дунё мутафаккирлари ва улуғ аждодларимиз буюк маънавиятининг маҳсули бўлган доно фикрлар, панд-насихатлар, афоризм ва ибратли сўзлар халқимизни ҳамиша адолатли иш тутишга, тўғри йўлдан адашмасликка ундовчи зиё машъаласи бўлиб келган. Бу бебаҳо бойлик халқ маънавий оламининг ғўзал ва буюк қирралари бўлиб, унинг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жиҳатдан бутун бир миллат

сифатида барқарор бўлишига хизмат қилади.

Улуғ мутафаккир бобомиз Абдулла Авлоний тарбия борасида, айниқса, фарзандларимиз келажакда ҳақида доимо қайғуриб, “Боланинг саломатлиги ва саодати учун яхши тарбия қилмоқ – танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб усдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб кабудурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл марказига “яхши хулқ” деган давони ичидан “поклик” деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдир. ...Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинч ва роҳати ёшларнинг тарбиясига боғлиқдир”², деган эди.

Дарҳақиқат ёшлар камолоти ҳақида қайғуриш ҳамма даврларда ҳам долзарб вазифа бўлиб келган. “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси саҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, “Юксак

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрири). 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2023.

2 Ёшларга донолар ўғити. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси. Ғ.Фуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018 йил. Сўз боши.



маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мастақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”, “Ёшларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтираемиз”, дейди Президентимиз Шавкат Мирзиёев³.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Маънавият – аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади⁴.

Мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакроп меросимиз, муқаддас дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажакка дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Албатта, бу каби ижобий омиллар аҳоли-мизнинг руҳиятини кўтариб, ишчанлик, бунёдкорлик кайфиятини кучайтирмоқда, юртдошларимизнинг келажакка ишончини янада оширмоқда⁵.

Айниқса сўнгги йилларда мамлакатимиз Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган ислохотлар, халқчил сиёсат, инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар жамият аъзоларининг дунёқарашини мутлақо ўзгартириб юборди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифаси сифатида қонунда белгиланган прокуратура органлари томонидан қайд қилинган вазифаларга эришиш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, ҳар қандай қонун бузилишига нисбатан мура-

сасиз курашадиган, қонун талабларига қатъий бўйсунадиган, ўз касбига садоқатли ва ҳалол ходимлар корпусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Минг афсуски, прокуратура органлари ходимлари, айниқса, ёш мутахассисларнинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда зарур касбий кўникмалар ва инсоний фазилатларни шакллантириш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ҳуनुзгача сақланиб қолмоқда⁶.

Шунингдек, кенг дунёқарашга эга, танқидий фикрлай оладиган, касб одобномаси қоидаларига қатъий риоя қиладиган, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши мурасасиз курашадиган ходимларни тайёрлашда яхлит концептуал ишлар етарлича йўлга қўйилмаганлиги жамиятда прокуратура органларининг ижобий қиёфасини шакллантиришга етарлича имкон бермасдан келмоқда⁷.

2023 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва прокуратура органларининг аҳоли билан янада яқин ҳамкорлигини таъминлашда ходимларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга кўра:

прокуратура органлари ва муассасалари ходимлари, айниқса, ёш мутахассисларнинг “Инсон қадрини уюмга асосида касбий ва ишчанлик маҳоратини ошириш, уларнинг маънан етук, ҳалол ҳамда ўз касбига садоқатли ва юқори масъулиятли кадрлар сифатида шаклланишига эришиш;

ходимларда инсон, жамият ва давлат тақдирига дахлдорлик ҳиссини ошириш, ички ва ташқи маънавий таҳдидларга, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг очиқлик ва шаффофлигини таъминлаш;

ходимларда ўз хизмат вазифаларини, фуқаролик бурчини виждонан, Ватан ва халқ олдидаги масъулиятини чин дилдан ҳис этган ҳолда бажариш ва жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш туйғусини шакллантириш⁸га қаратилган устувор мақсадлар белгиланган.

3 Шу ерда.

4 Ғулом Мирзаев. “Маънавият оиладан бошланади”. / Мустаҳкам оила – маънавий тарбия маскани (Илмий тўплам). Тошкент, 2012 йил “Сано-стандарт” нашриёти, 8-бет.

5 Шу ерда.

6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва прокуратура органларининг аҳоли билан янада яқин ҳамкорлигини таъминлашда ходимларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-170-сон қарори.

7 Шу ерда.

8 Шу ерда.



Қайд қилинган 170-сонли қарор билан “Прокуратура органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш” концепцияси тасдиқланиб, унда прокуратура органлари ва муассасалари ходимларининг умумий дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улардаги ватанпарварлик, ҳалоллик, касбга садоқат, фидойилик ҳамда юқори масъулият, миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Жумладан:

ҳар бир ходимнинг онги ва қалбига “Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир прокуратура ходимининг шарафли бурчидир!”, “Эл-юрт тақдири – менинг тақдирим!” ва “Халқ ва давлат манфаати – менинг манфаатим” деган устувор концептуал ғоявий шиорларнинг мазмун-моҳиятини сингдириш;

ходимларда Ватан ва халқ олдидаги масъулиятини чин дилдан ҳис этган ҳолда ўз вазифаларини, фуқаролик бурчини виждонан бажариш ва жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш туйғусини шакллантириш;

диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ҳушёрлик ва огоҳлик каби туйғуларни мустаҳкамлашга қаратилган учрашувлар ўтказиш, ходимларда экстремизм ва бошқа салбий иллатларга нисбатан муросасиз муносабни кучайтириш чораларини кўриш ва бошқа тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, прокуратура органлари ва муассасалари ходимларининг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, айниқса, ёш мутахассисларнинг “Инсон қадрини учун” тамойили асосида касбий ва ишчанлик маҳоратини ошириш, уларнинг маънан етук, ҳалол, ватанпарвар ҳамда ўз касбига садоқатли ва юқори масъулиятли кадрлар сифатида шаклланишига эришиш мақсадида 2023 йил 14 сентябрь куни “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида” Меморандум имзоланди.

Меморандум доирасида ходимларда Ватан ва халқ олдидаги масъулиятини чин дилдан ҳис этган ҳолда ўз хизмат вазифаларини, фуқаролик бурчини виждонан бажариш ва жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш туйғусини шакллантириш, ходимлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларига қарши муросасиз курашиш тизимини такомиллаштириш,

ушбу иллатни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чораларни кучайтириш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда бошқа мақсад ва вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мамлакатимиз президенти ташаббуслари асосида жорий йилдан эътиборан терговчи, прокуратура фаолияти бўйича бакалавр мутахассисларни тайёрлашга киришди. Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя қиладиган, юксак маънавий, психологик сифатларга, таҳлилий фикрлаш қобилияти ҳамда юқори касб кўникмаларига эга бўлган терговчилар корпусини шакллантириш диққатимиз марказида бўлади. Прокуратура органлари тизимидаги ҳар бир ходим эса зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг барча чораларини кўради⁹.

Ҳар бир ўқув дастурлари предметига маънавият, маърифат ғоялари синдирилиши, яъни Ватанга ва касбга садоқат, фидойилик, ҳалоллик, адолатпарварлик, ҳар бир ҳаракат қонун доирасида бўлиши ва қонунга итоаткорлик ғоялари синдирилиши лозим.

Академия талаба ва тингловчиларини Ватан ҳамда халқ манфаатларини ўз шахсий манфаатларидан устун қўядиган ҳамда ҳимоя қиладиган, қонунларга қитъий бўйсунувчи, касбига садоқатли ходимлар сифатида тайёрлаш мақсадида ходимнинг муомала одоби ва этикаси, нутқ маданияти, ватанпарварлик тарбияси ва касбий маданияти, маънавият асослари билан боғлиқ фанларга урғу берилиши, шунингдек, тингловчилар мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида “Геосиёсий манфаатлар тўқнашуви ва мафкуравий кураш” махсус курсини ўқитишга алоҳида урғу берилиши лозим.

Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши прокуратура органлари сафини ўз касби ва қасамдига содиқ, фидойи, ҳалол, ватанпарвар, мустақил иродали, халқ манфаатларини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган ва маънан баркамол истиқболли кадрлар билан тўлдириш, юксак касбий фазилатларга ва ташкилотчилик қобилиятига эга ходимларни тайёрлаш ва шу орқали мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

#

Шерзод МУХАМАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ТЕЗКОР ЭКСПЕРИМЕНТ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ ВА ПОРАНИ ПРОВОКАЦИЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада тезкор-қидирув ва тергов органлари фаолиятида порахўрлик жиноятлари бўйича шахсни жиноят устида қўлга олиш жараёнида юзага келаётган муаммолар, тегишли чора-тадбирларни белгилаш орқали уларни мувофиқлаштириш зарурияти таҳлил қилинган. Мураккаб коррупциявий жиноятлардан бири бўлган порахўрлик жиноятларини тўлиқ ва ҳолисона фош этиш, ушбу жараёнда шахсга нисбатан провокациявий ҳаракатлар содир қилмаслик, айбсизлик презумпцияси ва далиллар мақбуллигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларнинг ечими борасида таклифлар кўрсатиб ўтилган. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар бўлган жараёнда терговчининг роли, унинг тергов-тезкор гуруҳлари таркибидаги вазифалари кўриб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В статье анализируются проблемы, возникающие в процессе поимки лица по преступлениям о взяточничестве в деятельности оперативно-розыскных и следственных органов, путем установления соответствующих мер, необходимости их координации. Рассматривается роль следователя в процессе до возбуждения уголовного дела, его следственно-оперативные функции внутри групп.

ABSTRACT. The article analyzes the problems that arise in the process of catching a person for crimes of bribery in the activities of operational search and investigative bodies, by establishing appropriate measures and the need for their coordination. The role of the investigator in the process before the initiation of a criminal case, his investigative and operational functions within groups are considered.

Калит сўзлар: коррупция, порахўрлик, пора олиш, провокация, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор эксперимент.

Ключевые слова: коррупция, взяточничество, подкуп, провокация, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативный эксперимент

Key words: corruption, bribery, bribery, provocation, operational investigative activities, operational investigative activities, operational experiment

Барчамизга маълумки, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббус асосида халқимиз муаллифлигида янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси яратилиб, 2023 йилнинг 30 апрель куни ўтказилган референдумда қабул қилинди.

Янги Конституцияда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмуни, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари бундан буён барча жабҳаларда энг устувор аҳамият касб этиши қатъий қоидага айланди. “Инсон қадри учун” ғояси ҳамда “Инсон-жамият-давлат” деган ёндашув янги таҳрирдаги бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдирилди.

Конституция ўзида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ғоясини мужассам этганлиги, айниқса, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро ҳуқуқ ва конституция нормаларига мувофиқ кафолатланиши, давлат органлари, айниқ-

са, тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларидан фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланишида алоҳида масъулиятни талаб этади.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида коррупция, айниқса, порахўрлик жиноятларини тегишли тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш орқали аниқлаш, фош этиш ҳамда сифатли тергов ҳаракатларини ўтказиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Коррупциявий жиноятларни фош этиш ҳамда тергов қилиш жараёнларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли таъминлаш ўта муҳим бўлиб, аввало, тезкор-қидирув ва тергов органларининг ушбу тоифадаги жиноятларнинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда қонун нормаларига оғишмасдан риоя қилиб, далиллар мақбуллигини таъминлаши билан бевожублик ҳисобланади.

Мавжуд амалиёт ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият порахўрлик жиноятлари сифатли ва ҳар томонлама мукамал ўтказилган тезкор-қиди-



рув тадбирлари натижаларига кўра фош этилади ва ҳужжатлаштирилади.

Шу ўринда, ушбу тоифадаги жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув ва дастлабки тергов органларининг фаолияти бевосита ҳамкорликда амалга оширилган тақдирдагина кутилган натижаларга эришилади.

Зеро, аксарият ҳолларда жиддий ишлар бўйича жиноят процесси тезкор-қидирув фаолиятисиз кучсиздир, тезкор-қидирув фаолияти жиноят процесси орқали рўёбга чиқмаган тақдирда самарасиздир.¹

Ҳуқуқшунос олим Д.Бедняков эса тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процессини ўзаро солиштирар экан, “Процессуал фаолият процессуал бўлмаган усуллар қўлланилмаган тақдирда имконсиз, процессуал бўлмаган фаолият эса унинг натижаларидан келгусида фойдаланилмаган тақдирда мақсадсиздир²”, деб таъкидлайди.

Шубҳасиз, тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процесси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик таъминланган, улар бир-бирини тўлдирган тақдирдагина жиноятчиликка қарши курашишда кутилган натижаларга эришилади.

Таъкидлаш жоизки, порахўрлик жиноятлари бўйича аксарият ҳолларда дастлабки терговнинг натижалари тезкор-қидирув фаолияти натижаларига кўра тўпланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрилигига, мазкур жараёнда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаганлигига, далилларни мустаҳкамлаш қоидаларига риоя қилинганлигига боғлиқ бўлиб қолади. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 16-моддаси³ шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин.

Шу ўринда, порахўрлик жиноятлари бўйича шахсни жиноят устида қўлга олишга қаратилган тезкор-қидирув ҳаракатларининг қонун талабларига мувофиқ ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасига кўра, тезкор эксперимент – ғайриҳуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқарилади-

ган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тадбир⁴ ҳисобланади ҳамда порахўрлик жиноятлари бўйича шахсни жиноят устида қўлга олиш ушбу тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш орқали тамомланади.

Мазкур тезкор-қидирув тадбири ҳаққоний ҳолатга максимал яқинлаштирилган ҳолда ўтказилиб, унинг ёрдамида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан кутилаётган натижага, яъни шахснинг ўз жиноий қасдини намоён қилишига нисбатан гумон қилинувчиларнинг хулқ-атвори, пора предметининг олди-бердиси моделлаштирилади. Тезкор эксперимент, энг аввало, мансабдор шахснинг жиноий фаолиятига чек қўйиш ва келгусидаги қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш мақсадини кўзлайди.

Бунда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун жиноят содир қилаётган шахсларни фош этиш ва жавобгарликка тортиш мақсадларида улар билан яқин алоқаларни ўрнатган ҳолда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш имкониятларини беради. Шу сабабли айрим ҳолларда порахўрликка оид маълумотлар асосида ўтказилаётган тезкор-қидирув ҳаракатлари давомида мансабдор шахслар нисбатан ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар содир қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Айрим ҳолларда тезкор-қидирув тадбирлари давомида иштирок этаётган шахсларнинг ҳаракатлари жиноий ҳаракатларга яқин бўлган шаклларга ўтиб кетади ёки уларга топширилган вазифа уларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид солади. Ушбу жараёнларда тезкор-қидирув тадбирларига жалб қилинган шахслар томонидан мансабдор шахсларга нисбатан провокациявий ҳаракатлар содир этилиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Шу сабабли тезкор эксперимент ва провокацияларни ўзаро чегаралаш тезкор-қидирув фаолияти назариясининг нисбатан муҳим ва баҳсли муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунда ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тезкор экспериментларни ўтказишнинг рухсат берилган чегараларини аниқлаш орқали уларни провокация даражасига ўтиб кетмаслигини таъминлаш асосий муаммо ҳисобланади.

“Провокация” сўзи (лот. *provocatio* – чақирув) луғавий маъносига кўра, алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар ва бошқаларни улар учун оғир ва ҳалокатли бўлган оқибатлар келтириб чиқарадиган ҳаракатларни содир этишга гижгиллаш, оғ-

1 М.П. Поляков Уголовно-процессуальная интерпретация результатов оперативно-розыскной деятельности: Монография./Под научной редакцией прф. В.Т.Томина. – Нижний Новгород: Нижегородская правовая академия, 2001. С.7

2 Д.И. Бедняков Непроцессуальная информация и расследование преступлений. М., 1991. С.80

3 <http://lex.uz/docs/2107763>

4 <http://lex.uz/docs/2107763>



дириш, ундаш ҳисобланади⁵.

Е.С.Дубоносонинг фикрига кўра, тезкор экспериментни ўтказиш жараёнида шахснинг жиноят содир қилиш нияти ва порани олишга бўлган яққол розилиги мавжудлигига, мазкур ҳолат тезкор-қидирув тадбири ўтказилишининг қонунийлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлиги сабабли, албатта, эътибор қаратиш лозим. Чунки ушбу тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш давомида шахсни пора олишга провокация қилиш эҳтимоли мавжуд бўлади⁶.

Тезкор-қидирув тадбирлари давомидаги ундов, умумий қоидаларга мувофиқ, ҳар қандай ҳолатда шахснинг жиноий ҳаракатга провокация қилмаслиги ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний эркинликларини бузмаслиги керак. Тезкор экспериментлар (амалиётда бошқа ном билан талқин қилинган ҳолда ҳам) пора сўраб товламачилик қилаётган шахсларга нисбатан ўтказилиши сабабли улар провокацияга айланиб кетмаслиги учун қонун чиқарувчи ушбу турдаги тезкор-қидирув тадбирини фақат ғайриҳуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида ўтказиш каби ҳуқуқий чегарани белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, мансабдор шахс пора сўраб товламачилик қилаётган ва пора уни фош этиш ҳамда жиноят устида қўлга олиш мақсадида берилганда бундай ҳолатлар порани провокация қилиш тарзида баҳоланиши мумкин эмас. Чунки бунда бир томондан пул маблағлари ёки қимматликларни беришга мансабдор шахс ноқонуний талаб қўйган бўлса, иккинчи томондан, порани бериш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари олдиндан хабардор бўлган ҳолда ўтказилади.

Ҳуқуқшунос В.Д.Меньшагин порани провокация қилишни порахўрлик фактини фош этишга қаратилган уринишдан қуйидагича фарқлаган эди: “пора олиш жинояти содир қилиниши мумкинлигини инobatга олган ҳолда, биз пора беришни таклиф қилиш ёки олишга қаратилган сунъий шарт-шароитлар яратмаймиз, ушбу ҳаракатларни содир қилишга провокация қилмаймиз, балки мавжуд пора сўраб товламачилик қилинганлиги фактларини аниқлаш мақсадида шароит яратамиз. Бошқача айтганда, бундай ҳаракатлар гумон қилинувчиларнинг жиноятни содир қилишга қаратилган журъа-

тида ифодаланмайди. Бунда реал ҳолатнинг фақат модели яратилиб, унинг ривожланишини назорат қилиш, фош этувчи далилларни олиш, қамровга олинган шахснинг жиноят устида қўлга олиш амалга оширилади”⁷.

Тезкор-қидирув фаолияти иштирокчиларининг тезкор тадбир объекти, яъни мансабдор шахснинг хулқ-атворини фаоллаштиришга қаратилган ҳаракатлари (масалан, пора предметини олиш-беришни тезкор-қидирув тадбирини амалга ошириш учун қўлай вақтда амалга ошириш масаласини муҳокама қилиш), унинг хулқ-атворини жиноятни фош этишни енгиллаштирувчи ҳаракатларга йўналтириш (масалан, жиноятчини жиноят устида қўлга олиш ҳамда тезкор тадбир хавфсиз ўтказилишини таъминлаш учун олдиндан тайёрланган объектга йўналтириш) жиноятни провокация қилишни ва унда иштирок этишни шакллантирмайди. Ушбу тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда тадбир объектида танлаш имкониятидан маҳрум қилишга қаратилган шароитларнинг яратилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, жиноий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки келгусида фош қилиш мақсадини кўзлаб жиноятни содир қилишга бошқа шахснинг, агар унда жиноятни содир қилишга қаратилган қасд мавжуд бўлмаса, жалб қилиш мумкин эмас. Жиноятни содир қилиш ташаббуси тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ёки конфидентлардан эмас, балки фақат тезкор-қидирув тадбири объектидан келиб чиқиши лозим. Бунда тезкор-қидирув фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳаракатларида формал тарзда жиноят таркиби белгилари (пора бериш назарда тутилмоқда) мавжуд бўлса-да, жиноят ҳисобланмайди⁸.

Порани провокация қилишда пора предмети мансабдор шахсга тўғридан- тўғри, алдов йўли билан ёки сездирмасдан пора пулларини беришда ифодаланади. Бироқ мансабдор шахснинг пора предметини олишга олдиндан розилиги мавжуд бўлмайди. Провокацияни содир қилувчи шахс фақат жиноятнинг кўринишини яратади, пора олиш ҳолатини имитация қилади, мансабдор шахс эса унинг ушбу ҳаракатларидан хабардор бўлмайди.

Айнан ушбу ҳолат билан порани провокация қилиш пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур ман-

5 Большая советская энциклопедия. / гл.редактор А.М.Прохоров/ В 30 томах. 3-изд. (1969-1978). Т.21. М.: Советская энциклопедия, 1985. С.1059.

6 Е.С.Кожухова, Т.А.Калентьева О некоторых вопросах расследования коррупционных преступлений. Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева № 2, том 1, 2019. Ст.188

7 Оперативно-розыскная деятельность: Учебник. 2-е изд., доп. и перераб. /Под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Сенилова, А.Ю. Шумилова. М.: ИНФРА-М, 2004. -XIV, 848 с. – (Высшее образование). С. 233

8 Шу ерда. С. 234



сабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этишдан фарқланади. Табиийки, пора бериш пора олувчи ва пора берувчининг икки томонлама розилиги билан амалга оширилса, порани провокация қилишда мансабдор шахсда бундай розилик мавжуд бўлмайди. Провокаторнинг ҳаракатлари эса унинг ҳақиқий ниятидан хабарсиз бўлган мансабдор шахсга нисбатан латент тарзда содир қилинади ҳамда келгусида дастлабки терговнинг бир томонлама ўтказилиши ёки муносабат билдирилмаслиги, қилмишнинг латентлигича қолиб кетишига шароит яратади.

Аниқ жиноят ишлари мисолида мавжуд муаммога назар ташлайдиган бўлсак, фуқаро А. тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ариза билан мурожаат қилиб, мактаб директори Б. уни ишга қабул қилиш эвазига пора талаб қилаётганлигини маълум қилиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Мазкур ариза юзасидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбири давомида фуқаро А. мактаб директорига уни ишга қабул қилиш эвазига пора таклиф қилганида Б. унга пора олмасдан ҳам ишга қабул қилишини маълум қилган. Бироқ фуқаро А. такроран уни порани олишга ундаган бўлиб, мактаб директори Б. унинг оилавий шароити ва моддий аҳволи оғирлигини, онаси ногиронлигини айтиб, порани олишни рад қилса-да, пулларни унинг хизмат хонасига ташлаб чиқиб кетган. Ўз навбатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан мактаб директори пора предмети билан хизмат хонасида ушланган.

Мазкур ҳолатда ариза муаллифи томонидан мансабдор шахсга пора беришга провокация қилинганлиги тасдиқланган бўлса-да, дастлабки тергов органи томонидан фуқаро А.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилмасдан мактаб директорига нисбатан жиноят иши тугатилган.

Амалиётда провокациявий ҳаракатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги инкор этилмайди ҳамда тезкор экспериментни бу каби ҳаракатлардан фарқлаш муҳим аҳамият касб этади.

С.Н.Радачинский провокациявий ҳаракатларни тезкор экспериментдан фарқловчи қуйидаги асосларни келтиради.

1) провокация амалга оширилганида қонунда назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш учун асослар мавжуд бўлмайди;

2) провокация амалга оширилганида мансабдор шахс томонидан пора предмети олиш ташаббуси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ўзидан келиб чиқади, тезкор экспериментда эса ушбу ташаббус мансабдор шахснинг ўзидан келиб чиқиши лозим;

3) порани провокация қилишнинг мақсади бўлиб далилларни сунъий яратиш ёки шантаж ҳисобланса, тезкор экспериментнинг мақсади пора сўраб тамагирлик қилинганлигини тасдиқлаш, ҳужжатлаштириш ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳисобланади⁹.

Назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида провокация ва тайёргарлик кўрилаётган жиноят фактини текширишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирини чегаралашда муайян муаммолар юзага келади. Қонунга мувофиқ тарзда амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбиридан провокацияни ажратишнинг асосий мезони тезкор-қидирув тадбирини амалга ошириш учун қонуний асосларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек, жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар қонуний асослар ҳисобланади.

Шу тариқа, агар порахўрликнинг ташаббускори ноқонуний бойиш мақсадини кўзлаган мансабдор шахс бўлса, бундай ҳолларда провокация мавжуд бўлмайди.

Ҳуқуқий жиҳатдан порани провокация қилиш деганда, провокатор томонидан жабрланувчи унинг фойдасига ҳаракатни, яъни порани олишга ундовчи ёки шундай аҳволга солиб қўювчи ҳолатни атайлаб юзага келтириши тушунилади.

В.П.Малковнинг фикрича, порани провокация қилишнинг ижтимоий хавфлилигини ушбу ҳаракатлар натижасида нафақат мансабдор шахснинг обрўйига путур етиши, балки жиноят иши қўзғатиш учун сунъий сабаб яратилиши ва жиноят иши юритилиши оқибатида дастлабки тергов органларининг ҳақиқатда жиноят содир бўлган ишлардан ташқари куч ва воситалари асоссиз сафарбар этилиши билан изоҳлайди¹⁰.

Таъкидлаш жоизки, тергов амалиётида нафақат пора олиш-беришни, балки бошқа жиноятларни (валюта қимматликларини, гиёҳвандлик воситаларини, ўқотар қуролни олиш, ўтказиш ва ҳ.к.) ҳам прово-

9 С.Н.Радачинский Ответственность за провокацию взятки либо коммерческого подкупа: Дис. ... к.ю.н. Ростов н/Д, 1999. С. 71.

10 Комментарий к УК РФ. – М.: ИНФРА-М-НОРМА, 1996.-С. 701

кация қилиш билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради.

Шу сабабли терговчи муайян жиноят иши бўйича дастлабки терговни оширар экан, Жиноят-процессуал кодекснинг 22-моддасига мувофиқ, жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида айнан “жиноятни провокация қилиш” тушунчаси келтирилмаган ҳамда жисмоний шахслар бундай ҳаракатларни содир қилган тақдирда, уларнинг ҳаракатлари иш ҳолатларидан келиб чиқиб, била туриб жиноят тўғрисида ёлғон хабар бериш, ёлғон гувоҳлик бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари эса далилларни сохталаштириш ва мансабдорлик жиноятлари билан квалификация қилинади.

Бироқ мавжуд қонунчилик нормалари жиноятни провокация қилишда ифодаланган ҳаракатнинг туб мақсад-моҳиятини тўлиқ қамраб олмаганлиги сабабли айнан шундай ҳаракатларни содир қилиб, жабрланувчига нисбатан асоссиз тарзда жиноят иши қўзғатилиши ёки унинг жиноий жавобгарликка тортилишига сабабчи бўлган шахслар жавобгарликдан қутулиб қолади ёки содир этилган қилмиш латентлигича қолиб кетади.

Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилганда, Россия Федерациянинг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги федерал қонунининг 5-моддасига (тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш) кўра, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир қилишга тўғри ёки эгри шаклда далолат қилиш, оғдириш, ундаш (провокация қилиш) тақиқланган.

Шунингдек, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 304-моддасида порани, тижоратда пора эвазига оғдириб олишни ёки давлат ёхуд муниципал эҳтиёжлар учун товарлар, ишлар, хизматларни харид қилишда пора эвазига оғдириб олишни провокация қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, ушбу ҳаракат мансабдор шахс, хорижий мансабдор шахс, оммавий халқаро таш-

килот мансабдор шахси, тижорат ва бошқа ташкилотларда бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахсга, жиноят содир қилинганлигининг далилларини сунъий яратиш ёки шантаж қилиш мақсадида, унинг розилигисиз пул маблағларини, қимматбаҳо қоғозларни, бошқа мулкни беришга уриниш ёки мулкий йўсиндаги хизмат кўрсатишни, бошқа мулкий ҳуқуқларни тақдим қилишга уринишда ифодаланган¹¹.

Белорусь Республикаси Жиноят кодексига эса, “провокация” тушунчаси “саҳналаштириш” сифатида талқин қилиниб, унинг 396-моддасига кўра, пора олишни, ноқонуний мукофотлашни ва пора эвазига оғдириб олишни саҳналаштириш сифатида мансабдор шахс, давлат органи ёки бошқа давлат ташкилотининг мансабдор шахс ҳисобланмайдиган ходими ёки яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахснинг ходимига жиноят содир қилинганлигининг далилларини сунъий яратиш мақсадида ёки шантаж қилиш мақсадида пул маблағларини, қимматбаҳо қоғозларни, бошқа мулкни бериш ёки мулкий йўсиндаги хизмат кўрсатиш тушунилади¹².

Олимларнинг таъкидлашича, “саҳналаштириш” тушунчаси мазкур жиноятнинг мазмунини тўлиқ акс эттирмайди. Саҳналаштириш ўз мазмунига кўра муайян ҳолатни сохта тасвирлашда ифодаланиб, кўпроқ тезкор эксперимент мазмуни ва вазифаларига мос ҳисобланади. Шу сабабли бундай ҳолатга нисбатан “провокация” тушунчасини қўллаш нисбатан тўғри ҳисобланади¹³.

Шу каби, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 417-моддасида Россия ва Беларусь давлатларининг жиноят қонунчилигидаги белгиланган каби тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ва порани провокация қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи алоҳида норма мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг октябрь ойида Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигида нафақат пора ва тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, балки ҳар қандай жиноятни провокация қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи норма киритилган.

Жумладан, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 412-1-моддасида жиноятни провокация қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ёки судга қадар терговни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан шахсни жиноят содир қилганликда айблаш ёки шантаж мақ-

11 Уголовный кодекс Российской Федерации. Consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

12 Уголовный кодекс Республики Беларусь. Pravo.by/document/?quid=3871&p0=hk9900275

13 В.А.Черкашенин. Особенности доказывания по делам о взяточничестве в современных условиях : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.09 : Москва, 2002 171 с. РГБ ОД, 61:03-12/342-1



садида оғдиришда ифодаланган ноқонуний ҳаракатлар жиноятни провокация қилиш ҳисобланади.¹⁴

Америка қўшма штатларининг Намунавий жиноят кодексида ҳам провокация тушунчаси келтирилган бўлиб, унга кўра: “провокация бўлиб, қонунни ижро этувчи оммавий шахс, шунингдек, мазкур шахс билан ҳамкорликда ҳаракат қилаётган шахснинг (жиноий) тажовуз амалга оширилганлигини тасдиқловчи далиллар базасини яратиш мақсадида ишонтириш ва ундаш усулларини қўллаш орқали бошқа шахсни ушбу тажовузни ташкил қилувчи халқ-атворга ундаши ёки рағбатлантириши ва уни содир қилишга тайёр бўлган шахслардан бошқа шахслар томонидан ушбу тажовузни содир қилишнинг хавфини яратиши”¹⁵ ҳисобланади.

Грузия қонунчилигида ҳам ҳар қандай жиноятга провокация қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, Грузия Жиноят кодексининг 145-моддасига кўра, жиноятга провокация қилиш деганда, бошқа шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида жиноятни содир этишга оғдириш ҳисобланади¹⁶. Эътиборлиси, МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигидан фарқли равишда, Грузия жиноят қонунчилигида мазкур жиноят “Одил судловга қарши жиноятлар” туркумига эмас, балки “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар” туркумига киритилган.

Жиноятни провокация қилганлик учун жиноий жавобгарлик Украина, Франция, Испания ва бошқа хорижий давлатлар жиноят қонунчиликларида ҳам белгиланган.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб:

1) Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасидаги тезкор-қидирув фаолиятидаги чекловлар доирасига тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсни ҳуқуққа хилоф ҳаракат-

ларни содир қилишга тўғри ёки эгри шаклда даълолат қилиш, оғдириш, ундаш (провокация қилиш) тақиқланишига оид қўшимча киритиш.

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XVI бобига (Одил судловга қарши жиноятлар) жиноятни провокация қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида норма киритиш.

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XVI бобига (Одил судловга қарши жиноятлар) пора беришга провокация қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига ёки хизматчисига, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига жиноят содир қилинганлигининг далилларини сунъий яратиш ёки шантаж қилиш мақсадида, унинг розилигисиз моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкрий манфаатдор қилишга уринганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида норма киритиш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш йўлидан борар экан, жиноятлар, шу жумладан, порани провокация қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши нафақат фуқароларнинг, балки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва дастлабки тергов органларининг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятида масъулият ва шахсий жавобгарлик ҳиссини янада кучайтириб, фуқароларнинг асоссиз тарзда жиноий таъқиб қурбонига айбланиб, уларнинг айбсиз тарзда жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олишга хизмат қилади.

#

14 Уголовный кодекс Республики Казахстан. Zakon.kz/document/?doc_id=31575252

15 Примерный уголовный кодекс США. Официальный проект Института американского права/ под редакцией Б.С.Никифорова. М., 1969. С 167.

16 Уголовный кодекс Грузии. Matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=247.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
Термиз давлат университети юридик факультети декани,
юридик фанлари доктори

ЭКОЛОГИК ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада экологик қонунлар ижросини таъминлашда прокуратура органлари назоратининг аҳамияти ва экологик назорат билан боғлиқ қонунлар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ илмий-назарий фикрлар ҳамда ушбу фаолиятни такомиллаштиришга оид таклиф-мулоҳазалар ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматривается значение надзора органов прокуратуры за исполнением природоохранного законодательства, правовые основы правоприменения в области экологического контроля, научно-теоретические заключения, касающиеся его особенностей, и предложения по совершенствованию этой деятельности.

ANNOTATION. The article discusses the importance of the supervision of the prosecutor's office over the implementation of environmental legislation, the legal basis for law enforcement in the field of environmental control, scientific and theoretical conclusions regarding its features, and proposals for improving this activity.

Калит сўзлар: прокуратура органлари, экологик хавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси, прокурор назорати, экологик назорат, давлат экология назорати, жамоат экология назорати, экологик ҳуқуқбузарлик, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик.

Ключевые слова: органи прокуратура, экологическая безопасность, охрана окружающей среды, прокурорский надзор, экологической контроль, государственный экологический контроль, общественный экологический контроль, экологическое правонарушение, эколого-правовая ответственность.

Key words: organi prosecutor's office, environmental safety, environmental protection, prosecutor's supervision, environmental control, state environmental control, public environmental control, environmental offense, environmental legal liability.

Инсоният юксак мақсадлар сари интилаётган бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида глобал экологик муаммоларни ҳал этишдек жиддий вазифа турибди. Экологик инқироз, атмосферанинг ифлосланиши-иссиқхона эффекти, озон қатламининг емирилиши, дунё океанининг ифлосланиши, тупроқ унумдор қатламининг йўқолиб бориши, тропик ўрмонларнинг кесилиши, чўлланиш, чучук сув манбаларининг камайиши, ердаги биохилмахилликнинг камайиши, маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, кимёвий ва токсик моддаларни зарарсизлантириш, иқлим ўзгариши аллақачон бир давлат чегарасидан чиқиб, том маънода глобал экологик муаммога айланди.

Афсуски, бошқа экологик муаммолардан фарқли ўлароқ глобал иқлим ўзгариши Ер юзи аҳолисини ҳам ташвишга солаёпти. Шундай экан бугунги кунда барча экологик қонун талаблари ижросининг тўла-тўқис жамият ва инсон манфаатлари йўлида амалга оширилишида прокуратура органлари назоратининг алоҳида ўрни мавжуд. Шунинг учун ҳам табиати мусаффо, экологик хавфсиз ҳамда табиат ресурсларидан оқилona фойдаланиладиган ва муҳофаза этиладиган ҳудудларда прокуратура органлари назорати талаблари кенгроқ даражада

қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашиб, ходимларга йўллаган табригида, “Қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта”¹, деб баҳолаган эди.

Бундан кўриниб турибдики, прокурор назорати дейилганда, Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади².

Шу маънода таъкидлаш жоизки, адабиётларда кўрсатилишича, “Прокурор” сўзи латинча “Pro-curo” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “ғамхўрлик қилмоқ”, “асраб-авайламоқ, таъминламоқ, бошқармоқ, бошлаб бормоқ”³ деган маъноларни ҳам анг-

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Прокуратура органлари ходимларини табриклади. <https://uzdaily.uz/uz/post/1931>

2 О.М.Мадалиев Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм.-Т.:ТДЮИ.- 2009.-424 бет.

3 И.Х.Дворецкий Латинско-русский словарь. – М.; 1998, 621-бет



латиши мавзунинг мантиқий моҳияти билан ҳам боғлиқ.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси (янги таҳрирдаги) Конституциясининг 143-моддасида, "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади",⁴ деб кўрсатилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида экологик таҳдидлар ҳамда экологик хавфсизликнинг олдини олиш, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тиклаш ҳамда келажак авлодга бус-бутун етказиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу мақсадда уларни экологик муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш соҳасида муҳим экологик-ҳуқуқий асослар қабул қилиниши ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу талаблар авваламбор Ўзбекистон Республикаси (янги таҳрирдаги) Конституциясининг 49-моддасида, "Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратди. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради", 68-моддасида эса, "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир..."⁵, деб кўрсатилганлиги ҳам ўта муҳимдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг "Янги Ўзбекистон стратегияси" номли асарида "Иқлим ўзгаришлари, экологик бўҳронлар Орол ва она табиатни асраш зарурати"⁶га умумбашарий муаммолар сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 79-мақсади аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш; 80-мақсади экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш; 81-мақсади ўрмонлар майдонини кенгайтириш⁷ долзарб вазифа эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг 2023 йил 1 июнь куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардияга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарларни маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатларини беришни назарда тутувчи қонун маъқулланди. Ҳужжатга кўра, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 63-модда, 72-моддасининг 1 ва 4-қисмлари, 79-моддасининг 1 ва 3-қисмлари, 88-модда, 90-моддасининг 1-қисми, 91-моддаси, 91-1-моддасининг 1, 2 ва 3-қисмлари, 91-2-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг юрисдикциясига ўтказилиши ҳам бу соҳага алоҳида эътибор мавжудлигини кўрсатиб, прокуратура органлари билан ҳамкорликда ишлашни талаб этади⁸.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган барча экологик қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон фармони билан тасдиқланган "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси"⁹ экологик қонун талаблари ижросини замон талаби асосида олиб боришда катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"¹⁰ ҳамда 2023 йил

4 Ўзбекистон Республикасининг (янги таҳрирдаги) Конституцияси. -Т.: Адолат, 2023.

5 Ўзбекистон Республикасининг (янги таҳрирдаги) Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2023 й.

6 Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент. "Ўзбекистон". 2021 й. 464-бет.

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони // www.lex.uz

8 <https://www.gazeta.uz/uz/2023/06/02/ecology/>

9 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 06/19/5863/3979-сон

10 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон



31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹¹ фармонлари ҳам бу соҳадаги муаммоларни ижобий ҳал этишга ёрдам беради. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратга масъул бўлган Бош прокурор ўринбосари лавозими киритилганлиги ҳам бу соҳада жуда катта янгилик бўлиб, Бош прокуратуранинг ташкилий-штат тузилмасида қўшимча 6 та штат бирлигидан иборат бўлган Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилди.

Бугунги кунда экологик муаммоларни ҳал қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу соҳадаги концептуал ғоялари ва таклифларини батафсил ўрганиш ва амалиётда қўллаш ҳам долзарб аҳамият касб этади.¹²

Юртбошимизнинг юқоридаги кўрсатма ва ғоялари атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг барча фаолиятда амалдаги қонунларга шу билан бирга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги экологик қонунлар ижросини таъминлашда прокуратура органлари томонидан янада қатъийроқ назорат этилишини ҳам назарда тутати.

Шу маънода айниқса, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатлиги¹³ кўрсатилганлиги ҳам ўта аҳамиятлидир.

Тажрибали соҳа олимларининг фикрича, прокуратура органлари экологик қонунлар ижросини таъминлашда қуйидаги принципларга асосан иш фаолиятини амалга оширишлари лозимлиги

таъкидланган: бирлик; марказлашганлик; қонунийлик; мустақиллик; ошкоралик.¹⁴

Мазкур принципларга амал қилиш ва улар асосида экологик қонунлар ижросини таъминлаш ушбу соҳа билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал қилишга ёрдам беради.

Соҳа мутахассиси Г.Алимов Ўзбекистон Конституцияси нормаларини таҳлил қилиб, “прокуратура Конституцияда мустаҳкамланган давлат ҳокимияти тармоқларининг биронтасига кирмайди” деган хулосага келган¹⁵.

Худди шундай фикрни тажрибали амалиётчи ҳуқуқшунос И.Жасимов Ўзбекистон прокуратураси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг биронтасига кирмайдиган, функционал жиҳатдан мустақил бўлган давлат-ҳуқуқий институти эканлиги ҳақидаги мулоҳазани илгари сурган¹⁶.

Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев раҳбарлигида бўлиб ўтган Бош прокуратура ҳайъатининг йиғилишида 2022 йил 1-ярмидаги фаолияти натижалари танқидий муҳокама қилинган эди. Йиғилишда ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб, бу борада ўтказилган назорат тадбирларида 3495 гектар ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгалланганлиги, 1830 гектар захирасига қайтарилиши таъминланганлиги, шунингдек, 12487 гектар ер майдонларини талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 574 та жиноят иши қўзғатилганлигига урғу берилди¹⁷.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қайд этишича, 2022 йилнинг 9 ойида браконьерлик бўйича 5 994 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган, айбдорларга нисбатан жами 8,2 млрд сўм жарима ва 7,9 млрд сўм табиатга етказилган зарар ҳисобланган¹⁸.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талаблари ижросини замон талаби асосида назорат этилишини давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти қуйидагиларда кўриниши мумкин: биринчидан, атроф табиий муҳит, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза

11 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.06.2023 й., 06/23/81/0320-сон

12 Ж.Т.Холмўминов. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг экологик хавфсизликни таъминлаш, аграр ва энергетика соҳасини ривожлантиришга оид концептуал ғояларини ўрганиш”. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент: ТДЮУ, 2020.-528-бет.

13 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда

14 Б.Х. Пўлатов. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. Т.; 2006 й, 42-бет

15 Ф.Алимов. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республики Узбекистан.-Т., 2004.-С.40.

16 И.К.Жасимов. “Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни”. -Т., 2004 й.-С.74.

17 Прокуратура органларининг фаолияти натижалари танқидий муҳокама қилинди. //https://kun.uz/news/2022/07/15/prokuratura-organlarining-faoliyati-natijalari-tanqidiy-muhokama-qilindi?ysclid=lj2u1mkr3k826342066

18 Браконьерлик бўйича қарийб 6 мингта ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. https://kun.uz/news/2022/10/12/brakonerlik-boyicha-qariyb-6-mingta-huquqbuzarlik-holati-aniqlandi



қилиш талабларига риоя этилишини таъминлайди; иккинчидан, табиат захираларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун талабларига аниқ ва оғишмай риоя қилишни; учинчидан, барча юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талаблари беками-кўст бажарилишини; тўртинчидан, табиатдан ноқонуний ва нотўғри фойдаланилишининг олдини олади ва бундай ҳолларда айбдорларга тегишли таъсир чоралари қўлланилишининг таъминланишини; бешинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талаблари ижроси назорат этилиши эндиликда экология ҳуқуқида алоҳида ягона бир институтни ташкил этиб, у ўзида бир қатор субинститутларни бирлаштирганлигида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Шу маънода, айрим юридик адабиётларда экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларнинг олдини олишнинг давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш воситаси¹⁹ “назорат” давлатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг асосий усули сифатида таърифланган.

Демак, умумий маънода прокуратура органлари томонидан экологик қонун талаблари ижросининг назорат этилиши табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиш устидан мунтазам кузатув олиб бориш фаолияти деб тан олиш мумкин.

Илмий манбаларда “назорат” тушунчасининг экологияга боғланганлигини ҳар хил кўринишлардаги — “экологик назорат”, “давлат экология назорати”, “жамоат экология назорати” ва бошқа шу каби сўз бирикмалари билан ифодаланганлигини учратиш мумкин. Мазкур тушунчаларнинг ичида кенг маъно касб этадигани “экология назорати”дир.

Бу борада ўзбек ҳуқуқшунос экологик олимлари томонидан турли эътиборли фикр ва мулоҳазалар билдирилганлигини эътироф этиш лозим.

Ш.Ҳ.Файзиев фикрича, “экология назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахс-

лар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади”²⁰.

Й.О.Жўраев таъкидлашча, “экологик назорат — корхона, муассаса, ташкилотлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва фуқаролар томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича талабларга риоя этилишини текшириш, атроф табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва мониторингини юритиш, экологик экспертиза ўтказиш, шунингдек, ушбу соҳада бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат”²¹.

Амалиётчи олим Б.Ҳ.Калонов бу ҳақда “экология назорати дейилганда, жамиятда мавжуд бўлган давлат ва нодавлат органлар томонидан амалга ошириладиган назоратни умумлаштирувчи тушунча тушунилади”²², деб таъкидлайди.

Таниқли олим М.Нажимов фикрича эса, “экологик назорат деганда, давлат экологик функциясининг асосий шакллари билан бири сифатида давлат органларининг хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият таъсирида бўлган атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида объектлар ҳолатини ҳамда барча юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларни бажаришларини кузатиб бориш, экологик қонунчилик нормалари ва талаблари бузилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш борасидаги ҳуқуқий фаолиятини тушуниш лозим”²³.

Шунингдек, О.Д.Утегеновни олиб борган илмий тадқиқотида экологик назорат табиат захираларидан оқилона фойдаланишни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиш устидан мунтазам кузатув олиб бориш фаолияти сифатида ҳам таърифланади²⁴.

Шунингдек, мамлакатимизда экологик назоратга оид муносабатларни тартибга солувчи ушбу қонун ҳужжатининг ишлаб чиқилиши, миллий қонунчиликни такомиллаштириш нуқтаи назаридан бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўзида

19 Ж.Т.Холмўминов “Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари”. //Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. // 2014 йил, № 2, 53-60-бетлар.

20 Экология ҳуқуқи. Дарслик. //М.Б.Усмонов таҳрири остида.-Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001.- Б. 81.

21 Экологическое право Республики Узбекистан. Учебник.-Ташкент: ТГЮИ, 2006.-С.113.

22 Б.Ҳ.Калонов Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз.... дисс.-Тошкент: ТДЮИ, 2004.-Б. 35.

23 М. Нажимов Давлатнинг экологик функцияси. Юрид. фан. номз....дисс.-Тошкент: ТДЮИ, 2002.-122 б.

24 О.Д.Утегенов Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. номз... дисс.-Тошкент: ТДЮИ, 2010.-Б. 13.



намоён этганлиги ва халқаро талабларга мослиги билан, айниқса, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни замон талаби асосида олиб боришни таъминлашга ёрдам берди.²⁵

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг олиб борилиши ва экологик қонунлар ижроси тўғри таъминланиши экологик назорат тўғрисидаги қонун талабларини таъминлайди ва бир қатор хусусиятлари билан фарқланади.

Биринчидан, прокуратура органлари фаолиятида экологик назорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиши билан; иккинчидан, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни олиб бориши, мустақил давлатимизнинг экологик сиёсатини ўзида акс эттириши ва мустаҳкамлаши билан; учинчидан, давлатнинг экология соҳасидаги назорат функциясини мустаҳкамлашдаги аҳамияти катталиги ва ўта муҳимлиги билан; тўртинчидан, у табиат ресурсларидан оқилна фойдаланиш ва муҳофаза қилишга қаратилганлиги, барча экологик қонун талабларини мустаҳкамлашга қаратилганлиги ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилганлиги билан; бешинчидан, у экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва унга қарши курашишда муҳим асос бўлиши билан фарқланиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг олиб борилиши ва экологик қонунлар ижроси тўғри таъминланиши бир қатор ўзига хос янги хусусиятларини ҳам эътироф этишни тақозо этади.

1. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонуни "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун билан ўзаро ҳамкорликда экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, бозор шароитида табиат ресурсларидан оқилна фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни, Ўзбекистон Республикасининг (янги таҳрирдаги) Конституцияси талабларига мос равишда амалга оширилишини;

2. Ушбу қонун ўзида илк мартаба экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор тушунчаларни, яъни экологик назорат, давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик

назорати, жамоатчилик экологик назорати каби тушунчаларни ўзида ифода этиб, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилишини мустаҳкамлаши;

3. Прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунни табиий муҳит ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмини, экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия, аҳолининг экологик ҳуқуқий маъданиятини ошириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, бу борадаги билимларни мустаҳкамлаш орқали келажак авлодларимизнинг экологик тоза муҳитда яшаши учун замин яратишдаги аҳамиятини таъминлаши ва бошқа хусусиятлари билан фарқланади;

Умуман олганда, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши ва соҳага оид қонунлар ижросининг тўғри таъминланиши табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро муносибликни таъминлашда ва экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этиб, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ бўладиган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, экологик қонун ҳар бир фуқаро, корхона, муассаса ва ташкилотлар, айниқса, қонуний ваколатларга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура, Адлия, суд, ИИБ, Миллий гвардия, Божхона қўмитаси ва бошқалар ушбу қонун талабларини сўзсиз бажаришлари ҳамда ўз фаолиятларида амалга оширишлари лозим бўлади.

Хуллас, прокуратура органлари томонидан экологик қонун талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилиши ва экологик қонунлар ижросининг ўз вақтида тўғри таъминланиши, жумладан, аҳоли ўртасида экологик қонунлар моҳиятини кенгроқ тушунтиришга, экологик назоратни мустаҳкамлашга оид тадбирларни ўтказишга, экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданият, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни замон талаблари асосида олиб боришга, келажак ҳаётимиз учун масъулият билан яшашга ҳамда соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда уни тарбиялашга, энг асосийси, атроф-муҳитни мусаффо ҳолатда келажак авлодга бус-бутун қолдиришга, шунингдек, экологик қонун талабларини қўллаш ва бажаришга катта ёрдам беради.

#

25 Ж.Т.Холмўминов Экологик назорат хорижий мамлакатлар тажрибасида. // "Ҳуқуқ ва бурч" журнали, 2013 й., №11, Б.52-55.



Chris THORNHIL, Tolibjon MUSTAFOEV,
Rustamjon URINBOEV,
Analyses of Administrative Law Reform in Uzbekistan
from a Socio-legal Perspective.

ANALYSES OF ADMINISTRATIVE LAW REFORM IN UZBEKISTAN FROM A SOCIO-LEGAL PERSPECTIVE

ABSTRACT: This article is presented in a form of the report, summarizing preliminary analyses of the fieldwork conducted by the authors of this article in Uzbekistan in a frame of international research project to study nexuses between the Administrative law and social perception of legal reforms. Fieldwork was conducted in the period September-November 2022 in Tashkent, Bukhara and Ferghana district administrative courts. The research project is hosted by Lund University (Sweden) and University of Manchester (UK), in partnership with the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

ANNOTATSIYA: Ushbu maqola ma'muriy huquq va huquqiy islohotlarni ijtimoiy idrok etish o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganish bo'yicha xalqaro tadqiqot loyihasi doirasida ushbu maqola mualliflari tomonidan O'zbekistonda olib borilgan dala tadqiqotlarining dastlabki tahlillarini jamlagan hisobot shaklida taqdim etilgan. 2022-yil sentabr-noyabr oylarida Toshkent, Buxoro va Farg'onadagi ma'muriy sudlarda dala tadqiqotlari o'tkazildi. Tadqiqot loyihasi O'zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish akademiyasi bilan hamkorlikda Lund universiteti (Shvetsiya) va Manchester universiteti (Buyuk Britaniya) tomonidan o'tkazilgan.

АННОТАЦИЯ: Данная статья представлена в виде отчета, обобщающего предварительный анализ полевых исследований, проведенных авторами данной статьи в Узбекистане в рамках международного исследовательского проекта по изучению связей между административным правом и общественным восприятием правовых реформ. В сентябре-ноябре 2022 года проведено полевое исследование в административных судах Ташкента, Бухары и Ферганы. Исследовательский проект проводился Лундским университетом (Швеция) и Манчестерским университетом (Великобритания) в сотрудничестве с Правоохранительной Академией Республики Узбекистан.

Key words: administrative law, legal reforms, legal cultures, Uzbekistan.

Kalit so'zlar: ma'muriy huquq, huquqiy islohotlar, huquqiy madaniyatlar, O'zbekiston.

Ключевые слова: административное право, правовые реформы, правовые культуры, Узбекистан.

Introduction and Background

Administrative law first developed in the eighteenth century as a body of public law separate from constitutional law. In rudimentary form, it established norms of public accountability before constitutional law existed. In some polities, this separation persisted through the nineteenth century, and some weakly constitutionalized polities possessed robust legal provisions to guarantee individual legal protection in face of administrative overreach. Indeed, the development of administrative law was pioneered in states such as Napoleonic France and Imperial Germany, which that weak constitutional provision for popular representation or high-level political accountability. Later, in its classical modern form, administrative law became more closely attached to constitutional law. It acquired the character of a legal order whose purpose was to ensure that constitutional norms were recognized in individual interactions between citizens and public agencies. Both in common-law and civil-law systems, administrative law took shape in the earlier twentieth century as a legal framework that can be defined as applied constitutional law. This function of administrative law was reinforced in most polities after 1945.

In contemporary societies, administrative law is at times marked by new characteristics, and the classical attachment of administrative law to constitutional law is, in some respects, beginning to dissolve. This occurs in different ways in different polities and different jurisdictions. For example, in some polities that are closely integrated in regional human rights systems, international norms are strongly protected and activated in administrative courts, and the jurisprudence of such courts is often developed independently of express provisions in national constitutions. In some polities, the stricter implementation of administrative law is intended to reduce the force of informal law, especially in economic interactions, so that it creates new lines of communication between citizens and government. In some polities, administrative law is conceived as a vector to intercept communications that are usually transmitted through constitutional law, and administrative law serves to deflect social contestation away from the political-constitutional level, towards individual actors and office holders. In some polities, administrative law is used to rebuild confidence in public institutions after periods of crisis. In each respect, administrative law is often constructed for quite specific functional reasons, and it is required



to perform constitutional functions particular to the conditions and society in which it is applied.

Against this background, this article outlines a socio-legal perspective, which it uses to analyse current administrative law reforms in the judicial sector of the Republic of Uzbekistan. Recently, the government of Uzbekistan developed programmes to promote new ideas and initiatives to enhance the administrative justice sector in the country. One of the first steps in this reform agenda was to commence the establishment of administrative courts. To this end, the decree of the President of the Republic of Uzbekistan 'On approval of the concept of administrative reforms in the Republic of Uzbekistan' (6.4.2017), paved the way for the effective consolidation and further improvement of the administrative justice sector in the country. Currently, Administrative courts are governed by the Law of the Republic of Uzbekistan "On Administrative Procedures" (8.1.2018), and the Law on Administrative Court Proceedings of the Republic of Uzbekistan (25.1.2018).

The establishment of administrative courts is intended to support the enforcement and implementation of core principles of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. For example, the establishment of the administrative courts gives force to Article 110 of the Constitution, which provides that the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan is the supreme judicial, organ in civil, criminal, economic and administrative court cases. Moreover, the creation of the administrative courts reflects and activates Article 44 of the Constitution, according to which every person is guaranteed the right to protect her/his rights and freedoms through the courts, to file a complaint to the court against the illegal actions of state bodies, officials, and public associations. The government of Uzbekistan has proclaimed that the principle of 'human dignity' must determine priority directions in reforms to the justice sector, aiming to increase the well-being of the people and enhance the protection mechanisms for human rights. The principle of 'human dignity' has been set out in the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026, which was approved by the President's Decree No. PO-60 (28.1.2022). In particular, the second direction of the development strategy was called "making justice and the rule of law the most basic and necessary condition for development in our country". The decree that followed this is an example of the government's motives of establishing effective judicial control over the activities of state bodies and officials by increasing access to justice for citizens.

Theoretical framework

This paper is built around the fusion of two methodological approaches.

First, it utilizes an instrumental perspective on legal compliance to understand the behavioural dynamics of litigation in the administrative courts in Uzbekistan. Much traditional social theory is built on the assumption that behaviour is motivated by rewards and punishments in the external environment. This instrumental perspective is often referred to as the study of social control (Krislov et al., 1972; Wood, 1974). It assumes that the nature of the immediate environment influences people's actions (Fishbein and Ajzen, 1975; Friedman, 1975; Mueller Dennis, 1979). Social control refers specifically to altering citizens' behaviour by manipulating access to valued social resources or by delivering or threatening to deliver sanctions. This implies that the legal authorities attempt to modify behaviour by rewarding compliance with the rules and punishing or threatening to punish their violation. People who make instrumental decisions about compliance with various laws will have their degree of compliance dictated by their estimate of the likelihood that they will be punished if they do not comply. They may exceed the speed limit, thinking that the likelihood of being caught speeding is low, but not rob a bank, thinking that the likelihood of being caught is higher. In our case study, the instrumental perspective is a pragmatic frame to understand the behavioural attitudes of public officials and their motives for preferring to litigate even in cases where they are able to settle the issue by applying the existing laws. The reason for such behaviour is fear of making independent decisions due to the risk of informal or formal sanctions from the higher authorities and principles for making decisions that do not benefit the public body. Thus, an instrumental perspective regards compliance as a form of behaviour occurring in response to external factors.

Second, the paper draws on the theory of structural functionalism, according to which institutions, social relationships and norms constitute a society in which every part of the integrated social system coexists by depending on each other (Gaur et. Al, 2022). The origins of the concept of this theory can be traced to French social scientist Émile Durkheim whose work was centred on claims regarding the interdependency of parts of society, seeing dependant relationships between social domains as imposing behavioural structures on institutions and individuals (Peacock, 1981). This theory explores adaptive social capacity in a social system. In this paper, a functionalist approach is adopted more intuitively. We proceed from the broadly functionalist argument that administrative law reforms react to functional problems in society, and, under certain conditions, they may help to stabilize society as a whole. In particular, the paper proceeds from the assumption that administrative law forms



a crucial dimension in promoting the processes of individualization and public integration on which relatively stable societies rely. Although often perceived as a marginal aspect of society, administrative law has a key role in promoting public trust and in cementing stable experiences of citizenship and public consciousness. The functionalist approach allows us: (a) to understand the motivations for administrative law reform in Uzbekistan; and (b) to understand the behavioural responses of institutions and individuals to the ongoing reforms. By linking the theory of structural functionalism to the empirical findings of our research, we can analyze the philosophy and motives of the state policies designed to involve the judges in promoting a culture of lawfulness and people's perceptions of recent reforms from macro-level perspectives.

Methodology

The following account of the preliminary analyses of our research on administrative reforms in Uzbekistan is based on a qualitative research method. Research methods applied in this study include participant observation (court ethnography); semi-structured interviews with applicants in the district-level administrative courts in Tashkent, Bukhara and Ferghana regions; high-level interviews with judges from district-level administrative courts, academics, politicians and lawyers. The methodology of the research was designed in cooperation with the Academy of the General Prosecutors Office of the Republic of Uzbekistan (AGPO). Indeed, the AGPO had an important role in designing the research proposal, obtaining ethical clearance from the Supreme Court of Uzbekistan, and providing practical support in the field. The court ethnography within this research was conducted from September to November 2022 in the abovementioned regions. The fieldwork allowed us to participate in more than 130 court hearings and engage more than 60 respondents.

Empirical findings

Court ethnography allowed us to explore the field of administrative courts from different perspectives. The interviews with judges provided us with in-depth analyses of the perceptions of newly introduced reforms amongst judges. The interviews with applicants equipped us with an understanding of how people relate to those reforms. Finally, interviews with lawyers representing the applicants in the courts contributed to a better understanding of the legal challenges of people while applying the newly adapted laws and policies. Hence, this part discusses some legal issues that need to be reconsidered from both academic and legal viewpoints regarding the administrative reforms in Uzbekistan.

First, most of the judges we interviewed shared certain concerns about the level of legal consciousness amongst applicants and their lawyers. According to the judges, citizens are not fully informed about the administrative courts and public law in general, and this affects the cases submitted to them. Even some lawyers litigating in the administrative courts do not have a full understanding of the true sense of the administrative courts. Judges are concerned that they sometimes receive applications (ariza) where either the citizen or her/his lawyer request them to review cases outside the jurisdiction of the administrative courts. Such cases often concern a specific issue, such as economic loss or damage caused by the actions of public officials, which is not strictly subject to administrative law. Judges consider that the pending state policies on the economic life of citizens should provide stronger legal grounds for state officials to resolve the cases by referring to the relevant laws in the field rather than approaching the court on every minor misunderstanding. More specifically, for example, in court cases regarding pension issues, citizens often make a court application in every case of minor misunderstanding regarding the legality of the applicants' documents on the working hours or the job status at the previous workplaces. Typically, judges in the administrative courts believe that stronger ethical codes of conduct should be implemented in the Pension Funds to grant a right of independent or centralized interpretation of labour law and pension law by the officials working in those funds. This concern of judges is understandable due to the shortage of court finance provided by the state and the security of the state budget spent on those cases.

From a socio-legal perspective, the instrumental perspective on legal compliance explains such behaviour of public officials. Legal compliance might be strongly linked to an external factor such as reward and punishment for making unprofitable or ineffective decisions. Our observations and analyses show that the officials from Pension Funds prefer backing up their final decisions with a court order for a sake of securing their own positions and protecting themselves from criticism from higher authorities of the same organization. Furthermore, people shape their behaviour to respond to changes in the tangible, immediate incentives and penalties associated with following the law – to judgments about the personal gains and losses resulting from different kinds of behaviour. In the case of Pension Funds, the officials do not feel independent in interpreting the law shaping their field, consequently, they choose the effortless and accessible option – that is, they ask the applicant to sue them in court. However, in such cases both parties know the approximate decision of the judge in



advance. Thus, reconsidering the pension applications from the legal landscape could bring some positive changes concerning the reduction of the workload of the administrative court and saving the state expenditures on those cases.

Second, the procedure of making an application to the administrative courts raises some concerns among judges. For example, the judges of Tashkent and Ferghana district courts are involved in receiving citizens' applications themselves by meeting with the applicants in the reception rooms in the courts and during field trips. However, such an experience questions regarding the ethical conduct of members of the judiciary. On one hand, these new practices of organizing field trips are warmly perceived by people due to the openness and transparency, and accessibility of the newly founded courts. Some applicants within this research could file a court case during the field trips of judges from the administrative courts to the districts and mahallas. Such a practice might benefit the people, but it opens questions about judicial integrity and ethics. On the other hand, some judges find it stressful to receive the application during the field trips to mahallas that are located in the same district as the administrative court, because eventually the same application might be assigned to the same judge who received the application.

Third, it is worth mentioning the high level of trust of the respondents in this research in the administrative court where they were litigating. Many applicants were satisfied with their court experience. One of the highlighted causes for such high trust in judges of the administrative courts was the flexibility of the judge, transparency during the court hearings, and the professional ruling of the case based on consideration of the facts from both sides. Indeed, judges of the administrative court help applicants to obtain all the necessary documentation (equivalent to the legal evidence that might be useful for the court hearing) from the respondent (public organization). Therefore, judges always request that the respondents provide all the necessary documents from their side

to which the applicant might not have access. One of the judges reflected on the last point by mentioning the following: 'because it is not a secret that in our country the public organizations have a longer hand (in Uzbek he said: davlat tashkilotlarini qo'li uzun oddiy fuqarolarga nisbattan), that is why we need to save the applicants from the bureaucratic procedure concerning the access to certain documents of the public organization'.

On the above points, a more functionalist approach can be tentatively applied. Questions of legal consciousness and the self-criticism of judges can be seen to articulate a broader transformation of society, shifting the axis of actions and interactions towards law-based, individualized accountability structures. Following the functional logic, however, our observations show that the increased formalization of access to justice has generated unforeseen results. Frequently, over-reliance on law is observed. For example, citizens often approach the court in every debatable interaction with a public body without trying to settle the case by applying the laws and bylaws shaping the activities of that public body. Similarly, officials of Pension Fund often deliberately encourage citizens to sue the pension fund and reach a settlement by obtaining a court decision. Such behaviour of public officials creates an intriguing example for studying behavioural sociology in legal compliance. In these respects, the more paradoxical behavioural outcomes of the implementation of administrative justice reforms require further analysis.

Conclusion

As a preliminary observation, the combination of instrumental and functionalist methods is a promising macro-sociological, perspective for examining legal developments in Uzbekistan. Existing data need to be expanded to create insights into the social impacts of the reforms through analysis of regional variations in access to law, ongoing changes to relevant social attitudes, other unintended outcomes of reforms.

Reference list

- Peacock, J. L. (1981). Durkheim and the Social Anthropology of Culture. *Social Forces*, 59(4), 996–1008. <https://doi.org/10.1093/sf/59.4.996>
- Krislov, S., Boyum, K.O., Clark, J.N., Schaefer, R.C., and White, S.O., 1972. Compliance and the Law: A Multidisciplinary Approach. *Criminology*, 10 (2), 243–243.
- Wood, A.L., 1974. *Deviant behavior and control strategies: Essays in sociology*. Lexington, Mass: Lexington Books.
- Fishbein, M. and Ajzen, I., 1975. *Belief, Attitude, Intention and Behavior: An Introduction to Theory and Research*. Reading, Mass: Addison-Wesley.
- Friedman, L.M., 1975. *The legal system: A social science perspective*. New York: Russell Sage Foundation.
- Mueller Dennis, C., 1979. *Public Choice*. New York: Cambridge University Press.
- Gaur, et. al. (Editors of Encyclopaedia) (2022, February 7). Structural Functionalism. *Encyclopedia Britannica*. <https://www.britannica.com/topic/structural-functionalism>



Legal documents (in chronological order):

Code of the Republic of Uzbekistan "On Administrative proceedings", dated 01.04.2018

Law of the Republic of Uzbekistan "On Administrative procedures", dated 10.01.2019

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan № RP-4612 "On additional measures to improve the activity of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan", dated 24.02.2020.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan № DP-6013 "On additional measures on improvement of the Anti-corruption system in the Republic of Uzbekistan", dated 29.06.2020

Decree of the president of the Republic of Uzbekistan № DP -6241 "About the additional measures directed to further enhancement of system of social support of the population", dated 4.06.2021.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-6247 "on additional measures to ensure the openness of the activities of state bodies and organizations, as well as the effective implementation of public control", dated 16.06.2021.

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan № RP-5171 "On additional measures to ensure transparency and increase the efficiency of public procurement", dated 02.07.2021.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-6257 "On measures to create an environment of intolerant attitude to corruption, radically reduce corruption factors in state and public administration, as well as broad public involvement in this process", dated 06.07.2021.

.....




Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
Андижон давлат университети тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори
Азизбек МАХКАМОВ,
Андижон давлат университети таянч докторанти, музей
кичик илмий ходими, ишчи гуруҳ аъзолари

ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ ТАҚДИРИ

Абдурахим Юсуфзода – Бухоро Республикасининг бош прокурори

1920-1924 йилларда Бухоро халқ совет республикаси Халқ нозирлари шўроси таркибида тузилган Адлия халқ нозирлиги мамлакат ҳудудидаги барча судлов идоралари, прокуратура ва тергов-суриштирув органлари, нотариал идоралар, суд ижро қўмиталари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш коллегиялари, аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бюроларига раҳбарлик қилиш вазифасини амалга оширган. 1922 йил 18 августда 3-Бутунбухоро советлари қурултойида асли андижонлик жадид Абдурахим Юсуфзода Адлия халқ ноziри этиб тайинланган.¹



Абдурахим Юсуфзода. Бухородаги Аёзбек мадрасасида олинган сурат

Адлия нозирлиги ҳақидаги Низомнинг 5-бандида² А.Юсуфзода адлия ноziри лавозими билан бир вақтда республиканинг бош прокурори вазифасини ҳам бажарган. Адлия нозирлигида жами 6 та йўналиш – маъмурий-иқтисодий бўлим, судлов бўлими, Олий суд назорати бўлими, қозилик бўлими, прокуратура бўлими, васийлик бўлимлари бўлган. Бу

бўлимлар ишини мувофиқлаштириш ҳам А.Юсуфзоданинг зиммасида бўлган.

Шу билан бир қаторда, адлия халқ ноziри А.Юсуфзода зиммасида республикадаги жазони ўташ муассасаларининг фаолиятини назорат қилиш, маҳбусларга амнистия белгилаш ишларини тартибга солиш, нозирлик қошида адлия ходимларини тайёрлаш курсларини ташкил қилиш, вояга

етмаган меросхўрлар ва эгасиз қолган мулкларни нозирлик ҳимояси тасарруфига олиш ишлари бўлган. Унга кўмаклашадиган икки нафар ўринбосар ҳам бўлган³.

А.Юсуфзода адлия ва прокуратура соҳасини ислоҳ қилишга киришган ҳамда ўз эътиборини республикадаги қозилик ва судлов органлари фаолиятини тартибга солиш билан машғул бўлган. Унинг ташаббуси билан қисқа муддатда мусулмон аҳолиси учун Бухоро шаҳрининг уч жойида халқ қозихоналари бунёд этилган. Улардан 2 нафари шаҳар фуқароларининг масалалари билан, бири атроф шаҳар ва вилоятларга оид масалалар билан машғул бўлган. Республиканинг Когон, Чоржўй, Карки, Термиз вилоятларида рус миллатли аҳолига доир ишларни кўриб чиқиш учун махсус судлар ташкил қилинган⁴.

Асрлар давомида аҳолиси мусулмон бўлган Бухоронинг судлов ишлари анъанавий қозилик идоралари томонидан амалга оширилган ва улар БХСР ташкил топгандан сўнг янги турдаги совет судлари билан бир қаторда ўз фаолиятини олиб борган. Бу идоралар Адлия халқ нозирлигига бўйсунган ҳолда шариат аҳкомлари асосида иш юритган. А.Юсуфзода нозир сифатида мазкур идораларнинг ишини янада такомиллаштириш йўлида кўплаб илғор чора-тадбирларни амалга оширган. Хусусан, судлов органларининг ишини янада демократлаштириш ва суиистеъмомликларнинг олдини олиш учун мамлакатда биринчи бор ўзига хос апелляция органи ҳисобланган “Таниз маҳкамаси” (“Арз маҳкамаси”) ташкил этилди. Бу шўъбада ҳар уч ойда бир марта алоҳида мажлис ўтказилган ва республика ҳудудидаги барча қози ва судьялардан норози бўлган аҳолининг иши қайтадан кўриб чиқилган. А.Юсуфзода ҳудудларга қози ва судьяларни тайинлашга жиддий эътибор берган. Бу лавозимларга асосан олим, фо-

- 1 ЎзМА 96-фонд, 4-рўйхат, 1805-иш, 5-варақ
- 2 РГАСПИ, 62-фонд, 2-рўйхат, 85-иш, 146-варақ
- 3 ЎзМА 48-фонд, 1-рўйхат, 219-иш, 19-варақ
- 4 ЎзМА 64-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 1-варақ



зил, мутадайн (динни яхши билувчи), насл-насабли номзодлардан саралаб тайинланган. Қозихона ва судларнинг ишини республика қонун-қоидалари билан мувофиқлаштириш учун буйруқ ва низомномалар, махсус дастурамаллар ишлаб чиқилган. Судлов органлари фаолиятининг ички назорати учун Адлия нозирлиги қошида “Ҳукм назорати” махсус бўлими ташкил қилинган. “Бухоро ахбори” газетасининг 1922 йил 14 декабрдаги сонидан А.Юсуфзода шахсан ўзи эълон билан Бухоро халқига мурожаат этган. Мурожаатда “Ҳукм назорати” шўъбаси 1922 йил 1 декабрдан ўз ишини бошлагани, агар бирор қози ёки судьянинг ишидан ноҳақлик, порахўрлик, ришвахўрлик (судхўрлик) бўйича шикоятлар бўлса, бу ҳақда Адлия нозирлигига ариза билан мурожаат қилиш мумкинлиги баён этилган.

Адлия ва прокуратура соҳасидаги ислоҳот натижасида ҳудудлардаги қозиларнинг ваколати бир йил этиб белгиланган, қозилар Адлия халқ нозирлиги томонидан кўрсатилган судлов участкаларидагина ўз фаолиятини олиб борган. Ҳар бир қозига идора ишларида кўмаклашиш учун бир нафардан ўринбосар тайинланган. Улар қози бетоб бўлган шароитларда, ўз вазифасини адо эта олмаган ёки вафот этган шароитда унинг ўрнига ўринбосари фаолият кўрсатган. Қозиларни лавозимидан озод қилиш ёки ҳибсга олиш ваколати биргина Адлия халқ нозирлиги тасарруфида бўлган. Унга бошқа давлат органлари томонидан босим ўтказиш қатъиян ман этилган. Нозир А.Юсуфзода қозилик суди ўз ишида фақатгина ислом шариати асосида иш кўриши учун ҳаракат қилган. Бунда қабул қилинаётган қонун-қоидалар Бухоро халқининг ўзлигига, республика ҳукумати чиқарган қонунларга мутлақо зид бўлмаган.

1922 йил 2 июлда Адлия халқ нозирлигининг махсус қарори билан БХСРдаги барча қозилар ва судьялар алоҳида махсус кийим-бош ва гувоҳномалар билан таъминланган, уларнинг моддий аҳволини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

А.Юсуфзода қози ва судьяларнинг шаънини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатиб, ҳатто бошқа давлат органлари раҳбарлари билан тўқнашишгача борган. У адлия органларининг фаолиятига бағишланган ҳукумат йиғилишларида мамлакатдаги милиция идораларининг бошлиқлари, ижроия қўмиталар раисларининг қозилар ва терговчиларнинг ишига қўпол равишда аралашувини, улар томонидан судларнинг мустақил фаолияти чекланиб, тазйиқ ўтказишга уриниш ҳолатларини қаттиқ танқид остига олган, ҳукуматни ҳатто тегишли чоралар кўришга чақирган. Ҳукумат милиция органларига суд ва терговчиларнинг биринчи мурожаатидаёқ уларга ёрдамлашиш тўғрисида буйруқ берган.

А.Юсуфзода прокурор вазифасидалигида юксак маданиятли арбоб сифатида милиция идоралари томонидан тарихий-меъморий обидалардан ҳибсхона сифатида фойдаланилишини кескин танқид остига олган ва амалий чора кўрган. Бухородаги Мулла Муҳаммад Шариф мадрасаси милиция органи томонидан қамоқхонага айлантирилганидан хабар топган А.Юсуфзода зудлик билан бу масала бўйича ҳукуматга мурожаат қилиб, қамоқхонанинг бу бинодан бошқа жойга кўчирилишига эришган. Кейинчалик бу мадраса қайта тикланиб, Бухоро маданият музейига айлантирилган.



Андижон фарзанди, Бухорои шарифда, Қобулда, Москвада турли раҳбарлик, дипломатик лавозимларда фаолият кўрсатган А.Юсуфзодининг бой дипломатик тажрибаси, кўп тилларда эркин сўзлаша олиш қобилияти БХСР ҳукумати эътиборидан четда қолмаган. У 1922 йилнинг декабрида СССРни ташкил этиш съездида қатнашган.

Ўрта Осиёдан бу съездда қатнашган 70 нафар вакилдан бири Бухоро республикаси Адлия халқ нозир Абураҳим Юсуфзода бўлган. У съездда сўзга чиққан.



Бухоро халқ қози ва судьяларининг илк қурултойи.
1923 йил март. (иккинчи қаторда, ўртада, қора қалпоқ кийган А.Юсуфзода)

1923 йилнинг мартада бўлиб ўтган Бухоро халқ қози ва судьяларининг илк қурултойида А.Юсуфзода сўзга чиқиб, адлия соҳасидаги долзарб масалалар ҳақида маъруза қилган. У Бухородаги яҳудий, рус, эрон, афғон ва бошқа кам сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг диний ва миллий қадриятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар бири учун алоҳида халқ маҳкамаси тузилиб, унинг таркибига кам сонли миллат вакиллари киририлиши зарурлигини таъкидлаган. Ўша кунгидея БХСР Марказий ижроия қўмитаси

А.Юсуфзоданинг бу ғоясини маъқуллаб, 2 ой ичида шундай халқ маҳкамаларини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилган.



Бухоро Республикасининг Москвадаги элчиси Абдурахим Юсуфзода

1923 йил 1 май куни “Халқаро ишчилар куни” муносабати билан А.Юсуфзода бошчилигидаги Адлия халқ нозирлиги томонидан Бухоро республикасида умумий амнистия эълон қилинган. Оқибатда жамият ва давлат тузумига жиддий зарар етказмаган маҳбуслар озод қилинган. Бу ишни алоҳида комиссия амалга оширган бўлиб, унинг таркибида БХСР Марказий Ижроия қўмитаси, Олий халқ суди, Бухоро фавқулодда қўмитаси вакиллари билан бир нафардан аъзо бўлган. Амнистияга кўра 1 йил озодликдан маҳрум қилинганларнинг жазони ўташ муддати 2 ойга, 1 йилдан ортиқга ҳукм қилинганларнинг муддати учдан бир қисмга қисқартирилган. Маъмурий қамоқ жазоси тайинланган маҳбуслар ўша куниёқ жавобгарликдан озод этилган.

БХСРнинг адлия соҳасида олиб борилган юқоридаги каби чора-тадбирлари маҳаллий аҳоли томонидан мамнуният билан кутиб олинган. Аммо ҳукумат томонидан мулкдор табақага қаратилган қаттиқ чоралар, уларга қарашли мол-мулкнинг давлат ҳисобига мусодара қилиниши, собиқ амир амалдорларининг ёппасига қўлга олиниши ва қатл қилиниши, катта миқдордаги амир хазинасининг Москвага олиб кетилиши, ислом дини ва диний уламоларга нисбатан душманлик муносабати, республика ҳудудида бўлиб турган қизил армия таъминоти оддий аҳолининг зиммасига юклатилгани каби салбий омиллар халқнинг кучли норозиликка сабаб бўлди. Оқибатда республикадаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар тобора кескинлашиб борган. Бу ҳукуматнинг адлия халқ нозири Абдурахим Юсуфзода мураккаб ва оғир шароитда ишлашга мажбур бўлган. Шунга қарамай Файзулла Хўжаев, Отаулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Муинжон Аминов, Мусожон Саиджонов, Абдулқодир Муҳитдинов, Порсо Хўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов билан бир қаторда



Москвадаги элчихонага СССР Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Музерина ташриф буюриганда унга А.Юсуфзода Бухородан келтирилган салла ва чопон кийгизган.

Абдурахим Юсуфзода ҳам демократик йўл тутиб, мўътадил мавқеда турган. У БХСРнинг мустақил бўлиши, эътиқод эркинлиги, ислохотлар ўтказиш зарурлигини ёқлаб чиққан.

Бироқ Бухородаги демократик жараёнларга нисбатан совет ҳукуматининг тазйиқи йил сайин кучайиб борган. БХСР ҳукуматидаги А.Юсуфзода каби миллий арбобларнинг халқчил сиёсати марказ раҳбариятининг бу ҳудуддаги сиёсий таъсир доирасига таҳдид сифатида баҳоланар эди. Натижада Бухоро компартияси ва ҳукуматини “аксиланқилобий ва эксплуататор унсурлардан” тозалаш кампанияси ўтказилган. Айнан шу категориядаги сиймолар қаторига А.Юсуфзода ҳам киритилган эди.

Совет ҳукумати А.Юсуфзода каби “зўравон” ва “муштумзўр” ходимлар советлаштириш ишига тўсқинлик қилиши, аҳоли орасида қўрқув муҳитини яратишини таъкидлаб, уни лавозимдан четлатиш масаласини кун тартибига қўйган. А.Н.Поздншев А.Юсуфзодани адлия халқ нозири лавозимидан озод қилиб, бошқа қуйроқ лавозимга қўйиш лозимлигини айтган. Мажлис аъзолари бу таклифга рози бўлган, адлия халқ нозири этиб унинг ўринбосари Азимжон Шарифжонов тайинланган⁵.

Абдурахим Юсуфзода 1923 йил 24 июнда Бухоро ҳукумати таркибидан четлаштирилиб, Бухородан сургун қилинди. Бухоро ҳукумати Москва ва Тошкентдан келган, «коммунистча сабоқ» олган «тажрибали совет ходимлари» билан тўлдирилди⁶.

А.Юсуфзода адлия нозири лавозимидан озод қилинган, 1923 йил 27 июлдан бошлаб Маориф халқ комиссарлигида вақф ишлари бўйича махсус комиссия раиси лавозимида фаолият кўрсата бошлаган⁷. Бу лавозимда 4 ой давомида Бухородаги вақф ишларини қайта ташкил қилиш, тартибга солиш ишлари билан машғул бўлган.

А.Юсуфзода адлия халқ нозири сифатида оз муддат бўлса-да, ўша мураккаб ва зиддиятли даврда ибратли фаолият кўрсата олди. Мамлакат судлов тизимининг ривожланишига, уни халқчиллашувига катта ҳисса қўшди. Бироқ у совет ҳукуматининг БХСРда мустақил ички сиёсат юритишга уринган, унинг истиқлолини кўзлаган маҳаллий арбоблар билан бир қаторда турли бўҳтонлар сабабли ишдан олинди ва ҳукуматдан четлаштирилди.

1925-1930 йилларда Абдурахим Юсуфзода юртимиз равнақи йўлида заҳмат чекиб турли лавозимларда фаолият кўрсатади. Бироқ 51 ёшга тўлганда саломатлиги оғирлашиб ногирон бўлиб қолади.

А.Юсуфзода 1936 йил 22 майда Самарқанд шаҳрида НКВД ходимлари томонидан ҳибсга

5 РГАСПИ, 62-фонд, 2-рўйхат, 32-иш, 33-варақ.

6 Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: (Очерклар) / Масъул муҳаррирлар: Д. А.Алимова, Э. В. Ртвеладзе.— Т.: «Шарқ», 2001. —Б.199.

7 ЎзМА 96-фонд, 4-рўйхат, 1805-иш, 18-варақ



олинади. Унга нисбатан туҳмат ва бўҳтонлардан иборат айблов эълон қилиниб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинади. Аммо 1937-1938 йиллардаги “Катта қирғин” жараёнида унга нисбатан қайтадан жиноий иш очирилиб, 1937 йилнинг 11 апрелидан 14 октябрга қадар НКВДнинг махсус камераларида бир неча бор сурункасига тергов қилинади. Тергов баённомаларини кўздан кечирган, қалбдан ўтказган ҳар бир инсоннинг вужудини титроқ босади, руҳан азобга тушади, қаттол тузумга нисбатан нафрат-ғазаб уйғонади. Маҳбус А.Юсуфзода “Миллий иттиҳод” номли аксиланқилобий, миллатчи ташкилотга мансубликда айбланган. У оғир бетоблигига қарамай терговчининг саволларига жавоб беришга мажбур қилинади. Бу тергов жараёни Р.Шамсутдиновнинг “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” номли китобида (2001 йил, “Шарқ” нашриёти) батафсил берил-

ган. ЎзССР НКВД қошидаги “Учлик”нинг 1937 йил 14 октябрдаги қарори билан Ўзбекистондаги аксиланқилобий ташкилотларда иштироки ва советларга қарши фаолияти учун отувга ҳукм қилинди. Ҳукм 1937 йил 25 октябрда ижро этилди.

Орадан 28 йил ўтиб, 1965 йил 22 сентябрида мудҳиш “Учлик”нинг 1937 йил 14 октябрдаги ҳукми бекор қилинади. Ҳамюртимиз Абдурахим Юсуфзода қонуний йўл билан оқланди.

Хуллас, А.Юсуфзода каби миллий тараққий-парварларнинг совет мамлакати олдидаги ягона айби юрт келажагини кўзлаган ҳолда унинг ривожига заҳмат чекканликларида эди. Мустабид тузумнинг халқимиздан чиққан зиёли қатламга ақл-заковат билан бас кела олмагач, уларни жисмонан йўқ қилишга киришади. Натижада ўзбек халқи ўзининг энг илғор фарзандларидан маҳрум қилинди. Уларнинг ҳаёт йўли ва ибратли фаолиятини кенг ёритиш, азиз номларини абадийлаштириш, ёшларимизни уларга мос авлод бўлиб етишишларига ўз ҳиссамизни қўшиш бизнинг энг асосий вазифамиздир.

#



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ОБЪЕКТНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш масалалари, бу масала бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлили, хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ўрганилган. Таҳлиллар натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектининг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье изучаются вопросы совершенствования научно-теоретических основ прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов, анализ мнений ученых-юристов по этому вопросу, законодательный опыт зарубежных стран. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование научно-теоретической основы объекта прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов.

ABSTRACT. This article examines the issues of improving the scientific and theoretical foundations of prosecutorial control over the implementation of legislation on food safety, analysis of the opinions of legal scholars on this issue, and the legislative experience of foreign countries. As a result of the analysis, proposals aimed at improving the scientific and theoretical basis of the object of prosecutorial control over the implementation of legislation on food safety are substantiated.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, қонунчилик, прокурор назорати, назорат объекти, ҳуқуқий асослар, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Ключевые слова: безопасность пищевой продукции, законодательство, прокурорский контроль, объект контроля, правовые основы, зарубежный опыт, совершенствование.

Key words: food safety, legislation, prosecutorial control, object of control, legal basis, foreign experience, improvement.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг объекти ва унинг доирасига оид илмий-назарий масалалар мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчиликнинг бажарилишини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу озиқ-овқат хавфсизлигининг миллий хавфсизлик билан боғлиқ эканлиги ҳамда унинг инсоният ҳаёти ва фаолиятидаги ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим объекти эканлиги билан изоҳланади. Бинобарин, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат билан таъминламасдан туриб миллий хавфсизликка эришиб бўлмайди.

Сўнгги олти йил ичида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти икки баробарга ўсиб, 1,27 млрд доллардан 2,92 млрд долларга етди.

Биргина ўтган йили мамлакатимизда бемалол етиштириш имкони бўлган 532 минг тоннадан ор-

тиқ картошка, 9 700 тонна пиёз, 7 800 тонна гуруч маҳсулотлари импорт қилинди.¹

Айниқса, импорт ҳажмининг ошиши хорижий валюта захираларининг осонгина чет элга чиқиб кетишига олиб келмоқда.

Сўнгги икки йил ичида мамлакатимизда 200 минг гектарга яқин ерларимиз пахта-ғалладан қисқариб, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ажратиб берилди. Бироқ соҳада изчил назорат таъминланмаганлиги оқибатида 25 турдаги маҳсулот таъминоти бўйича чет давлатларга қарам бўлиб қолинмоқда.²

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва уни реализация қилишда тизим ишламаяпти.

Айниқса, маҳсулот етиштирувчи деҳқоннинг қайта ишловчи ва экспортёрларга бириктирилмагани, аниқ башорат қилиш тизими йўлга қўйилмагани, ҳисоб-китобнинг йўқлиги оқибатида кафолатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш занжири ишламаяпти.

Тадқиқотлар мамлакатда озиқ-овқат маҳсулот-

1 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 13.05.2023 йилдаги 11.1/3-23-188-сонли хати билан тақдим қилинган маълумотлар.

2 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 13.05.2023 йилдаги 11.1/3-23-188-сонли хати билан тақдим қилинган маълумотлар.



лари уруғчилигини ривожлантирмасдан туриб мўл ҳосил олиб бўлмаслиги, аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Уруғчиликни ривожлантириш орқали Нидерландия каби ер майдони ўта чекланган давлат йилига 2,2 млрд долларлик полиз сабзавот уруғларини экспорт қилмоқда.

Соҳани ислоҳ қилиш орқали сув ресурслари етишмайдиган бизнинг яқин ҳамкорларимиз Мисрда картошка ишлаб чиқариш 800 минг, Эронда 855 минг тоннага етиб, ишлаб чиқариш ҳажми 16 фоизга ортган.

Қисқа муддатда республикада уруғчиликни ривожлантириш, соҳага хорижий сармоядорларни кенг жалб қилиш, илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш орқали импорт қилувчидан экспорт қилувчи давлатга айланиш мамлакатимиз олдида турган долзарб масаладир.

Озиқ-овқат етиштирувчи ҳамда сармоядорларга қулай инвестициявий ва ҳуқуқий муҳитни яратиш, етиштирилган маҳсулот бозорини топишга қўмаклашиш ҳам давлатимиз олдида турган муҳим вазифадир.

Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги 3 700 гектарга яқин экин экиш мумкин бўлган қирғоқ бўйи минтақасидаги экин еридан 2 274 гектари (62 фоизи) бўш ётибди. 210 минг гектарга яқин боғ-ток орасига экин экиш ишлари талабга жавоб бермайди.³

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида ажратилган 197 млрд сўмлик кредит ва субсидиялар сарфланишида қонун бузилишига йўл қўйилган.⁴ Бу эса озиқ-овқат хавфсизлиги устидан қатъий прокурор назорати ўрнатишни тақозо қилмоқда.

Прокурорнинг озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назорат объекти тузилиши ҳамда уларнинг ваколати ҳақида тушунчага эга бўлиши мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун бузилишининг олдини

олиш, аниқлаш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Юридик адабиётларда прокурор назоратининг объекти турлича талқин қилинган.

Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар В.Г.Рябцев, В.Б.Ястребов, Б.В.Коробейниковлар прокурор назорати объектига прокуратура ваколати татбиқ этиладиган ҳоқимият органлари, ташкилот, муассаса ва мансабдор шахсларни киритса,⁵ бошқа ҳуқуқшунос олим А.А.Чувилев прокурор назорати объекти деганда, давлат органлари, муассасалар, ташкилотлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, уларнинг қонунлар ижроси билан боғлиқ фаолияти тушунилишини баён қилган.⁶ Бошқа ҳуқуқшунос олим А.Ю.Винокуров объект деганда, тегишли прокурор фаолияти йўналтирилган қонунчиликни таъминлашга қаратилган, махсус нормалар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар доираси тушунилади деб, таъриф берган.⁷

В.Бессарабов ва О.Калугиналар ўз илмий қарашларида прокурор назорати остидаги органлар, мансабдор ва бошқа шахслар прокурор назорати объекти деб ҳисоблашларини баён қилишган. В.Бессарабовнинг фикрига кўра, “прокурор назоратининг объекти – прокурорнинг назорати доирасига кирган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга масъул органлар, ташкилотлар, мансабдор ва бошқа шахслар мажмуидир”⁸, деб фикр билдирган. О.Калугина Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасида кўрсатилган, яъни “федерал вазирликлар, давлат қўмиталари, хизматлар ва бошқа ижро ҳоқимияти федерал органлари”дан ташқари, “Россия Федерацияси ҳуқумати таркибига кирган барча федерал ижро этувчи органлар” ҳам прокурор назоратининг объекти ҳисобланиши лозимлиги ҳақида фикр билдирган.⁹

Амалиётчи олим М.Т.Абдуҳақимов ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро қилиш бўйича

3 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 13.05.2023 йилдаги 11.1/3-23-188-сонли хати билан тақдим қилинган маълумотлар.

4 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 13.05.2023 йилдаги 11.1/3-23-188-сонли хати билан тақдим қилинган маълумотлар.

5 В.П.Рябцев Прокурорский надзор: курс лекций. -М. Норма, 2006. -с.23.; Ястребов В.Б. Прокурорский надзор: учеб. -М.: Городец-Изд. дат. 2001. -С. 165-172.; Прокурорский надзор: учеб. для бакалавров / Ю.Е.Винокуров (и др.); под общ. ред. Ю.Е.Винокурова. 10-е изд, перераб. и доп. -М.: Юрайт. 2011. -16 с.

6 А.А.Чувилев Прокурорский надзор в Российской Федерации: учеб. -М., 1999. – 19 с.

7 А.Ю.Винокуров К вопросу о теоретических основах прокурорской деятельности // Вестн. Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. 2015. №1. -С. 21.

8 Прокурорский надзор. В 2 т. Том 2. Особенная и специальная части: учебник для вузов / под. общ. ред. О.С.Капинус. – 4-е изд., пер. и доп. – М.: Издательство Юрайт. 2019. – С. 83.

9 О.В. Калугина Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства в Российской Федерации. Диссертация на степени канд. юрид. наук. Спец. 12.00.11. -Москва. 2013. -С. 97.



прокурор назоратининг объекти сифатида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, бўйсунувидан қатъи назар бошқа идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижро этилиши бўйича фаолияти, прокурорлар томонидан қонунийлиги ўрганиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни юқоридаги шахслар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, ер эгалари, фермерлар, кластерлар ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш борасидаги мажбуриятларининг бажарилишини келтириб ўтади.¹⁰

А.Б.Комилов юқоридаги тадқиқотчи ва олимлар томонидан билдирилган фикрларни рад этмаган ҳолда, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати объектини белгилаш масаласида иккита муҳим жиҳат: назорат остида бўлган масъул органлар, мансабдор ва бошқа шахслар мажмуи ҳамда прокурор томонидан қонунийлиги баҳоланадиган ҳуқуқий ҳужжатларга эътибор қаратиш зарур, деган фикрни илгари суради.¹¹

Ҳуқуқшунос олим О.М.Мадалиев прокурор назорати объектига қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисини киритса¹², бошқа олим Б.Х.Пўлатов прокурор назорати объектига фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани, бошқача айтганда, прокурорлар томонидан қонунийлиги ўрганиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар киради деб эътироф этган.¹³

Назаримизда, прокурор назорати объектини белгилашда ҳуқуқшунос олим О.Б.Мамадалиевнинг прокурор назорати объекти тушунчасига берган таърифи билан келишган ҳолда, ҳуқуқий ҳуж-

жатлар прокурор назорати объектига киритилган орган, корхона, ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинганлиги ва ушбу объектлар фаолияти доираси қамраб олинганлиги боис, ҳуқуқий ҳужжатларни прокурор назорати объекти сифатида алоҳида баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда қонунчилик билан белгиладиган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мустаҳкамланган.¹⁴

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 октябрдаги “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги қонуни 7-моддасига мувофиқ эса соғлиқни сақлаш гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария ҳолати, сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назорати Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилиши, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган.¹⁵

Худди шу каби, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари озиқ-овқат хавфсизлиги

10 М.Т.Абдуҳақимов. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация, Тошкент – 2023, Б-36.

11 А.Б.Комилов Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2020. -Б. 29-30.

12 О.М.Мадалиев Прокурор назорати // Дарслик. Умумий қисм. -Тошкент, ТДЮИ. 2009. – 57 б.

13 Б.Х.Пўлатов Прокурор назорати //Дарслик. –Т.: “O‘zbekiston”. 2009.–139 б.

14 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон.

15 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2019 й., 03/19/574/3950-сон.



соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланади.¹⁶

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги эса товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайди ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини барта раф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайди, судларда даъво қўзғатади.

Хорижлик ҳуқуқшунос олимлар томонидан бевосита озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати мавзусида тадқиқот ишлари олиб борилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Бироқ М.С.Быкова томонидан “Болалар озиқ-овқат маҳсулотларини муомалага киритишни техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати” номли тадқиқотида мазкур йўналишда прокурор назорати объектига қуйидагиларни киритган, яъни:

- ижроия ҳокимияти органлари, шу жумладан, давлат назорати органлари;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари;
- болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, сақловчи, сотувчи, ташувчи ва йўқ қилувчи тадбиркорлик фаолияти субъектлари;
- болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг техник регламентларга мувофиқлигини текширишни амалга оширувчи ташкилотлар;
- маҳсулотлар истеъмолчиси (истеъмолчи жисмоний шахслар бундан мустасно) – уюшган болалар жамоаси (таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий ҳимоя идоралари, вояга етмаганларга дам олиш хизмати кўрсатувчи ташкилотлар, меҳрибонлик уйлари, вояга етмаган ҳуқуқбузар болаларни вақтинча сақлаш муассасалари).¹⁷

Шунингдек, М.С.Быкова якка тартибдаги тадбиркорларни ҳам прокурор назорати предметига қўшишни таклиф қилади.¹⁸ Худди шунингдек, М.Т.Абдуҳақимов ҳам ўз тадқиқот ишида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан,

бўйсунувидан қатъи назар бошқа идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижро этилиши бўйича фаолиятини ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро қилиш бўйича прокурор назоратининг объектига киритиш таклифини илгари сурган.¹⁹

Назаримизда, мазкур олимларнинг фикри озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида прокурор назорати объектини тўлиқ қамраб олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига мувофиқ деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалик ҳисобланиб, ўз фаолиятини боғдорчилик ва узумчиликка ёки сабзавот ва полиз экинларини ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга ихтисослашиш асосида амалга ошириши кўрсатилган.

Шунингдек, деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига кириши ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Мазкур қонуннинг 10-моддасига мувофиқ деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши устидан назорат қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ёки Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни 6-моддасида якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбир-

16 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон.

17 М.С.Быкова. Прокурорский надзор за исполнением законов о техническом регулировании в сфере оборота продуктов детского питания // Москва-2015 стр. 16.

18 М.С.Быкова. Прокурорский надзор за исполнением законов о техническом регулировании в сфере оборота продуктов детского питания // Москва-2015 стр. 16-17.

19 М.Т.Абдуҳақимов. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация, Тошкент – 2023, Б-36.

корлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Мазкур қонуннинг 7-моддасида эса жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, қонуннинг 39-моддасида тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик бузилиши содир этилиши хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда хавфни таҳлил этиш натижалари асосида назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши мустаҳкамланган.

Бизнинг фикримизча, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда фаолият юритувчи оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжаликларини ҳам прокурор назорати объекти сифатида баҳолаш лозим.

Хорижий давлатлар тажрибаси далолат беришича, қонунлардан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиш ҳам прокурор назоратининг объекти саналади. Масалан, Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 26-моддасига кўра, қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратнинг предмети Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашига бўйсунувчи республика ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотлари, маҳаллий вакиллик, ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар томонидан, шунингдек, мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши прокурор назорати предметига киритилган.²⁰

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиётига қарайдиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам прокурорлар қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиб боришлари қатъий белгилаб қўйилган. Бунда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунлар билан бирга, мазкур соҳага доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижро этили-

ши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини ўрганиб боришга масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 28-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинган ҳамда чиқарилган ҳужжатлар устидан прокурор томонидан протест келтирилиши мумкинлиги, 29-моддасида эса ҳокимнинг прокурор протест билдирган қарорлари қайта кўриб чиқиши мажбурийлиги белгиланган.²¹

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда бугунги кунда прокуратура органлари зиммасига юкланган вазифалар доирасидан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро қилиш бўйича прокурор назоратининг объекти қуйидагиларни ўз ичига олади деган хулосага келиш мумкин:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги;
- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги;
- Санитария-эпидемиология хизматлари;
- Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси;
- Давлат божхона қўмитаси;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;
- тижорат банклари;
- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги;
- давлат-хусусий шериклик асосидаги синов лабораториялари;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, бўйсунувидан қатъи назар бошқа идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, жамоат бирлашмалари ва бошқа мансабдор шахслар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти ва вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашлари.

Озиқ-овқат хавфсизлиги борасида бошқарув функциясини бажарувчи энг муҳим идора Ўзбекис-

20 Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_prokurature/26.htm

21 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон.



тон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6240-сонли фармони мувофиқ агентлик техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология соҳаларида давлат сиёсатини амалга оширувчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли.²²

Озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишида қуйидагилар агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив ҳужжатлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалий жиҳатдан амалга оширилишини таъминлаш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро стандартларни, шу жумладан, сифат менежменти тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишга доир ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини ривожлантириш ҳамда мазкур соҳада илмий-техник ахборотни тарқатиш, шунингдек, соҳани халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

– маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг сифати ва хавфсизлик талабларига риоя қилиниши ва истеъмолчилар ҳуқуқларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

– маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

– маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий

тизимларини, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва маҳсулотларни техник регламентлар ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ сертификатлаштириш;

– экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш масалаларида қулай шароитлар яратиш, халқаро ташкилотлар билан миллий мувофиқликни баҳолаш ва синов ҳамда ўлчаш натижаларининг асосий экспорт бозорларида тан олинисига йўналтирилган ҳамкорликни фаоллаштириш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш, реализация қилинадиган маҳсулотлар хавфсизлигини тизимли назорат қилишни таъминлашда уларнинг самарадорлигини ошириш;

– замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги масалаларда саноат корхоналарига ва тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талаблари, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши ва тўғрилиги таъминланиши, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига амал қилиниши юзасидан давлат назоратини ташкил этиш ва унинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

– давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳузурида ташкил этиладиган стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– манфаатдор томонларни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;

– стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг халқаро талаблар билан зарур уйғунлаштириш даражасига эришиш;

– корхоналарда техник регламент ва стандартлар талабларига риоя этмаганлик учун корхона ва тармоқ раҳбарларига тақдимномалар киритиш;

– техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, аккредитация ва метрология соҳасини ривожлантиришнинг асо-

22 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.06.2021 й., 06/21/6240/0514-сон.

сий индикаторлари бўйича ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш.²³

Шу ўринда қуйидаги субъектлар озиқ-овқат хавфсизлиги устидан прокурор назоратининг объекти ҳисобланмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти (давлат раҳбари);

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (олий ижроия ҳокимияти органи);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси;

Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти;
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;
Инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлик ҳуқуқлари бўйича вакил;
Фуқаролар.

Юридик нуқтаи назардан фуқаролар прокурор назорати объектидан чиқарилган бўлса-да, амалда қайсидир маънода у сақлаб қолинган. Мисол учун, фуқаро томонидан озиқ-овқат соҳасида муайян ҳуқуқбузарликлар содир этилса, прокурор тегишли назорат ҳужжатларини қўллайди.

.....





Виталий ХАН,
Профессор кафедры специальных юридических
дисциплин института послевузовского образования Академии правоохранительных органов
при Генеральной прокуратуре Республики Казахстан, кандидат юридических наук,
Курганбек СЕРДАЛИНОВ,
Главный научный сотрудник центра исследования проблем уголовного процесса
Межведомственного научно-исследовательского института Академии правоохранительных
органов при Генеральной прокуратуре Республики Казахстан,
адъюнкт 1 курса Академии Министерства внутренних дел Кыргызской Республики
имени генерал-майора милиции Э.А.Алиева.

ПРОКУРОР В ПАРАДИГМЕ ТРЕХЗВЕННОЙ МОДЕЛИ КАЗАХСТАНСКОГО УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА: ДОСУДЕБНОЕ ПРОИЗВОДСТВО

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются вопросы места и роли субъекта расследования преступлений в рамках новой парадигмы трехзвенной модели казахстанского уголовного процесса. В этом контексте раскрывается сущность поставленной задачи Главой государства о трансформации национального уголовного судопроизводства с учетом законодательства и опыта стран ОЭСР, с целью искоренения обвинительного уклона в сознании судей. Отмечаются проблемы, связанные с полномочиями и зоной ответственности субъектов, ведущих уголовный процесс, недостатки современного этапа реформирования и пути их устранения.

ANNOTATSIYA. Maqolada Qozog'iston jinoiy jarayonining uch bosqichli modelining yangi paradigmasi doirasida jinoyatlarni tergov qilish sub'ektining o'rni va roli masalalari ko'rib chiqiladi. Shu nuqtai nazardan, davlatimiz rahbari tomonidan sudylar ongida ayblovga oid qarama-qarshilikka barham berish maqsadida milliy jinoiy odil sudlovni OECD mamlakatlari tajribasiga aylantirish bo'yicha belgilab berilgan vazifaning mazmun-mohiyati ochib berilgan. Jinoiy prosessni amalga oshiruvchi sub'yektlarning vakolatlari va javobgarlik sohasi bilan bog'liq muammolar, islohotlarning hozirgi bosqichidagi kamchiliklar va ularni bartaraf etish yo'llari qayd etilgan.

ANNOTATION. The article deals with the issues of the place and role of the subject of investigation of crimes within the framework of the new paradigm of the three-tier model of the Kazakhstani criminal process. In this context, the essence of the task set by the Head of State on the transformation of national criminal justice towards the experience of the OECD countries, in order to eradicate the accusatory bias in the minds of judges, is revealed. The problems associated with the powers and area of responsibility of the subjects conducting the criminal process, the shortcomings of the current stage of reform and ways to eliminate them are noted.

Ключевые слова: следователь; трехзвенная модель; уголовный процесс; расследование преступлений; процессуальная самостоятельность и независимость.

Kalit so'zlar: tergovchi; uch bo'g'inli model; jinoiy jarayon; jinoyatlarni tergov qilish; prosessual avtonomiya va mustaqillik.

Key words: investigator; three-link model; criminal process; investigation of crimes; procedural autonomy and independence.

Президент Республики Казахстан К.Токаев в 2020 году поставил конкретную задачу по модернизации национального уголовного процесса в сторону обеспечения своевременной защиты прав граждан, отвечающего высоким международным стандартам, по примеру развитых стран ОЭСР¹.

Поставленная задача нашла свое развернутое закрепление в п. 4.11 «Концепции правовой политики Республики Казахстан до 2030 года» с целью приблизиться к уровню обеспеченности соблюдения прав человека и его законных интересов в странах ОЭСР в сфере уголовно-процессуальной деятельности.

Взятый нашим государством стратегический курс направлен на дальнейшее реформирование

правоохранительной и судебной систем с поэтапным внедрением трехзвенной модели уголовного процесса, основанной на разграничении полномочий между органами досудебного расследования, прокуратурой и судом, а также упрощении и сокращении форм уголовного судопроизводства.

В этом ключе поэтапно нивелируются и устраняются положения, чрезмерно усиливающие обвинительный уклон уголовного процесса, ограничивающие доступ граждан к правосудию, а также ограничивающих полномочия стороны защиты по сбору фактических данных, имеющих значение для дела.

Данные обстоятельства требуют усиления механизмов, направленных на обеспечение и неукоснительное соблюдение конституционных принципов

1 Казахстан в новой реальности: время действий: Послание Главы государства народу Казахстана от 1 сентября 2020 года [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000002020> (дата обращения: 30.05.2023).

презюмции невиновности и обеспечение неприкосновенности частной жизни, выработки подходов по разграничению основных этапов уголовного процесса и зон ответственности в нем каждого органа с определением эффективной системы сдержек и противовесов за счет независимых фильтров².

Так, в настоящее время конституционные и уголовно-процессуальные полномочия прокурора ограничиваются пунктом 24 Нормативного постановления Верховного Суда Республики Казахстан от 8 декабря 2017 года № 10 «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу», в котором указывается, что дело подлежит возврату прокурору с предварительного слушания и в тех случаях, когда обвинение, изложенное в обвинительном акте, не соответствует обвинению, изложенному в постановлении о квалификации деяния подозреваемого³.

Иными словами, данное положение противоречит решению стратегической задачи государства по разделению полномочий и зон ответственности на каждом этапе уголовного процесса. И надо признать, что такое положение противоречит и самому порядку, установленному уголовно-процессуальным законом.

В частности, в ст. 301 УПК РК одним из вопросов, подлежащих разрешению прокурором при изучении уголовного дела, поступившего с отчетом о завершении досудебного расследования, является необходимость переквалификации деяния подозреваемого (пп. 3) ч. 1 ст. 301 УПК РК)⁴. Такая логика законодателя обусловлена принципами всестороннего, полного и объективного исследования обстоятельств дела, а также свободной оценкой доказательств по внутреннему убеждению.

Исходя из этого Президент Республики Казахстан К. Токаев и определяет правовую политику государства через четкое установление границ в полномочиях и зонах ответственности органов, ведущих уголовный процесс.

Так, процессуальная функция субъекта расследования преступлений заключается в установлении лица, подозреваемого в совершении преступления, и собирании доказательств, устанавливающих его виновность/невиновность. Функцией прокурора является осуществление уголовного преследования, состоящая в определении квалификации

деяния обвиняемого и оценке собранных доказательств, на предмет их относимости, допустимости, достоверности, а в совокупности – достаточности. Суд, осуществляет функцию правосудия, он не является ни стороной обвинения, ни стороной защиты, его основная задача – всесторонне, полно и объективно исследовать обстоятельства дела, доказательства, представленные сторонами, и на их основе установить истину по делу и принять справедливое решение.

Таким образом, уголовно-процессуальным законом определены полномочия и зоны ответственности между органами, ведущими уголовный процесс, а, следовательно, прокурор вправе менять квалификацию на стадии предания обвиняемого суду. Суд, со своей стороны, не должен быть связан ни с позицией субъекта расследования, ни с мнением стороны обвинения. Соответственно, пункт 24 Нормативного постановления Верховного Суда Республики Казахстан «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу» в этой части противоречит уголовно-процессуальному закону и трехзвенной модели национального уголовного процесса, сохраняя рудименты советского уголовного процесса.

В этой связи особое место в трансформации органов, ведущих уголовный процесс, занимает субъект расследования преступлений, исторически занимающий в континентальной модели уголовного судопроизводства ключевую позицию. Осуществляя фактически все три классические функции уголовного процесса: обвинения, защиты и разрешение дела по существу, субъект расследования преступлений стремится к установлению истины по делу, на своей стадии процесса по уголовному делу. В дальнейшем, мнение следователя будет исследовано судом и критически оценено, в том числе при опровергающих или ставящих под сомнение обвинение доказательствах стороны защиты.

В этом контексте следует признать, что в настоящий период времени настал новый этап исторического развития континентальной системы права, и правовая надстройка нашей страны синхронизируется с этим процессом. Такая синхронизация требует отказа от отождествления двух противоположных категорий: «расследование» и «уголовное преследование», образующих монолитность

2 Указ Президента Республики Казахстан «Об утверждении Концепции правовой политики Республики Казахстан до 2030 года» от 15 октября 2021 года № 674. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/U2100000674> (дата обращения: 30.05.2023).

3 Нормативное постановление Верховного Суда Республики Казахстан «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу» от 8 декабря 2017 года № 10. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/P170000010S> (дата обращения: 30.05.2023).

4 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗПК. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231#z2446> (дата обращения: 30.05.2023).



трехзвенной модели национального уголовного процесса. И теперь под «расследованием» следует понимать предварительное полицейское доказывание, а под «уголовным преследованием» – деятельность прокурора по доказыванию вины обвиняемого в суде. Именно отождествление этих категорий вносит путаницу в понимании двух, абсолютно разных процессуальных функций, что приводит к монолитности полицейской и прокурорской деятельности⁵.

По этой причине первым этапом стало разделение полномочий и зон ответственности между прокурором и субъектом расследования преступлений, в рамках осуществления надзора за законностью в принятии четырех ключевых процессуальных решений, затрагивающих конституционные права и свободы человека и гражданина, определяющие законность вовлечения лиц в орбиту уголовного судопроизводства.

В этих целях законом от 19 декабря 2020 года были внесены изменения и дополнения в УПК РК, обеспечивающие прокурором соблюдение субъектом расследования преступлений разумного срока, исключаящее необоснованное прерывание сроков расследования и волокиту по уголовному делу (ч. 8-1 ст. 45 УПК).

Прокурор согласовывает субъекту расследования преступлений постановление о признании лица подозреваемым и может отказать в его согласовании мотивированным постановлением (ч. 1-1 ст. 202 УПК РК). В процессе производства досудебного расследования могут возникнуть фактические основания для изменения или дополнения квалификации деяния подозреваемого, в таких случаях субъект расследования преступлений составляет новое постановление о квалификации деяния подозреваемого, которое также согласовывается с прокурором, дающим правовую оценку материалам уголовного дела (ч. 1 ст. 207 УПК РК).

В целях обеспечения прав потерпевшего и реализации принципа законности прокурор утверждает решение субъекта расследования о прекращении досудебного производства (ст. 289 УПК РК). При этом прокурор может утвердить постановление о прекращении уголовного дела либо уголовного преследования, как полном объеме, так и в его части (ст. 290 УПК РК)⁶.

Упразднение стадии возбуждения уголовного дела, являвшейся исторически сложившимся

атрибутом советского уголовного процесса и не подходившей для начала досудебного производства в рамках новой экономической парадигмы государства, построенной на принципах свободных рыночных и экономических отношений, в практическом русле сформировало новые, ранее неизвестные для национального уголовного процесса проблемы правоприменения.

Решением этих проблем стало обеспечение режима законности на этапе начала досудебного расследования прокурором, который своими полномочиями предотвращает незаконное вовлечение лиц, в орбиту уголовного судопроизводства, особенно по делам в сфере предпринимательской деятельности физических и юридических лиц.

В ходе реформирования национального уголовного процесса в части формирования трехзвенной модели национального уголовного процесса, прокурор стал самостоятельно составлять обвинительный акт. На первом этапе, с 1 января 2022 года прокурор начал составлять обвинительный акт в отношении дел об особо тяжких преступлениях, расследуемых следователями органов внутренних дел, антикоррупционной службы и службы экономических расследований, в том числе соединенных с делами о других уголовных правонарушениях. На втором этапе, с 1 января 2023 года прокурор стал составлять обвинительный акт по делам о коррупционных преступлениях, в том числе соединенных с делами о других уголовных правонарушениях. На третьем этапе, с 1 января 2024 года прокурор будет самостоятельно составлять обвинительные акты в отношении всех дел об уголовных правонарушениях, завершаемых в форме предварительного следствия.

Таким образом, в полномочия и зону ответственности прокурора в полной мере войдет функция осуществления уголовного преследования, окончательная квалификация преступного деяния и оценка собранных по делу доказательств, определение стратегии государственного обвинения, а также экономии уголовных репрессий.

Такая модель корреспондирует с процессуальной практикой развитых стран. В частности, в германском уголовном процессе полиция осуществляет сбор доказательств. Поэтому в основу формирования компетенции полицейских закладываются криминалистические методики по раскрытию и расследованию преступлений. В профессиональную

5 Хан В.В. Трехзвенная система уголовного судопроизводства: перспективы внедрения // Трехзвенная модель уголовного правосудия – гарантия обеспечения прав и свобод граждан: мат. межд. науч.-практ. конф. (02.04 2021 г.). – Алматы: ҚР ИИМ М. Есболатов атындағы Алматы академиясының ҒЗЖРБЖҮБ, 2021. С. 95

6 Закон Республики Казахстан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам усиления защиты прав граждан в уголовном процессе и противодействия коррупции» от 19 декабря 2020 года № 384-VI ЗРК. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z2000000384#z162> (дата обращения: 30.05.2023).



компетенцию прокурора входят юридические знания, потому как именно он дает правовую оценку деятельности органов расследования (полиции).

Опыт США также имеет подобную структуру, но со своими особенностями, характерными для англосаксонской системы уголовного процесса, построенной на основе состязательной модели судопроизводства. Американская полицейская наука также направлена на формирование методик по раскрытию и расследованию преступлений, с использованием достижений психологической и криминологической наук.

В свою очередь, прокурор в США обладает дискреционными полномочиями по осуществлению уголовного преследования. Прокурор не вправе нарушать полномочия и зону ответственности полиции, указывать, как ей действовать в ходе расследования преступлений и тем самым соблюдает принцип процессуальной самостоятельности и независимости субъекта расследования.

Вместе с тем, прокурор может консультировать полицейских по правовым вопросам, особенно в части признания собранных фактических данных в качестве доказательств. В итоге только прокурор решает судьбу уголовного дела, направлять его в суд и тем самым реализовывать функцию уголовного преследования. В этой связи дискреционные полномочия прокурора выражаются в переквалификации преступления на проступок и ограничением приказным производством, либо применением альтернативы уголовному преследования в виде сделки о признании вины или медиации⁷.

Таким образом, правовая реформа по формированию трехзвенной модели национального уголовного процесса в Республике Казахстан в полной мере отвечает международным стандартам в области прав человека, усиливаются процессуальные гарантии, совершенствуются механизмы эффективной реализации принципов уголовного процесса.

Литература

1. Казахстан в новой реальности: время действий: Послание Главы государства народу Казахстана от 1 сентября 2020 года [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000002020> (дата обращения: 30.05.2023).
2. Указ Президента Республики Казахстан «Об утверждении Концепции правовой политики Республики Казахстан до 2030 года» от 15 октября 2021 года № 674. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/U2100000674> (дата обращения: 30.05.2023).
3. Нормативное постановление Верховного Суда Республики Казахстан «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального законодательства по поступившему уголовному делу» от 8 декабря 2017 года № 10. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/P170000010S> (дата обращения: 30.05.2023).
4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗПК. [Электронный ресурс]. – URL: <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231#z2446> (дата обращения: 30.05.2023).
Шу ўринда ушбу тартибнинг мазкур банди юзасидан бир қатор саволлар вужудга келади, агар иш берувчи тақдимномани натижасидан эмас, ходим ушбу тақдимномани натижаси ва кўриб чиқилиши юзасидан шикоят қилсачи. Ушбу ҳолатда ҳам мазкур банд талабларига риоя этиладими? Келгусида эса ходим айна ушбу мазмундаги талаб билан прокуратура органларига мурожаат қилсачи, прокурор назорати амалга оширилишида мазкур тартиб қоидаларига риоя этиладими ёки бошланғич касаба уюшмаси қўмитасининг мазкур қарорини бекор қилишни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудми? Бизнингча, мавжуд эмас, чунки ушбу ҳолатда юқорида таъкидлаб ўтилганидек касаба уюшмаларининг мустақиллигига дахл этилиши мумкин. Бироқ бундай ноаниқликлар ходимнинг меҳнатга доир ҳуқуқларининг амалга оширилишига ҳам тўсиқ бўлмаслиги лозим. Шу сабабли янги ишлаб чиқилиб (ҳозирча 1998 йил 17 апрелдаги Олий суд Пленуми қарори амалда) қабул қилинадиган Олий суд Пленуми қарорида аниқлик киритилиши ва бизнингча мазкур муносабатлар ҳам Меҳнат кодекси объектини ташкил қилганлигини инobatга олиб прокурор назорати объектига олиниши лозим.

Айтиш лозимки, бир қатор адабиётларда прокурорнинг меҳнат муносабатларида иштирокини чеклаш, чунки меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилувчи давлат органлари ва нодавлат муассасаларнинг ваколатлари кенглигини, прокурор назоратига эҳтиёж мавжуд эмаслиги ҳақида фикрлар ҳам учраб туради.

Бизнингча эса, бу вақт билан боғлиқ масала бўлиб, айна вақтда прокурорни меҳнат муносабатларини назорат қилувчи субъектлар доирасидан чиқариш баҳсли саналади. Бунга ходимларнинг ҳуқуқий

саводхонлиги етарли эмаслиги, айрим мансабдор шахсларнинг бошқарув салоҳияти ва менежментлик хусусиятининг етарли эмаслиги, қолаверса, ваколатли органларнинг ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилишлари каби омиллар тўсқинлик қилади.

Тадқиқотчи В.И.Мартыненко ҳам айнан ушбу фикрни қўллаб-қувватлаб, прокурорларнинг меҳнат низоларининг судда кўрилишида иштирокини чеклаш барвақт эканлиги ва бу жамият олдида турган фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлашдаги эҳтиёжларга мувофиқ келмаслигини таъкидлайди.³

Таъкидлаш жоизки, ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни мавжуд. Сўнгги йилларда касаба уюшмаларининг ходимлар манфаатида судга мурожаат қилишга доир ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда. Натижада эса таҳлилларга қараганда, биргина 2020 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик, қулай меҳнат шароитини яратиш масаласи бўйича 16 мингга яқин бошланғич ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, 61 мингдан зиёд камчилик аниқланган, иш берувчиларга салкам 10 мингга яқин тақдимнома киритилган, уларнинг 92 фоизида йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилган.⁴

Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан амалга ошириладиган назорат дунё амалиётида кенг тарқалган бўлиб, касаба уюшмаси ўзи иштирокчи бўлган ва касаба уюшмаси аъзолари меҳнат қилаётган жамоа шартномаси ва битимининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 539-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати субъектлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг махсус субъектларидир.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 540-моддасида касаба уюшмаларининг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини

3 В.И.Мартыненко Процессуальные особенности рассмотрения индивидуальных трудовых споров в судах общей юрисдикции // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2006. -19 с.

4 Қ.Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмалари: Янгиланиш йўлидаги дадил одимлар // <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-kasaba-uyushmalari-yangilanish-jolidagi-dadil-odimlar>

амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари белгиланган.

Касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун касаба уюшмалари, шунингдек, уларнинг бирлашмалари ўз инспекцияларини ташкил этишга ҳақли.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим усули сифатида касаба уюшмаси томонидан амалга ошириладиган назоратнинг махсус турларига иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, шу жумладан, меҳнат шароитларини мустақил экспертизадан ўтказиш ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш шакли эътироф этилади.⁵ Касаба уюшмасининг ушбу назорат шакли Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 370-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнат қонунчилиги нормаларини ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш, жамоа шартномалари, битимлари шартларининг бажарилишини назорат қилиш учун Бутунроссия касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ва техник меҳнат инспекцияларини тузишлари мумкин ва ушбу инспекциялар Бутунроссия касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари томонидан тасдиқланган низомларда назарда тутилган ваколатларга эга бўлади.⁶

Юридик адабиётларда касаба уюшмаларининг ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юқоридагига ўхшаш усулларидан фойдаланишининг самарадорлиги борасида турли фикр-мулоҳазалар янграйди. Бинобарин С.А.Цаплиннинг фикри-

ча, юқоридаги каби усуллар қонунчиликда нисбатан устунликка эга бўлиб, илмий жамоатчилик қонунчиликда бу каби бюрократик ва радикал усулларнинг мувозанатини топиш тарафдори эканлигини, бугунги кунда қонунчиликда бу каби мувозанат мавжуд эмаслигини, радикал усулларга устунлик бериш ва ушбу усуллардан фойдаланиш меҳнат муносабатлари соҳасида амалиётда учрайдиган энг ўткир муаммоларни бартараф этиши, келажакда касаба уюшмалари томонидан меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган самарали услубларни ишлаб чиқишга зарурат мавжудлигини таъкидлайди.

Шу ўринда прокуратура органлари томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда касаба уюшмалари томонидан жамоат назоратини амалга оширишнинг юқоридаги услублари қўлланилмаслигига эътибор бериш лозим. Бинобарин, прокурор назоратини амалга оширишда норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, меҳнат қонунчилигининг бузилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таклиф этиш, корхона фаолияти билан боғлиқ жараёнларда, яъни тугатиш комиссияларида иштирок этиш, иш берувчи билан меҳнат шартларини келишиш, меҳнат шароитларининг хавфсизлиги экспертизасида иштирок этиш каби назорат усулларидан фойдаланмайди.

Зеро, прокуратура органлари томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат амалиётда кенг тарқалганлигини ва айрим ўринларда прокурор амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда, кўпинча меҳнат инспектори ёки махсус назорат органларининг вазифаларини амалга оширишни танқид қилишади.⁷ Бу эса ўз навбатида меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш ва текшириш тизимида давлат ва нодавлат (жамоат) назоратининг ўзаро нисбатини аниқ белгилаш, аynиқса меҳнат қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш услубларини прокуратура тизимида амал қилувчи ички норматив ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйиш зарур деган хулосани илгари суришга сабаб бўлади.

#

5 М.Ф. Завьялов Ўша жойда. -21 бет.

6 Россия Федерациясининг 2001 йил 30 декабрдаги 197-ФЗ-сонли Меҳнат кодекси // <http://www.consultant.ru>

7 М.Ф.Завьялов Надзор и контроль за соблюдением законодательства о труде как способы защиты трудовых прав работников // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. -Москва, 2013. – 18 с.



Луқмонжон ИСОҚОВ,
Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Марказ бошлиғи,
адлия маслаҳатчиси, юридик фанлар доктори, доцент

ОДАМ САВДОСИ ВА НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ НИСБАТИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада одам савдоси ва ноқонуний миграция нисбати ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, одам савдосига қарши курашишга доир халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ривожланиш тарихи тавсифланган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматривается взаимосвязь между торговлей людьми и незаконной миграцией и их специфические аспекты. Также описаны международно-правовые документы по борьбе с торговлей людьми и их история развития.

ABSTRACT. This article discusses the relationship between human trafficking and illegal migration and their specific aspects. It also describes the international legal instruments to combat human trafficking and their history of development.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, миграция, мигрантлар, ноқонуний миграция, одам савдоси, халқаро ҳуқуқ, фоҳишабозлик, эксплуатация, ҳимоя.

Ключевые слова: права человека, миграция, мигранты, нелегальная миграция, торговля людьми, международное право, проституция, эксплуатация, защита.

Key words: human rights, migration, migrants, illegal migration, human trafficking, international law, prostitution, exploitation, protection.



Бугунги кунда одам савдоси нафақат гуманитар ва иқтисодий, балки миграцион муаммо ҳам ҳисобланади. Ушбу ғайриҳуқуқий ижтимоий ҳодиса ноқонуний миграциянинг ифодаси бўлиб қолмай, уюшган жиноятчилик ва яширин иқтисодиётга узвий алоқадорлиги билан хавфлидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига биноан ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир (3-модда) ва ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши

мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади (4-модда).

Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан давлат ва жамият хавфсизлигига ҳам таҳдид солади.

Одам савдоси жинояти бевосита ноқонуний миграция билан чамбарчас боғлиқлиги, мазкур жино-



ятчиликка қарши курашишда, аввало, унинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳисобланган ноқонуний миграция жараёнига катта эътибор қаратиш лозимлиги кенг илм-фан жамоатчилиги томонидан ҳам қайта ва қайта тарғиб этилмоқда¹. Зеро, ноқонуний мигрантлар ҳам ўзларининг заиф хусусиятлари туфайли кўпинча одам савдосининг қурбонига айланишларида эҳтимоллик кўпчиликни ташкил қилади².

Жаҳон миқёсида одам савдосига қарши курашишнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки уринишлар XVIII асрдаёқ бошланган бўлиб, инсоният азалдан ушбу иллатга қарши курашиб келган. Буюк Британияда қулфурушликни бекор қилиш ғояси биринчилардан бўлиб машҳур инглиз инсонпарвар сиёсатчиси, Британия парламенти аъзоси Уильям Уилберфорс томонидан илгари сурилган ва унинг бошчилигида 1791 йилда биринчи қонун лойиҳаси таклиф этилган. Гарчи ушбу лойиҳа кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган бўлса-да, бироқ қулфурушликка қаршиларнинг сиёсий ҳаракати вужудга келган. Ўхшаш ҳолатлар қўшни мамлакатларда эртaroқ ёки кечроқ бўлса ҳам юзага келган. Масалан, Франция мустамлакаларида қора танли қулларнинг аҳволини бироз яхшилаш мақсадида 1685 ва 1724 йилларда “Қора кодекс” жорий этилган.

Қора кодекс (фр. Code noir) – Франция Қироли Людовик XIV томонидан 1685 йилнинг март ойида эълон қилинган 60 моддадан иборат, фуқаролик ва жинсий мақомга эга бўлган фармони асосидаги француз оролларидаги қора танли қуллар ҳаётини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тўпламидир.

Ғарбий Европада эса одам савдосига қарши курашишнинг дастлабки ҳуқуқий пойдевори XVIII асрнинг охирида шакллана бошланган. 1848 йилдаги инқилобдан сўнггина қулдорлик тамомила тугатилган бўлса-да, бироқ амалда француз мустамлакаларида, айниқса, Шарқий Африка мамлакатларида қулфурушлик ҳануз давом этаверган.

Ва ниҳоят, британияликлар 1848 йилда Шарқий Африканинг айрим ҳукмдорларини “Қулфурушликни ман этиш тўғрисида”ги шартномани имзолашга мажбур қилишга эришган. Худди шу каби шартномани дастлаб Маскат амири, сўнг Форс кўрфазида яшовчи бошқа қабилалар сардорлари ҳам имзолаган.

Хива ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлигида махсус қуллар бозори.

Юртимизда қулдорлик XIX асрнинг охирига келиб батамом тугатилди. Муҳаммад Раҳимхон Фе-

руз даврида Хива хонлигида бир вақтнинг ўзида 50 мингдан ортиқ қул озод қилинди. “Қуллар овули”, “қуллар қишлоғи” деган мавзелар ўша озод қилинган одамлар ва уларнинг авлодлари яшаётган жойлар ҳисобланади.

Африка минтақасида қулфурушликни бутунлай тугатиш бўйича чора-тадбирлар кўришнинг биринчи маротаба халқаро тизимини ишлаб чиқиш мақсадида 1890 йилда Бельгияда конференция ўтказилган ва “Брюссель конвенцияси” қабул қилинган. Брюссель конвенцияси (фр. Convention de Bruxelles) – 1890 йил бошида Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур халқаро шартнома 1890 йил 2 июлда Франция, Германия империяси, Австрия-Венгрия, Бельгия Қироллиги, Дания, Испания Қироллиги, Конго мустақил давлати, АҚШ, Буюк Британия, Италия Қироллиги, Голландия Қироллиги, Эрон, Португалия Қироллиги, Россия империяси, Швеция ва Норвегия Бирлашган Қироллиги, Усмонли турклар империяси, Занзибар султонлиги томонидан имзоланган ва 1892 йил 2 апрелда кучга кирган. Конвенциянинг асосий мақсади африкалик қуллар савдосини тугатиш ва Африка маҳаллий аҳолисини ҳимоя қилишдан иборат бўлган. 1899 йилда аёллар савдосига қарши курашиш бўйича Лондонда конференция бўлиб ўтган ва кўптомонлама битимлар ҳамда тегишли миллий қўмиталар тузишга даъват этилган.

Шу аснода, XX асрнинг биринчи ярмида одам савдосига қарши курашиш бўйича дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллана бошланган.

Глобаллашув жараёни тобора ривожлангани сари янгидан-янги таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Аввало, замонавий ахборот технологиялари ўзининг ижобий жиҳатлари билан биргаликда салбий таъсирини ҳам ўтказмоқда. Жиноят олами янги шаклларни ўзлаштириб, замонавий қулдорликни пайдо қилди. Зеро, жаҳон ҳамжамияти ахборот асридаги бу янги хавф-хатарларга нисбатан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги авлодини яратишга киришди.

Бинобарин, «Палермо Конвенцияси» номи билан машҳур бўлган 2000 йил 15 ноябрдаги Бирлашган миллатлар ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва уни тўлдирувчи одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги қўшимча протокол одам савдосига

1 Milena Jakšić, La traite des êtres humains en France. De la victime idéale à la victime coupable. – Paris, CNRS Editions, 2016. – 304 pages.

2 La lutte contre la traite et l'exploitation des êtres humains. Rapport de la Commission nationale consultative des droits de l'homme. Paris: La documentation Française, 2016. – P.123.



қарши курашишнинг умумэтироф этилган ягона ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Ушбу ҳужжат “одам савдоси” тушунчасига энг кенг таъриф берган биринчи халқаро конвенциядир. Конвенциянинг асосий мақсади ҳам бу соҳадаги жиноятчиликни нафақат олдини олиш ёки жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш, балки бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш борасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги қўшимча протоколига мувофиқ, қўшмачилик (фоҳишалардан фойдаланган ҳолда даромад кўриш) – шахвоний эксплуатация мақсадида содир этиладиган одам савдоси жиноятининг кўринишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатни имзолаган мамлакатлар зиммасига одам савдосига қарши курашиш, айбдорларни жазолаш ва қурбонларни ҳимоялаш каби мажбуриятлар юклатилади.

БМТнинг маълумотларига кўра, дунёдаги уюшган жиноятчиликка оид ноқонуний бойиш иерархиясида одам савдоси гиёҳвандлик моддалар савдосидан кейин иккинчи ўринда туради. Бу эса ўз навбатида, ноқонуний миграция соҳаси шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни сохталаштиришга, шунингдек, мажбурий меҳнатга (қўшмачилик, номақбул шароитлардаги меҳнат, тиланчилик, замонавий қулдорлик) йўл очиб беради.

Ўзбекистонда ҳам одам савдосига қарши курашиш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинганлиги шахснинг шаъни ва қадр-қимматини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, Асосий қонуни-мизда ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз, ғайриқонуний ёки инсон қадр-қиммати-ни камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган (26-модда).

Ўзбекистонда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалаларига оид миллий қонунчилик такомиллаштирилган бўлиб, Президент фармони билан Сенат раиси раҳбарлигидаги Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил қилиниб, ушбу масала бўйича “Миллий маърузачи” институти жорий этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига муво-

фиқ, одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари-дан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олишни англатади³.

Одам савдоси қуйидаги 3 та асосий таркибий қисм билан бошқа жиноий қилмишлардан фарқланади:

биринчидан, ҳаракатлар: одамларни ёллаш, олиб ўтиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш;

иккинчидан, воситалар: бошқа шахсни назорат қилаётган шахснинг розилигини олиш учун куч ишлатиб таҳдид солиш ёки ундан фойдаланиш ёхуд зўрлик қилиш, ўғирлаш, фирибгарлик қилиш, алдаш, ўз мансабини ёки ҳолатнинг заифлигини суиистеъмол қилиш ёки тўловлар ва манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш.

учинчидан, мақсад: бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш, эксплуатация ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа шакллари, меҳнат ёки хизмат кўрсатишга мажбурлаш, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзоларини ажратиб олиш.

Вояга етмаган шахслар савдосида эса, ушбу элементлардан фақат иккитаси, яъни мақсад ва воситанинг мавжуд бўлиши кифоя.

Одам савдоси ҳар доим ҳам бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатланиш оқибатида юзага келавермайди, шахсдан фойдаланиш мақсадида бир жойнинг ўзида ҳам ушлаб туриш мумкин. Ноқонуний миграцияни одам савдоси билан адаштирмаслик лозим. У фойда кўриш мақсадида давлат чегарасини кесиб ўтиш билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ, Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозицияси мазмунига кўра, одам савдоси деганда, одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади.

Олди-сотди тариқасидаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мулк), мулкый характердаги хизматлар, мулкый ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳоказолар сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутлади. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, олувчининг ҳаракатлари эса сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суиқасд сифатида квалификация қилинади.

Одам меҳнати ва хизматларидан меҳнат, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ (масалан, қурилиш ёки маиший пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи ва юк ташиш, транспорт экспедицияси ва бошқа шартномалар бўйича) фойдаланилган барча ҳолларда одам эксплуатацияси мавжуд бўлмайди. Бундай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ можаролар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

Одамни эксплуатация қилиш бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари ёки тўқималари олиниши ҳисобланади.

Фоҳишабозликда фойдаланиш деганда, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шахвоний муносабатларга киришишидан муттасил фойдаланишдир. Бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация деганда, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузуқ ҳаракатлар содир этиш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади.

Мажбурий меҳнат бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни англатади. Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.

Одам савдосига оид ишларни тергов қилиш ёки кўришда қуйидаги тушунчаларни аниқ фарқлаш лозим:

ёллаш деганда, эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор-бир фаолият билан шуғулланишга

жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва ҳоказолар) тушунилади;

ташиш – шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб берилладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин;

топшириш – одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади;

яшириш – жабрланувчини ҳокимият вакиллари билан, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда ҳуфия сақлашда ифодаланади;

қабул қилиш – одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.) ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайтдан ёки қонуннинг мазкур моддасида кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан тугалланган ҳисобланади.

Шу билан бирга, қилмишда айрим квалификация белгилари мавжуд бўлганда жиноятни тугалланган деб топиш учун қонунда белгиланган оқибатлар (масалан, жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар) келиб чиққан бўлиши керак.

Хуллас, одам савдоси жиноятининг таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

Объекти – шахс эркинлиги ва шахсий дахлсизлик;

Объектив томони – ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш;

Субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс;

Субъектив томони – айб (тўғри қасд), мақсад (эксплуатация).

Шу ўринда одам савдосини ноқонуний миграция билан ўзаро нисбатини англаш талаб этилади. Бинобарин, инсонларни халқаро чегаралар орқали ташиш одатда ноқонуний ёки яримноқонуний тарзда амалга оширилади. Айнан мана шу жиҳатдан бу ноқонуний миграция билан умумий хусусиятга эга. Бироқ айрим ҳолларда одам савдоси давлат чегараларини расман ва қонуний асосларда



кесиби ўтилганда ҳам содир этилиши кузатилади. Бошқача айтганда, мамлакат ҳудудида истиқомат қилиб турган баъзи қонуний мигрантлар ноқонуний мақомга эга бўлиб қолишади.

“Одам савдоси” ва “мигрантларни ноқонуний ташиш” тушунчалари ўртасида айрим умумий жиҳатлар мавжуд бўлса-да, уларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлай олиш лозим. Демак, одамлар контрабандаси келиб чиқиш (экспорт) мамлакатидан қабул қилиш (импорт) мамлакатига одамларни ноқонуний ташишни билдиради. Ушбу ҳодиса ғайриҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, шу боис “одам савдоси” тушунчасига нисбатан осонроқ таърифланиши мумкин.

“Мигрантларни ноқонуний ташиш” одам савдосига ҳам хос айрим жиҳатларга эга бўлиб, улардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1) давлат чегарасини кесиби ўтишни ташкиллаштирадиган, лекин одам савдоси билан шуғул-

ланувчи шахс каби турли хизматлар кўрсатмайдиган, контрабандист ёки воситачининг мавжудлиги;

2) чегара назоратини четлаган ҳолда барча халқаро чегараларни кесиби ўтишнинг ноқонунийлиги (одам савдосида чегаралар қонуний асосда ҳам кесиби ўтилиши мумкин);

3) одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишининг ихтиёрийлиги;

4) ноқонуний мигрант контрабандистга тўлайдиган пуллардан даромад олиниши (одам савдосидан фарқли ўлароқ, ушбу тўлов аванс сифатида тўланади. Амалиётда тутқинлик ёки қуллик қарзи деярли қўлланилмайди).

Шу аснода, “одам савдоси”ни “мигрантларни ноқонуний ташиш”дан фарқлаб турувчи асосий элемент бу эксплуатация саналади. Демак, “бизнес”нинг кўлами ва хусусияти бўйича мигрантларни ноқонуний ташиш одам савдосига нисбатан кенг-роқ ҳодиса ҳисобланади.

#



Дилавер ХАМЗАЕВ,
исследователь в Лундском университете (Швеция) доктор философии
по юридическим наукам (PhD)

НАЦИОНАЛЬНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫЕ ФИНАНСОВЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ЗАРУБЕЖНАЯ ПРАКТИКА

АННОТАЦИЯ. В статье рассматривается роль и передовая зарубежная практика в формировании национальных механизмов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями, в частности с легализацией (отмыванием) преступных доходов и финансированием терроризма.

АННОТАЦИЯ. Мақолада трансмиллий молиявий жиноятлар, хусусан жинойи даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда миллий механизмларнинг роли ҳамда уларни шакллаштиришдаги илғор хорижий тажриба ўрганилган.

ANNOTATION. The article examines the role of and best foreign practices in the formation of national mechanisms for combating transnational financial crimes, specifically the legalization (laundering) of criminal proceeds and the financing of terrorism.

Ключевые слова: транснациональные преступления, финансовые преступления, легализация (отмывание) преступных доходов, финансирование терроризма, национальных механизмы.

Калит сўзлар: трансмиллий жиноятлар, молиявий жиноятлар, жинойи даромадларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш, миллий механизмлар.

Key words: transnational crimes, financial crimes, money laundering, financing of terrorism, national mechanisms.

Интеграционные процессы в экономической, политической, правовой и социальной сферах, происходящие благодаря акселерации процесса глобализации и формированию современного цифрового пространства, изменили облик преступности. Начиная с 2000 года международное сообщество стало уделять большое внимание изучению вопроса влияния глобализации и цифровизации на общественную жизнедеятельность и рассматривает данные процессы в качестве одного из главных факторов становления преступлений транснациональными. Вдобавок, финансовая преступность разрастается и диверсифицируется в более сложные подгруппы¹. Такая преступная деятельность, приобретая транснациональный и организованный характер, преследует одну цель – получение материальной выгоды для поддержания преступной деятельности либо обеспечения последующих преступных деяний.

Одним из таких сложных транснациональных финансовых преступлений, в настоящее время, являются легализация (отмывание) преступных доходов и финансирование терроризма². Узбекистан, являясь частью международной финансо-

вой системы, уделяет особое внимание на формирование современной национальной системы противодействия легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма для обеспечения инвестиционной привлекательности страны, стабильности и мира в обществе. В частности, утверждение в 2021 году Стратегии развития национальной системы Республики Узбекистан в данном направлении отмечается необходимость «обеспечения соответствия национальной системы в данной сфере международным документам, а также имплементации стандартов ФАТФ и международно-правовых актов в законодательство Республики Узбекистан»³. Кроме того, в период с 14 июня по 2 июля 2021 года Узбекистан прошел оценку национальной системы противодействия легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма со стороны экспертов-оценщиков Евразийской группы по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма (далее – ЕАГ). По результатам данной оценки в отношении Узбекистана была установлена процедура усиленного мониторинга, предусматривающую более ин-

1 Jeyong Jung. Contemporary Financial Crime. // Journal of Public Administration and Governance. – 2017. – Vol.7, No.2. – p. 95.

2 Хамзаев Д.Д. Транснациональные финансовые преступления: теоретические вопросы // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 94-101.

3 Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6252 от 28.06.2021 года «Об утверждении стратегии развития национальной системы Республики Узбекистан по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения».



тенсивный процесс мониторинга развития национальной системы противодействия легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма. В свою очередь, по результатам рассмотрения 1-го отчета о прогрессе в рамках усиленного мониторинга в 2023 году Узбекистан был переведен на стандартную процедуру мониторинга. Это показывает, что для последующего успешного прохождения взаимных оценок наша страна должна показать прогресс в совершенствовании национальной системы противодействия транснациональным финансовым преступлениям. Одним действенных методов разработки направлений развития системы является изучение существующей передовой практики.

В настоящее время, учитывая, что ОД/ФТ подорывает законную экономику и политическую стабильность членов мирового сообщества, наблюдается тенденция повсеместного ужесточения мер борьбы с ОД/ФТ. Законодатели стран стремятся обеспечить эффективность режима ПОД/ФТ и его соответствие международным стандартам. Однако без учета международной координации и сотрудничества достичь ожидаемый результат является невозможным. В этой связи, в преамбуле Директивы 2015/849 Европейского Союза установлено, что в целях повышения эффективности борьбы с ОД/ФТ соответствующие правовые акты ЕС должны соответствовать международным стандартам в данной области⁴.

В свою очередь, анализ результатов четвертого раунда оценки ФАТФ показывает, что во многих странах существует сильная правовая база ПОД/ФТ, которая не реализуется должным образом на практике⁵. Так, по результатам оценки 102-х стран только 10 из них (Австралия, Бермуда, Великобритания, Гондурас, Испания, Израиль, Россия, США, Финляндия, Швеция) получили рейтинг «ВЭ» (высокая эффективность) хотя бы по одному индикатору оценки эффективности системы ПОД/ФТ из одиннадцати. В то же время, только Великобрита-

ния и США имеют наиболее высокие показатели по полученным рейтингам «ВЭ» (обе страны получили ВЭ по четырем индикаторам из одиннадцати)⁶.

Данную проблему также фиксирует Basel AML Index с тех пор, как ФАТФ начал использовать новую методологию оценки для анализа не только технического соответствия систем борьбы с ОД/ФТ, но и их реального внедрения на практике⁷. Так, президент ФАТФ в период 2019–2020 гг. Сян Минь Лю, в своем заключительном заявлении на посту президента подчеркнул, что «Проблема, с которой сегодня сталкиваются многие страны, заключается не в отсутствии всеобъемлющих глобальных стандартов, а в эффективном применении этих стандартов». Кроме этого, по мнению Европарламента «Европарламентарии обеспокоены частичным внедрением стандартов борьбы с ОД/ФТ...»⁸.

Такая тенденция отмечается и в научных кругах. В частности С.В. Дедиков, на основе проведенных исследований и личного опыта, отмечает необходимость перехода системы ПОД/ФТ от «преимущественно формальных аспектов работы на этом направлении (принятие соответствующих законодательных и иных правовых актов, определение перечня субъектов антиотмывочной деятельности, формирование определенной организационной структуры как на макро-, так и на микроуровне, разработка правил внутреннего контроля) к повышению реальной эффективности ПОД/ФТ»⁹.

На наш взгляд, на основе анализа практики и теоретических взглядов можно утверждать, что тенденция очевидна: большинство стран имеют достаточно сильную, но не эффективную правовую базу в области ПОД/ФТ.

В свою очередь, для разработки обоснованных рекомендаций, нам необходимо понять, что такое эффективное правовое регулирование. Так, М. П. Лебедев определил эффективность правового регулирования как «получение наибольшего результата в достижении цели данного правового предписания и общей цели»¹⁰. По мнению А. С. Пашкова

4 Садовомская М.Е. Эволюция правовых основ Европейского Союза в сфере противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма: современные тенденции и перспективы // Актуальные проблемы российского права. – 2020. – Т. 15. № 2. – С. 166-174.

5 Отчет ФАТФ. Рейтинги результатов 4-раунда оценки государств-частников ФАТФ. [Электронный источник] URL: <https://www.fatf-gafi.org/media/fatf/documents/4th-Round-Ratings.pdf>

6 Там же.

7 Basel AML Index: Слабый надзор и дремлющие системы контроля оставляют двери стран широко открытыми для отмывания денег. // 9-й выпуск Basel AML Index от 23.07.2020 г. [Электронный источник] URL: https://baselgovernance.org/sites/default/files/2020-07/Basel%20AML%20Index%209%20press%20release_RU.pdf

8 Там же.

9 Дедиков С.В. Основные тенденции развития системы ПОД/ФТ // Институт инновационного развития Российской Федерации. [Электронный источник] URL: <https://iira.ru/institute/stati/novosti-pod/ft/osnovnyie-tendenczii-razvitiya-sistemyi-pod/ft.html>

10 Лебедев М.П. Об эффективности воздействия социалистического права на общественные отношения // Советское государство и право. – 1963. – № 1. – С. 23.



и Д. М. Чечота «эффективность правового регулирования есть действенность, результативность, т.е. способность оказывать влияние на общественные отношения в определенном полезном для общества направлении»¹¹. М. Б. Шаргородский под эффективностью понимал «способность применяемого средства содействовать достижению желательной цели и не имеющее отношения к оценкам»¹². В. В. Глазырина, В. И. Никитинского, В. П. Кудрявцева и И. С. Самощенко считали, что «эффективность правовых норм представляет собой соотношение между фактическим результатом их действия и теми социальными целями, для достижения которых эти нормы были приняты»¹³.

На наш взгляд, эффективность не может быть только абстрактным понятием как утверждает М. Б. Шаргородский, но является реальной категорией и показывает соотношение между результатами и поставленными целями. Такой подход позволит оценить эффективность принятых норм, и на основе данной оценки разработать пути повышения их эффективности.

В свою очередь, эффективность нормативно правового акта определяет его качество. В юридической литературе выделяются разные критерии качества правовых актов¹⁴. На основе выделяемых исследователями критериев качества нормативного правового акта, А.А. Арнаутова определяет следующие средства повышения эффективности и качества нормативно правовых актов: «экспертиза проектов нормативных правовых актов; общественное обсуждение проектов нормативных правовых актов на электронных платформах; оценка регулирующего воздействия; мониторинг правоприменения»¹⁵.

Экспертиза проектов нормативных правовых актов и общественное обсуждение проектов нормативных правовых актов предполагают изучение положительного и отрицательного последствия принятия правовых актов при их подготовке.

Оценка регулирующего воздействия и мониторинг правоприменения предполагает изучение эф-

фективности уже принятых нормативно-правовых актов. Так, по мнению Л.А. Иванова правовой мониторинг направлен на «оценку качества нормативно-правовой основы регулирования и эффективности ее реализации в ходе правоприменительной деятельности»¹⁶.

Следовательно, на основе изложенного, предложенные А.А. Арнаутовой этапы применения средств повышения эффективности и качества нормативно правовых актов можно разделить на два вида: 1. повышение эффективности процесса разработки и принятия правовых актов, а также 2. повышение эффективности вступивших а силу нормативно правовых актов.

В области борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями функция по формированию рейтингов государств путем оценки и мониторинга исполнения действующих норм и разработки соответствующих рекомендаций по устранению пробелов в правоприменительной практике осуществляется ФАТФ и РГТФ на основе новой Методологии оценки ФАТФ от 2013 года. Данная методология направлена на «оценку технического соответствия (соотношение правовой и институциональной системы страны, а также наличие соответствующих полномочий и процедур компетентных органов к Рекомендациям ФАТФ) и изучение уровня эффективности страновой системы (изучение степени достижения ожидаемых результатов правовой и институциональной системой страны)»¹⁷.

Процесс изучения соотношения фактических результатов к поставленным целям согласно данной Методологии, определяется на основе иерархии результатов. Высокий уровень эффективности достигается если «Финансовые системы и экономика в более широком смысле защищены от угроз ОД/ФТ/ФРОМУ, тем самым укрепляя цельность финансового сектора и способствуя защищенности и безопасности», который рассматривается как «Цель Высокого Уровня». Детальный анализ эффективности составных частей системы ПОД/ФТ,

11 Пашков А.С., Чечот Д.М. Эффективность правового регулирования и методы ее выявления // Советское государство и право. – 1965. – № 8. – С. 7.

12 Шаргородский М.Д. Наказание, его цели и эффективность. – Л.: Издательство Ленингр. ун-та. – 1973. – С. 56.

13 Кудрявцев В.П., Никитинский В.И., Самощенко И.С., Глазырин В.В. Эффективность правовых норм. – М.: Юрид. лит., – 1980. – С. 22.

14 Игнатенко В. В. Правовое качество законов об административных правонарушениях: монография. – Иркутск: Изд-во ИГЭА, 1998. – С. 20.; Поленина С. В. Качество закона и эффективность законодательства. – М., 1993. – 56 с.; Прозоров В. Ф. Качество и эффективность хозяйственного законодательства в условиях рынка. – М.: Юрид. лит., 1991. – С. 77.

15 Арнаутова А.А. Средства повышения эффективности нормативных правовых актов. // Вестник Университета им. О.Е. Кутафина (МГЮА). Вектор юридической науки. – 2018. №4. – С. 188–193.

16 Иванова Л.А. Определение эффективности нормативных актов в процессе правового мониторинга: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., – 2011. – С. 13-14.

17 Методология оценки технического соответствия рекомендациям ФАТФ и эффективности систем ПОД/ФТ // ФАТФ/ОЭСР – 2013.



осуществляется по 11 индикаторам – «Непосредственным Результатам», которые объединены в 3 группы – «Промежуточные Результаты»¹⁸.

В соответствии с данной методологией эффективность системы ПОД/ФТ изучается путем оценки «(1) уровня понимания рисков ОД/ФТ страной и координации деятельности компетентных органов по борьбе с ОД/ФТ/ФРОМУ на национальном уровне, и (2) практики осуществления международного сотрудничества в данной области» (промежуточный результат: «политика, координация и взаимодействие снижают риски ОД/ФТ»). Также, оценивается «(3) работа надзорных органов в части выполнения ФУ и УНФПП требований по ПОД/ФТ, (4) превентивная деятельность ФУ и УНФПП и практика направления ими СПО, (5) работа по предотвращению использования юридических лиц и образований для целей ОД/ФТ, а также доступность для компетентных органов информации касательно бенефициарного владения» (промежуточный результат: «преступным доходам и денежным средствам для ФТ препятствуют в проникновении в финансовый и другие сектора, либо сами сектора их выявляют и извещают об этом»). Самый большой блок индикаторов оценки сгруппированы в Промежуточном Результате «Угроза ОД/ФТ обнаруживаются и блокируются, а преступники наказываются и лишаются незаконных доходов и ресурсов, а те, кто финансируют терроризм, наказываются, что способствует предотвращению террористических актов». В данной группе оцениваются «(6) практика использования компетентными органами оперативных данных финансовой разведки и вся другая относящаяся к делу информация для проведения расследований по фактам ОД/ФТ, (7, 8) практика расследования преступлений и деятельности, связанных с ОД/ФТ, и применения правонарушителям эффективных, соразмерных и оказывающих сдерживающее воздействие санкций, (9) возможность конфискации преступных доходов и средств совершения преступлений, (10, 11) деятельность по предотвращению в сборе, перемещении и использованию денежных средств, а также использования сектора НКО для ФТ и ФРОМУ, согласно соответствующим Резолюциям Совета Безопасности ООН»¹⁹.

Из числа вышерассмотренных индикаторов в данной статье рассмотрим индикаторы направленные на оценку понимания рисков ОД/ФТ и эффек-

тивности координации деятельности правоохранительных органов в борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями на национальном уровне, то есть, индикаторы 1 и 2. По оценкам ФАТФ, передовым по соответствующим индикаторам является практика Бермудских Островов, Великобритании и России.

В Бермудских островах, Великобритании, а также Российской Федерации, где взаимодействие и сотрудничество между компетентными органами в области борьбы с транснациональными финансовыми преступлениями рассматривается в качестве одной из сильных сторон, проведены Национальная оценка рисков (НОР), на основе которой приняты специальные стратегические документы по определению политики ПОД/ФТ и созданы специальные органы для осуществления координации. Координация между компетентными органами в рассматриваемых странах осуществляется на политическом (понимание рисков всеми участниками системы ПОД/ФТ, реализация стратегии и др.) и оперативном (сотрудничество между правоохранительными органами для борьбы с ОД/ФТ) уровнях.

К примеру, в Бермудских Островах деятельность органов в области ПОД/ФТ на политическом уровне координируется Национальным комитетом по борьбе с отмыванием денег (NAMLC)²⁰, который состоит из председателя, назначенного Министром финансов и руководителей всех 14 компетентных органов, непосредственно задействованных в системе ПОД/ФТ страны²¹.

В NAMLC действуют четыре постоянные рабочие группы – Законодательная и политическая рабочая группа, Надзорный форум, Оперативная рабочая группа и Рабочая группа по санкциям, созданная для рассмотрения ключевых вопросов, связанных с разработкой и внедрением целевых финансовых санкций. Кроме того, создаются специальные временные рабочие группы для рассмотрения конкретных вопросов по мере их возникновения. Например, в 2016 году были созданы Руководящий комитет национальной оценки, и Национальная рабочая группа по оценке рисков финансирования терроризма для проведения НОР.

В рамках своего мандата NAMLC консультирует компетентные органы по вопросам разработки национального плана действий, который включает рекомендации по эффективным механизмам, позволяющим компетентным органам взаимодей-

18 Там же.

19 Там же.

20 Proceeds of Crime Act of Bermuda 1997 section 49. // Amended by 2007:25 s.13 & 20 effective 15 November 2008; subsection (1) amended by 2018 : 51 s. 2 effective 10 August 2018.

21 Mutual Evaluation Report of Bermuda. // CFATF GAFIC. – January 2020. – 22 p.



ствовать друг с другом для осуществления политики и мероприятий по борьбе с ОД/ФТ, координирует деятельность по выявлению, оценке и пониманию рисков ОД/ФТ и принимает необходимые меры для обеспечения актуальности таких оценок рисков. Результаты деятельности отражаются в национальных стратегических документах. В частности, при активном участии NAMLC были приняты национальные планы действий на 2016 – 2019 годы и на 2020 – 2023 годы²².

Заседания NAMLC проводятся часто (20 заседаний в период с 1 января 2014 года по 31 декабря 2017 года). В 2014 году было проведено 3 встречи, 2015 – 4, 2016 – 4, 2017 – 9. Увеличение числа заседаний по сравнению с 2016 годом было связано с решением NAMLC увеличить число ежемесячных заседаний для подготовки к 4-му раунду Взаимной оценки²³.

Координация между компетентными органами на оперативном уровне осуществляется в рамках Совместной оперативной группы по борьбе с отмыванием денег (JMLIT), которая была создана в результате НОР в 2017 году, для борьбы с преступлениями транснационального характера, а также на национальном уровне. Концепция JMLIT заключается в сотрудничестве между компетентными органами и частным сектором для повышения качества мониторинга подозрительных операций и регистрации СПО²⁴.

Сотрудничеству и координации между правоохранительными органами Великобритании по вопросам ПОД/ФТ на политическом и оперативном уровнях способствуют прочные личные отношения, межведомственные целевые группы и рабочие группы.

Так, Национальный надзор и координация на политическом уровне в области ПОД/ФТ осуществляются через Совет национальной безопасности, который возглавляется премьер-министром и осуществляет широкий надзор за вопросами национальной безопасности, включая ОД/ФТ, также Совет по борьбе с угрозой финансирования преступной деятельности на уровне министров, который отвечает за разработку и реализацию национальной политики в области ПОД и объединяет все компе-

тентные органы в данной сфере²⁵. В рамках Совета по борьбе с угрозой финансирования преступной деятельности функционируют различные группы, объединяющие должностные лица рабочего уровня. В частности, Рабочая группа по борьбе с отмыванием денег отвечает за надзор за политикой ОД. Координация деятельности компетентных органов в области ФТ осуществляется Советом по борьбе с финансированием терроризма²⁶.

Кроме того, для выработки общего понимания риска для надзорных органов действует Форум надзорных органов по борьбе с отмыванием денег, который собирается ежеквартально для обмена информацией и передовым опытом между компетентными органами. В рамках Форума действуют три группы: Группа по связям с государственным сектором, Группа по связям с бухгалтерами и Группа по связям с юридическими надзорными органами, которые также регулярно встречаются для обмена информацией по своим секторам²⁷.

На оперативном уровне координация деятельности правоохранительных органов Великобритании и обеспечение разведанными осуществляется «Группой по борьбе с угрозой финансирования преступной деятельности и Группой по борьбе с экономической преступностью, возглавляемыми Национальным агентством по борьбе с преступностью (NCA)»²⁸. Встречи групп проводятся ежеквартально для согласования картины угроз, достижения согласованного ответа на эти риски и определения новых областей риска. В рамках групп созданы подгруппы, ориентированные на ключевые области риска, определенные в НОР. Также существуют ряд групп, объединяющих представителей государственного и частного секторов. В частности, Совместная оперативная группа по борьбе с отмыванием денег (JMLIT) активно используется для разведки и расследований ОД, расширения доступа к финансовой разведке и обеспечения межведомственного сотрудничества по конкретным делам, а также формирования понимания рисков, тенденций и методологий ОД. Межведомственному сотрудничеству также способствует активное использование «прикомандированных» сотрудников и совместное размещение различных депар-

22 Там же. С. 35.

23 Там же. С. 38.

24 Там же. С. 35-40.

25 FATF (2018), Anti-money laundering and counter-terrorist financing measures – United Kingdom, Fourth Round Mutual Evaluation Report, FATF, Paris. – 37 p. [Электронный источник]. URL: <http://www.fatf-gafi.org/publications/mutualevaluations/documents/mer-united-kingdom2018.html>

26 Там же. С. 37

27 Там же. С. 38

28 Там же.



таментов для содействия сотрудничеству.

В Российской Федерации в качестве ПФР выступает Федеральная служба финансового мониторинга (Росфинмониторинг), которая является центральным ведомством по разработке политики, регулирования и координации деятельности участников системы ПОД/ФТ²⁹. Деятельность правоохранительных органов, связанная с борьбой с ОД/ФТ координируется Генеральной прокуратурой РФ.

Координация на политическом уровне осуществляется, главным образом, в рамках «Межведомственной рабочей группы (под председательством Главы Администрации Президента) и Межведомственной комиссии (МК) по ПОД/ФТ /ФРОМУ (под председательством директора Росфинмониторинга)»³⁰, у которых также действуют и территориальные подразделения.

МК по ПОД/ФТ и ФРОМУ является специализированным межведомственным органом и уполномочен сотрудничать в данной области «на международном уровне (в том числе, путём обмена информацией), а также взаимодействовать иным образом. МК по ПОД/ФТ и ФРОМУ также может привлекать к своей работе представителей ведомств и учреждений, не являющихся её членами, для рассмотрения взаимосвязанных вопросов и проблем»³¹ соответствия требованиями ПОД/ФТ.

Взаимодействие учреждений, вовлеченных в работу по ПОД/ФТ на политическом уровне в основном направлено на разработку стратегических документов, определяющих государственную политику ПОД/ФТ³², и отражающих уровень понимания рисков ОД/ФТ. Определение рисков ОД/ФТ на раннем этапе позволяет также установить дальнейшее направление совершенствования законодательной и институциональной базы в области ПОД/ФТ.

Также для обеспечения политического и опера-

тивного взаимодействия созданы «МК по борьбе с незаконными финансовыми операциями и МК по подготовке РФ к четвертому раунду взаимных оценок ФАТФ»³³, в состав которых входят представители правоохранительных, судебных и надзорных органов, Росфинмониторинга, правительственных структур, и других компетентных органов. Кроме того, комитеты, советы и комиссии в области борьбы с терроризмом и коррупцией также отвечают за межведомственное взаимодействие, но в других областях, связанных с вопросами ПОД/ФТ.

В целях обеспечения оперативного обмена информацией ряд российских государственных органов взаимодействуют в рамках 4-х специальных групп³⁴.

Также, действует Совет комплаенс, «который служит активным каналом для обмена информацией о новых тенденциях и типологиях ОД/ФТ между государственным и частным сектором. Пример такого сотрудничества – разработка списка особых индикаторов для выявления операций, связанных с незаконным оборотом наркотиков, с использованием банковских карт и электронных кошельков»³⁵.

Сотрудничество между компетентными органами, будь то на национальном либо международном уровнях, осуществляется в целях получения информации. Отсутствие возможности использования или не использования полученной информации делает любой вид сотрудничества неэффективным. В этой связи эффективность борьбы с ОД/ФТ также оценивается уровнем и возможностью использования оперативной информации для проведения финансовых расследований. Одним из эффективных юрисдикций в данном вопросе по результатам оценки ФАТФ является Израиль, правоохранительные органы которой регулярно и эффективно используют и полагаются на такую информацию для

29 Федеральный закон «О противодействии легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма» №115-ФЗ от 07.08.2001. – ред. от 02.07.2021 г. – ст. 8; Положения Федеральной службы по финансовому мониторингу утвержденное Указом Президента Российской Федерации от 13.06.2012 № 808 (ред. от 08.03.2016 г.) «Вопросы Федеральной службы по финансовому мониторингу» – ред. от 08.03.2016 г. – пп. 1, 5(16.1).

30 Приказ Федеральной службы по финансовому мониторингу «О Межведомственной комиссии по противодействию легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения» №304 от 21.09.2016г. – п. 3.

31 Положение «О Межведомственной комиссии по противодействию легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения» (№304 от 21.09.2016 г.) – п. 4(г)

32 Стратегия государственной антинаркотической политики (на 2010–2020 гг.); Стратегия противодействия экстремизму (на 2014–2025 гг.); Стратегия национальной безопасности (на 2015 и последующие годы); Стратегия экономической безопасности (на 2017–2030 гг.); и Национальный план противодействия коррупции (на 2018–2020 гг.); «Концепция развития национальной системы противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем, и финансированию терроризма» от 2018 года.

33 Распоряжение Президента Российской Федерации «О Межведомственной комиссии по принятию Российской Федерацией мер по результатам четвертого раунда взаимных оценок Группы разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег» № 31-рп от 2 марта 2016 г.

34 FATF (2019), Ant-money laundering and counter-terrorist financing measures – Russian Federation, Fourth Round Mutual Evaluation Report, FATF, Paris. – 62 p. [Электронный источник]. URL: www.fatf-gafi.org/publications/mutualevaluations/documents/russian-federation-2019.html

35 Там же. С. 62.



сбора доказательств в ходе расследования случаев ОД/ФТ и отслеживания преступных доходов в целях выявления активов, на которые можно наложить арест для их последующей конфискации или возврата.

Компетентные органы Израиля, в частности, Национальная полиция (INP), Таможенные органы (ITA) и Органы безопасности (ISA) запрашивают и получают от Управления по ПОД/ФТ Министерства юстиции (IMPA – ПФР) отчеты о подозрительной деятельности (UARS), отчеты о валютных операциях (CTR), и таможенные декларации. На сегодняшний день база данных IMPA содержит около 540 000 UARS, 16,3 миллиона CTR и 66 000 таможенных деклараций – все из которых могут быть переданы внутри страны и иностранным коллегам³⁶.

Отчеты, поступающие в IMPA направляются для тактического (цель – выявление дополнительных субъектов, связанных с преступной деятельностью, а также возможных активов для конфискации) и «стратегического проактивного» анализа (цель – выявление новых моделей, риска, типологий и тенденции ОД/ФТ в целях разработки стратегических рекомендаций по совершенствованию работы системы ПОД/ФТ)³⁷ в Отдел исследований и анализа. Анализ данных осуществляются самостоятельно разработанными ИТ-инструментами и статистическими модулями. Приоритетность анализируемых данных определяется на основе НОР. Подготовленная IMPA информация передается правоохранительным органам по своей инициативе или по запросу. Компетентные органы также имеют доступ к широкой базе источников финансовой разведки и других видов информации³⁸.

Правоохранительные органы Израиля также активно осуществляют параллельное финансовое расследование по делам, связанным с ОД/ФТ, путем использования информации, поступающей из целого ряда источников, включая материалы, разработанные IMPA³⁹ и расследуемых предикатных преступлений, зарубежных запросов и общую разведывательную информацию правоохранительных органов, полученную в ходе оперативно-розыскных мероприятий, а также создания специ-

альных рабочих групп по расследованию ОД/ФТ и предикатных к нему преступлений.

В ходе расследования по делам ОД/ФТ создаются следственные группы из представителей различных компетентных органов. На национальном уровне ОД/ФТ, в основном, расследуются специализированным подразделением Национальной полиции Израиля (INP) «Lahav 433», которое включает в себя восемь специализированных целевых групп, возглавляемых INP⁴⁰. Их деятельность обеспечивается соответствующими консультациями и документами Государственной прокуратуры (SAO) методического характера (напр. Руководство SAO содержит в себе порядок составления писем и запросов). Количество и мандат данных групп определяется исходя из существующих для страны угроз ОД/ФТ, определяемых НОР⁴¹. К примеру, две из восьми целевых групп были созданы после принятия НОР. Эти целевые группы проводят «оперативное» расследование, результаты которого затем передаются другим подразделениям INP для осуществления уголовного расследования по конкретным фактам. В большинстве случаев, результаты «оперативного» расследования, передаются подразделению INP «Lahav 433».

Для обеспечения целостности подхода и ускорения процесса обмена информацией в ходе расследования создан Центр обработки разведывательных данных (IFC). IFC возглавляется старшим сотрудником INP и имеет постоянных представителей от INP (2), ITA (3) и IMPA (2), а также представителей других правоохранительных органов. IFC также ежедневно обменивается информацией, разведывательными данными и отчетами между членами для поддержания текущих и новых расследований. Разведывательные отчеты включают указание на пробелы в разведанных (если таковые имеются), а также рекомендации по дальнейшим действиям⁴².

На основании вышерассмотренного передового опыта можно утверждать, в целях эффективного взаимодействия и сотрудничества между компетентными органами, а также определения политики и выработки стратегии по борьбе с транснациональными финансовыми преступлениями государства

36 FATF-MONEYVAL (2018), Anti-money laundering and counter-terrorist financing measures – Israel, Fourth Round Mutual Evaluation Report, FATF, Paris – 56 p. [Электронный источник]. URL: <http://www.fatf-gafi.org/publications/mutualevaluations/document>

37 Там же, – С. 61-62.

38 Там же, – С. 51-52.

39 FATF-MONEYVAL (2018), Anti-money laundering and counter-terrorist financing measures – Israel, Fourth Round Mutual Evaluation Report, FATF, Paris – 65-75 p. [Электронный источник]. URL: <http://www.fatf-gafi.org/publications/mutualevaluations/document>.

40 Там же, С. 65-75.

41 Там же, – С. 67-68.

42 Там же, – С. 52-55.



создают специальные органы для осуществления координации на политическом (понимание рисков всеми участниками системы ПОД/ФТ, реализация стратегии и др.) и оперативном (сотрудничество между правоохранительными органами для борьбы с ОД/ФТ) уровнях.

Кроме того, правоохранительные органы зарубежных стран активно обмениваются оперативными финансовыми данными и другой информацией из официальных баз данных через специальные защищённые каналы связи, а также пользуются открытыми источниками. Такая информация используется в разведывательных и доказательственных целях, как для выявления, отслеживания доходов, а также поддержки расследований и судебного преследования в связи с ОД/ФТ и связанными с ними предикатными преступлениями (тактический анализ), так и для выявления новых моделей, рисков, типологий и тенденций ОД/ФТ в целях выработки стратегических рекомендаций по совершенствованию деятельности субъектов системы ПОД/ФТ

(стратегический анализ). Аналитическая работа в рамках имеющихся данных финансовой разведки осуществляется на основе указанных в НОР рисках, т.е. приоритеты работы в данной области определяются на основе НОР.

Касательно Узбекистана, несмотря на то, что старана получила положительную оценку по определению риска ОД/ФТ в стране и вопросам взаимодействия между компетентными органами, результаты оценки непосредственных результатов б (оперативная финансовая информация ОД/ФТ) и 7 (Расследование и уголовное преследование за ОД) показывают необходимость дальнейшего совершенствования правовой системы и вопросов оперативной деятельности. В этой связи, следующим этапом развития национальной системы системы противодействия легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма должно быть комплексное изучение механизма применения полученных данных в рамках национального взаимодействия.

.....



Фарҳод МАРДАНОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси

ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ЖАЗО ТАЙИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада муаллиф томонидан ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жазо тайинлаш масалаларига оид айрим мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек, муаллиф ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида амалиётда тадқиқ этилаётган жиноятлар одатда яқка ўзи эмас, балки “сателлит жиноятлар” билан биргаликда учрашини қайд этади. Бу мазкур тусдаги қилмишлар фирибгарлик, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ўзбошимчалик, пора олиш, пора бериш ва бошқа жиноятлар билан биргаликда содир этилишини англатади. Яъни, жиноят учун жазо тайинлашда судлар томонидан бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидаларига амал қилинади. Мақолада қайд этилишича, қонун чиқарувчи ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган – жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазолар қўллаш билан таҳдид қилган. Шунингдек, Жиноят кодексининг 197¹-моддаси (суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик)нинг декриминализация қилиниши мақсадга мувофиқлиги асослантирилган.

АННОТАЦИЯ. В статье излагаются некоторые соображения автора по вопросам уголовного наказания за преступления, связанные с использованием земли и ее охраной. Также автор отмечает, что специфика назначения наказаний за преступления, совершенные в сфере землепользования и охраны земель, заключается в том, что исследуемые преступления на практике обычно происходят в сочетании с «сопутствующими преступлениями», а не по отдельности. Это означает, что деяния такого рода совершаются в сочетании с мошенничеством, злоупотреблением властью или служебными полномочиями, отклонением от сферы полномочий или служебных полномочий по службе, произволом, подкупом, взяточничеством и другими преступлениями. То есть при назначении наказания за преступление суды руководствуются правилами вынесения приговоров за совершение нескольких преступлений. В статье отмечалось, что законодатель пригрозил ввести наказание без права условно-досрочного освобождения за преступления в сфере землепользования и охраны – штраф, лишение определенного права, обязательные общественные работы, исправительные работы и ограничения свободы, уголовные наказания в виде лишения свободы. Кроме того, декриминализация статьи 197¹ Уголовного кодекса (непринятие мер по недопущению самовольного захвата орошаемых земель) оправдана соображениями целесообразности.

ANNOTATION. The article describes some considerations by the author on the issues of criminal punishment for crimes related to the use of land and protection. Also, the author notes that the specifics of the assignment of penalties for crimes committed in the field of land use and protection are that crimes under study in practice usually occur in combination with «satellite crimes», and not alone. This means that acts of this nature are committed in conjunction with fraud, abuse of authority or career authority, deviation from the scope of authority or career authority, arbitrariness, bribery, bribery and other crimes. That is, when prescribing a sentence for a crime, the rules of sentencing are followed by the courts for committing several crimes. The article noted that the legislator threatened to impose a non – parole for crimes in the field of land use and protection-a fine, deprivation of a certain right, mandatory public works, correctional work and restrictions on freedom, criminal penalties for deprivation of Liberty. Also, decriminalization of Section 197¹ of the Criminal Law (failure to take measures to prevent unauthorized seizure of irrigated land) is justified on the grounds of expediency.

Калит сўзлар: ерлардан фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш, жиноий жазо тайинлаш, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик, декриминализация.

Ключевые слова: землепользование, охрана земель, уголовное наказание, наказание за совершение нескольких преступлений, принятие мер по недопущению самовольного захвата орошаемых земель.

Key words: land use, land protection, criminal punishment, punishment for committing several crimes, failure to take measures to prevent unauthorized seizure of irrigated land.

Жиноий жазо тайинлашда одиллик принципи жиноят қонунининг энг муҳим принципларидан бири сифатида намоён бўлади. Жиноят қонунига кўра жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳеч

ким битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жазонинг одиллиги принципи жазо турлари, тизими, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормаларда ҳам ўз аксини топган.

Жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши учун қуйидаги:



– қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси (жиноят натижасида етказилган зарарнинг миқдори ва уни содир этиш усули) ва хусусияти (жиноий тажовуз объекти);

– айбдорнинг шахси (жинси, ёши, оилавий аҳволи) ва унинг хавфлилик даражаси;

– жиноят содир этиш ҳолатлари, яъни жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар;

– айбнинг даражаси (шакли – қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) мувофиқ бўлиши керак.

Одиллик принципнинг “ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас” деган асосий қонун ҳақида халқаро-ҳуқуқий ва конституциявий принцип ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи одиллик принципнинг моҳияти шундаки, шахс содир этган қилмишнинг жиноийлиги жиноят қонунида белгиланган ҳолатлар ва ишончли далилларга асосланган ҳоллардагина у жиноий жавобгарликка тортилади. Ушбу принцип қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва инсонпарварлик принциплари билан бевосита боғлиқдир [1].

Маълумки, жиноятлар ўз ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тўртта гуруҳга бўлинади (ЖК 15-модда) ва ҳар бир даражадаги жиноят учун жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинлашнинг алоҳида қонун ҳақида белгиланган. Бу ҳам одиллик принципи намоён бўлишининг бир кўринишидир.

Қонун чиқарувчи ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган – жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазолар қўллаш билан таҳдид қилган.

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, амалиётда тадқиқ этилаётган жиноятлар одатда яқка ўзи эмас, балки “сателлит жиноятлар” билан биргаликда учрайди. Бу мазкур тусдаги қилмишлар фирибгарлик, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ўзбошимчалик, пора олиш, пора бериш ва бошқа жиноятлар билан биргаликда содир этилишини англатади. Яъни, жиноят учун жазо тайинлашда судлар томонидан бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидаларига амал қилинади [2].

Жиноят қонунининг ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддаларининг асосий кўпчилиги қисмида жазолар альтернатив жазолар тариқасида назарда тутил-

ган. Суд жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жиноятнинг характери, ижтимоий хавфлилик даражаси ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда санкцияда назарда тутилган асосий жазолардан бирини тайинлайди. Бир неча жиноят содир этганлик учун ҳамда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда жазоларни қўшиш ва ҳисоблаш қоидалари содир этилган жиноятлар учун адолатли жазо тайинлаш, шу орқали жиноят қонунининг одиллик ва инсонпарварлик принципларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Негаки, бир неча жиноят содир этганлик учун ҳамда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда жазоларни қўшиш ва ҳисоблашда нафақат арифметик ҳисоб-китоблар, балки жиноятнинг ҳамда жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги инobatга олинади.

Шунингдек, бунда яна жиноий жазоларни қўшиш ва ҳисоблашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, булар асосан тайинланган жиноий жазоларни қўшиш ҳамда жазо тайинлашда дастлабки қамоқ вақтини ҳисобга олишда намоён бўлади [3].

Қайд этиш керакки, Жиноят кодексининг 229⁶-моддаси (суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш)да назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахсга нисбатан, агар у ер участкасининг қайтарилишини ҳамда ернинг қишлоқ хўжалиги оборотига киритилишини таъминласа, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Шу муносабат билан айбдорнинг “сателлит жиноятлари” учун жазо тайинлашда айрим муаммолар пайдо бўлади.

Чунки, агар шахс Жиноят кодексининг 229⁶-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этгани учун рағбатлантирувчи норма қўлланилган тақдирда айнан шу жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмаслиги, ўз навбатида бошқа жиноятлари учун эса озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинлаш назарда тутилиши мумкин. Бу эса айрим муаммоларни келтириб чиқаради.

Айтайлик, қилмиш ЖК 229⁶-моддасининг 2-қисми (суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш) ва ЖК 228-модда (ҳужжатларни қалбакилаштириш)нинг 1-қисми билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган бўлиб, жиноятларнинг бири учун озодликдан маҳрум қилишдан бошқа, яъни озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари, иккинчиси учун эса мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, ягона жазо тайинлаш тартиби қандай бўлади? Бизнингча, ЖК



Махсус қисми моддалари санкциясида назарда тутилган алоҳида ижро этиш мумкин бўлган жазо турларини назарда тутувчи санкцияларни янада кенгайтириш ёхуд озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларнинг бир-бири билан қўшиб ягона жазо тайинлаш қоидаси киритилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашда алоҳида ҳолатлар ҳам инobatга олинадики, булар қилмиш учун жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан алоҳида ҳолатлар сифатида айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш (57¹-м.), тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш (58-м.), бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш (59-м.), бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш (60-м.)ни келтириш мумкин.

Айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида белгиланган жиноий жазоларни қўшиш ва ҳисоблаш қоидалари ўрганиб чиқилганда, уларда бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазолар тайинланганда турли жазолар нафақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига, балки озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарихидаги жазоларга ҳам қўшилиши тўғрисидаги қоидалар кўзга ташланди [4].

Жумладан, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасида жиноий жазоларни қўшиш қоидаси келтирилган. Унга кўра жиноятлар жами ва бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлашда:

озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир куни қамоқ жазосининг бир, озодликни чеклаш жазосининг икки, ахлоқ тузатиш ишлари ёки ҳарбий хизмат бўйича чеклаш жазосининг уч кунига, шунингдек, мажбурий жамоат ишлари жазосининг йигирма тўрт соатига тенглаштирилади;

озодликни чеклаш жазосининг бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг бир ярим кунига, мажбурий жамоат ишлари жазосининг ўн икки соатига тенглаштирилади;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг бир куни мажбурий жамоат ишлари жазосининг саккиз соатига тенглаштирилади.

Жарима, муайян мансабни эгаллаш ёки фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазолари мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, ҳарбий хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан биргаликда тайинланган бўлса ҳар бир жазо алоҳида ижро этилади.

Шунингдек, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 75-моддасида судлар томонидан жазо тайинлашда қамоққа олиш ёки уй қамоғи муддат-

ларини ҳисоблаш қоидалари белгиланган.

Унга кўра қамоққа олиш ёки уй қамоғининг бир куни:

1) қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;

2) озодликни чеклашнинг икки кунига;

3) ахлоқ тузатиш ишлари ёки ҳарбий хизмат бўйича чеклашнинг уч кунига;

4) мажбурий жамоат ишларининг йигирма тўрт соатига тенглаштирилади.

Бундан ташқари, мазкур модданинг иккинчи қисмига асосан суд қамоққа олиш ёки уй қамоғи муддатини инobatга олган ҳолда жазони енгиллаштириши ёки судланувчини жазони ўташдан озод этиши ҳам мумкин.

Кўрииб турибдики, Беларусь Республикаси жиноят қонунида жазоларни қўшиш ва ҳисоблашда бошқа турдаги жазолар нафақат озодликдан маҳрум қилиш жазосига, балки озодликни чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳам қўшилиши мумкин. Бизнингча, жазоларни қўшишнинг мазкур қоидаси Ўзбекистон Республикаси ЖКга ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ.

Ўрганиш давомида Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодексига жазоларни қўшиш ва уларни ҳисоблаш қоидалари тўғрисидаги нормалар ҳам таҳлил қилинди. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 61-моддасига биноан жазоларни қисман ва тўлиқ қўшиш йўли билан бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

1) қамоқнинг бир кунига;

2) озодликни чеклашнинг бир кунига;

3) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тенглаштирилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида махсус, ҳарбий ёки фахрий унвон, мансаб даражаси, дипломатик ранг, малака тоифаси ва давлат мукофотларидан, шунингдек, муайян мансабни эгаллаш ёки фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Қозоғистон Республикаси ҳудудидан мажбурий тартибда чиқариб юбориш, мулкни мусодара қилиш ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан бирга тайинланганда ҳар бири алоҳида ижро этилади.

Қозоғистон Республикасида ҳам муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар муддатларининг ўтиши ойлар ва йиллар билан, мажбурий жамоат ишлари тарихидаги жазонинг муддатлари эса соатлар билан



ҳисобланади.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар қамоқда сақланган пайт озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ, озодликни чеклаш жазоларига нисбатан бир куни бир кунга, мажбурий жамоат ишларига нисбатан эса бир куни тўрт соатга тенглаштириб ҳисобланади.

Шунингдек, суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар уй қамоғида сақланган вақт озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ, озодликни чеклаш жазоларига нисбатан бир куни бир кунга, мажбурий жамоат ишларига нисбатан эса бир куни икки соатга тенглаштириб ҳисобланади [5].

Айни шу моддада Қозоғистон Республикасида уй қамоғи тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланган шахсга нисбатан суднинг ҳукми қонуний кучга кирган пайдан бошлаб жазони мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазога нисбатан ҳисоблашда тафовут кўзга ташланмоқда. Бунда қонун чиқарувчи уй қамоғи тариқасидаги эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига нисбатан бирмунча енгиллигини назарда тутган, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидан фарқли равишда Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексига Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир этган жинояти учун шахсни топширишда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муддатларига нисбатан тенгма-тенг қоида татбиқ этилиши белгиланган.

Мазкур йўналишда Россия Федерацияси Жиноят кодекси нормалари таҳлил қилинганда қуйидаги хулосаларга келинди. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 71-моддасида жазоларни қўшиш тартибида жазо тайинлашда жазо муддатларини ҳисоблаш қоидалари келтирилган. Унга мувофиқ, бир неча жиноятлар ёки ҳукмлар юзасидан жазоларни тўла ёки қисман қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

- а) мажбурий жамоат ишлари, қамоқ, интизомий ҳарбий қисмда сақлаш жазоларининг бир кунига;
- б) озодликни чеклашнинг икки кунига;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг уч кунига;
- г) мажбурий жамоат ишларининг саккиз соати-га тенглаштирилади.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига асосан жарима ёки махсус, ҳарбий ёки фахрий унвон, мансаб даражаси, дипломатик ранг, малака тоифаси ва давлат мукофотларидан, шунингдек, муайян мансабни эгаллаш ёки фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазолари озодликни чеклаш, қамоқ, интизомий ҳарбий қисмда сақлаш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан бирга

тайинланганда ҳар бир жазо алоҳида ижро этилади.

Россия Федерацияси жиноят қонунида ҳам муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар муддатларининг ўтиши ойлар ва йиллар билан, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг муддатлари эса соатлар билан ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида судга қадар қамоқда сақлаш вақтини жазо тайинлашда ҳисобга олишда биров бошқача ёндашув кўзга ташланади. Яъни, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра судга қадар қамоқда сақлаш вақтини жазо тайинлашда ҳисобга олишда озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, интизомий ҳарбий қисмда сақлаш ва қамоқ жазоларига нисбатан бир кунига бир кун, озодликни чеклашга нисбатан бир кунига икки кун, ахлоқ тузатиш ишлари ва ҳарбий хизмат бўйича чеклашга нисбатан бир кунига уч кун, мажбурий жамоат ишларига нисбатан бир кунига саккиз соат миқдоридан тенглаштирилади.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексига Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир этган жинояти учун шахсни топширишда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муддатларига нисбатан тенгма-тенг қоида татбиқ этилиши тўғрисидаги норма Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида ҳам мавжуд.

Юқоридан келтирилганлардан ташқари айрим МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигида рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидаси мустақамланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Беларусь Республикаси ЖКнинг 65-моддасида рецидив жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби белгиланган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, амалдаги жиноят қонунида рецидив жиноят бошқа жиноятлардан ўзининг даврийлиги, мунтазамлиги, энг асосийси, ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб туради [6]. Шунга кўра жиноятлар учун жазо тайинлашда рецидив жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида шакли белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида, содир этилган жиноятлар учун етарли ва қилмиш табиатига мос жазо тайинланишига хизмат қилади.

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритганда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим.

Жиноят кодексининг 195-моддасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганликда ифодаланган қилмиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.



Жиноят кодексининг 197¹-моддасида эса суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Таъкидлаш керакки, мазкур норманинг диспозициясида айбдор – ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича чоралар кўрмаганлиги жиноий жазога сазовор қилмиш сифатида кўрсатилган. Моҳиятан ҳар иккала қилмиш, яъни атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик (ЖК 195-моддаси) ҳамда суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик (ЖК 197¹-модда) ҳаракатсизлик билан содир этилади. ЖК 195-моддаси диспозицияси моддий таркибли (яъни, жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар, шунингдек одам ўлишига сабаб бўлиши лозим), ЖК 197¹-модда диспозицияси эса формал таркибли, яъни шахсни жавобгарликка тортиш учун юқоридаги каби бирор-бир оқибат юз бериши талаб этилмайди [7]. Бироқ қонун чиқарувчи ЖК 195-моддасига биноан атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланишини белгилаган бўлса, ЖК 197¹-моддасида назарда тутилганидек ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича чоралар кўрмаганлиги учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишини мустаҳкамлаган. Агар мазкур қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса айбдорлар уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади [8].

Солиштириш учун айтиш мумкинки, амалдаги жиноят қонунида онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-модда), одам ўлимига сабаб бўладиган хавф остида қолдириш (ЖК 117-модда), бировни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 138-модда), миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш (ЖК 156-модда), ўғирлик (ЖК 169-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши

(ЖК 205-модда) учун шахс уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланганлигини кўриш мумкин [9].

Ушбу фикрни давом эттириб яна шуни айтиш мумкинки, ЖК 197¹-моддада назарда тутилган қилмиш ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича чоралар кўрмаганлиги, бошқача айтганда, ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларга хабар бермаганликда тавсифланади. Шундай ҳам дейлик. Жиноят кодексининг 241-моддаси (жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш)да тайёргарлик кўриладиган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун жавобгарлик ўрнатилган. Энг қизиғи, мазкур нормада ҳам максимал санкция уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳисобланади [10].

Энди ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноятини кўриб чиқамиз. Мазкур жиноят учун Жиноят кодексининг 229¹-моддасида жавобгарлик мустаҳкамланган, яъни ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса тайинланиши назарда тутилган жиноий жазо бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосидир. Санкциядан кўриниб турибдики, мазкур жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят. Агар шахс ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жинояти (ЖК 229¹-модда)га тайёргарлик кўриладигани ёки содир этилгани ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун ЖК 241-модда билан жавобгарлик келиб чиқмайди. Негаки, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жинояти (ЖК 229¹-модда) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят [11]. Лекин нима учун қонун чиқарувчи ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги (ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят) факти тўғрисида ваколатли органларга хабар бермаганлик учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутган?!

Содда қилиб айтганда, агар шахс ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олса (ЖК 229¹-модда) бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Борди-ю, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаса (ЖК 197¹-модда) уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Аслида суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чо-



ралар кўрмаслик жинояти ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноятининг олдини олиш мақсадида киритилган. Лекин ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишдан кўра уни эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаган ердан фойдаланувчи, ижарачининг эҳтиётсизлиги оғирроқ жазо билан жазоланиши назарда тутилган [12]. Бу эса жиноят қонунининг одиллик принципига зид. Мазкур жиноятлар учун санкцияда кўрсатилган жиноий жазолар ҳам мутаносиб эмас. Бошқа тарафдан эса, қонун чиқарувчи Жиноят кодексининг 241-моддаси (жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш) да тайёргарлик кўриладиган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун жавобгарлик ўрнатган. Бу шуни англатадики, агар шахс тайёргарлик кўриладиган ёки содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас [12]. Бироқ мазкур мезон Жиноят кодексининг 197¹-моддасида қўпол тарзда

бузилган. Яъни, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят – ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича чоралар кўрмаганлиги учун ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазо тайинланиши белгиланмоқда.

Юқорида келтирилганларга кўра хулоса қилинганда қонун чиқарувчи ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган – жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазолар қўллаш билан таҳдид қилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 197¹-моддаси (суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик)нинг декриминализация қилиниши мақсадга мувофиқ.

#

Иқтибослар/Сноски/References

1. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (Umumiy qism). Oliy O'quv yurtlari uchun darslik. – T.: "ILM ZIYO", 2005. – 38-b.
2. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2005. – С. 3.; Герцензон А.А. Квалификация преступлений. – М., 2007.; Андреев И.В. Теоретико-правовые основы квалификации преступлений: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Омск, 2000. – С. 21.
3. Коржанский М.И. Квалификация преступлений. – Киев, 2000. – С. 10-11.; Левицкий А.Г. Квалификация преступлений. – М., 2001. – С. 140.;
4. https://uza.uz/uz/posts/2021-yilda-qishloq-xozhaligi-erlarini-talon-torozh-qilish-bilan-bogliq-400-dan-ortiq-zhinoyat-aniqlangan_348125?q=%2Fposts%2F2021-yilda-qishloq-xozhaligi-erlarini-talon-torozh-qilish-bilan-bogliq-400-dan-ortiq-zhinoyat-aniqlangan_348125
5. Jinoyat huquqi. Darslik. (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. –Toshkent: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. –B. 335.
6. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. II том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ILM ZIYO, 2011. –Б. 100.
7. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри/ Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Акад., 2016. –Б.604.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/acts/1455984#1457866>
9. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри/ Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Акад., 2016. –Б.641.
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.10.2022 й., 03/22/794/0939-сон <https://lex.uz/acts/111453>
11. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 4. Иқтисодий соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институти, 2018. – 449 б.
12. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 755 б.



Гулмира ТАИРОВА,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси,
адлия кичик маслаҳатчиси

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ КАТЕГОРИЯСИ ВА МЕХАНИЗМИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада “жиноятчиликка қарши курашиш” категориясининг талқинига оид илмий қарашларни таҳлил қилиш ва шу орқали мазкур тушунчанинг концептуал моҳиятини очиб бериш, “жиноятчиликка қарши курашиш” тушунчасига муаллифлик таърифни бериш ҳамда ушбу таъриф асносида жиноятчиликка қарши курашиш категориясининг белгилари ва мазкур фаолият босқичлари (механизми)ни шакллантириш каби масалалар ўрин олган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются такие вопросы, как анализ научных взглядов на трактовку категории «борьба с преступностью» и тем самым раскрытие её концептуальной сущности, формулирование авторского определения к понятию «борьба с преступностью», а также определения признаков категории «борьба с преступностью» и этапов (механизма) данной деятельности.

ABSTRACT. The article issues such as the analysis of scientific views on the interpretation of the category “fighting crime” and thereby the disclosure of its conceptual essence, the formulation of the author’s definition of the concept of “fighting crime”, as well as the definition of the signs of the category “fighting crime” and the stages (mechanism) of this activity.

Калит сўзлар: жиноятчилик, жиноятчиликка қарши курашиш категорияси, таъриф, жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти, жиноятчиликка қарши курашиш механизми.

Ключевые слова: преступность, борьба с преступностью, категория, описание, деятельность по борьбе с преступностью, механизм противодействия преступности.

Key words: crime, crime fighting, category, description, crime fighting activities, crime fighting mechanism.

Жиноятчиликнинг салбий-оммавий-ижтимоий ҳодиса эканлиги унга қарши давлат ва жамият томонидан курашиш заруратини келтириб чиқаради.

Кўплаб адабиётларда “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “жиноятчиликка қарши курашиш”, “жиноятчиликни профилактика қилиш” каби тушунчалар бир-бирига синоним сифатида ишлатилади.

Гарчи улар бир-бирига яқин тушунчалар бўлса-да, айтириб маънони англатмайди. Шу боис, ушбу тушунчаларга турли манбалар ҳамда бир қатор криминалог ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича таъриф ва изоҳлар берилди.

Хусусан, қуйида “жиноятчиликка қарши курашиш” иборасига берилган айрим таърифларни келтириб ўтамиз:

Жиноятчиликка қарши курашиш – жамиятнинг жиноятчилик билан фаол тўқнашуви бўлиб, қонун ва у билан қўриқланадиган манфаатлар, қадриятлар, қонунга мувофиқ ҳуқуқ-авторнинг устуворлигини таъминлаш мақсадини кўзлаган ҳолда жиноятчилик, унинг сабаб ва шарт-шароитларига нисбатан мақсадли ҳужумкор фаолиятда ифодаланади;

Ушбу таърифда жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг субъекти абстракт ва кенгайтирилган ҳолда “жамият” сифатида талқин қилинаётганлиги кўзга ташланади. Қолаверса, бу ўринда жамиятнинг жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти ҳамма вақт ҳам фаол, ҳужумкор ва мақсадли бўлавермаслиги эътибордан четда қолдирилганлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Жиноятчиликка қарши курашиш – мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, унда кўп қутбли кучлар ўзаро муносабатга киришади, вақти-вақти билан криминоген (антикриминоген), виқтимоген (анти-виқтимоген) ҳамда криминал (антикриминал) характердаги муносабатлар юзага келади, ривожланади ва барҳам топади.

Мазкур таърифдаги “кўп қутбли кучлар” ибораси аниқликни талаб қилиши билан бир вақтда, виқтимоген ибораси криминоген тушунчасининг (ўз навбатида антивиқтимоген ибораси антикриминоген тушунчасининг) таркибий қисми бўлса-да, уларнинг бир-биридан ажратиш кўрсатилганлиги тадқиқотчида муайян саволларни келтириб чиқаради.

Жиноятчиликка қарши курашиш – жиноят содир этишга имкон берувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш (нейтраллаштириш); жиноятларни бевосита олдини олиш ва тўхтатиш; жиноятларни қайд этиш ва тергов қилиш; жиноят содир этган шахсни қидириб топиш ва одил судловни таъминлашга доир сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа мазмундаги давлат ва нодавлат характердаги чора-тадбирлар тизимидир;

Ушбу таъриф жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг асосий босқичларини ўзида жамлаган бўлса-да, жиноятчиликка қарши курашиш алоҳида фаолият сифатида эътироф этмайди ва унинг субъектлари доирасини белгиламайди.

Назаримизда, жиноятчиликка қарши курашиш – бу фақатгина чора-тадбирлар йиғиндиси бўлиб-



гина қолмай, ўзининг мақсад ва стратегияларига, кенг қамровли субъектлари, қатор йўналишлари эга бўлган давомли ва тизимли фаолиятдир.

Жинойатчиликка қарши курашиш – жиноят содир этишга имкон берувчи омилларни бартараф этиш (таъсирини заифлаштириш), жиноятларнинг олдини олиш, тўхтатиш, қайд этиш, фош этиш, тергов қилиш, одил судловни таъминлаш, жиноят содир этган шахсни тузатиш, жазони ўтаб чиққандан сўнг унинг хулқ-атвори устидан назорат ўрнатиш, жиноятнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган иқтисодий, сиёсий (ҳуқуқий), психологик, ташкилий ва техник характердаги чора-тадбирлар йиғиндисидир;

Мазкур таърифда эса, жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига оид жараёнлар фаолиятнинг мақсади сифатида кўрсатилаётганлиги, гарчи “мақсад”лар қаторида жиноий-ҳуқуқий характердаги жараёнлар акс этса-да, чора-тадбирлар жамланмасига жиноий-ҳуқуқий чоралар киритилмаганлиги маълум бўлади.

Жиноятчиликка қарши курашиш – ижтимоий бошқарувнинг алоҳида шакли, тегишли субъектларнинг кўп тармоқли фаолияти бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади: жиноятчиликка қарши курашишни ташкиллаштириш (таҳлил қилиш, баҳолаш, прогнозлаш, кадрлар, молиявий ва бошқа ресурслар билан таъминлаш); жиноятчиликнинг олдини олиш (сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш); ҳуқуқни яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни тиклаш (жинойат оқибатидаги зарарни йўқ қилиш);

Ушбу таърифда жиноятчиликка қарши курашиш – ижтимоий бошқарув шакли сифатида талқин этилаётганлиги эътиборни тортади. Ҳолбуки, бугунги замонавий жамиятларда бошқарув давлатга тегишли бўлиб, жиноятчиликка қарши курашиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга доир функциясининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишни ташкиллаштириш мазкур соҳадаги бошқарувга оид жараён бўлса-да, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқни яратиш, муҳофаза қилиш ва тиклаш кабилар бошқарув фаолияти доирасидан четга чиқадиган амалий жараёнлар ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашиш – жиноятчиликни детерминантловчи криминоген омилларга барҳам бериш (заифлаштириш) ва антикриминоген омилларни яратиш (кучайтириш), жиноятга барҳам бериш, қайд этиш, фош этиш, тергов қилиш, жиноятчини қидириб топиш, жиноят содир этган шахсни тузатиш, жиноят оқибатларини бартараф этиш-

га йўналтирилган давлат ва жамоатчилик фаолиятидир.

Сўнги таърифда ҳам жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига оид жараёнлар унинг мақсади сифатида талқин қилинаётганлиги англашилади.

Юқорида келтирилган таърифлар “жинойатчиликка қарши курашиш” тушунчасининг муайян хусусиятларини очиб беришга қодир. Бироқ биз ушбу категорияга хос асосий хусусиятларни жамлаган ва тизимлаштирган ҳолда қуйидагича муаллифлик таърифини шакллантирдик:

Жиноятчиликка қарши курашиш – бу давлат ҳамда жамиятнинг ундаги жиноятчилик иллатига мурасасиз муносабати бўлиб, у давлат ва нодавлат мақомидаги шахслар томонидан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган жиноятчиликни профилактика қилиш (жинойат содир этишга имкон берувчи сабаб ва шароитларнинг салбий таъсирини нейтраллаш); жиноят содир этилишининг олдини олиш (огоҳлантириш ва тўхтатиш); юз берган жиноятни аниқлаш ва айбни фош этиш (жинойатни қайд этиш ва тергов қилиш); одил судловни таъминлаш (жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва жиноят оқибатларини бартараф этиш) каби мураккаб жараёнларни ўз ичига олган фаолиятдир. Ушбу таъриф асносида жиноятчиликка қарши курашишнинг белги-хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин. Жиноятчиликка қарши курашиш бу:

тегишли давлат ва нодавлат муассасалари, улардаги ходимлар ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти¹ (субъекти);

у ўз мазмунига кўра давлат ҳамда жамиятнинг жиноятчиликка қарши мурасасиз муносабатини ифодалайди (бош мақсади ва стратегияси);

у жиноятчиликни профилактика қилиш, жиноят содир этилишининг олдини олиш, юз берган жиноятни аниқлаш ва айбни фош этиш ҳамда одил судловни таъминлаш каби мураккаб жараёнларни (фаолият механизмини) ўз ичига олади.

Унга кўра, жиноятчилик билан боғлиқ жараёнлар ўзаро мантиқий давомийликда жиноятчиликка қарши курашишнинг қуйидаги механизмини ҳосил қилади:

Жиноятчиликнинг шаклланиши	Жиноятга мойил хулқ-атворни шаклланиши	Жиноят содир этишга имкон берувчи шарт-шароитларнинг юзага келиши	Жиноятнинг юз бериши	Жиноятнинг аниқланиши ва айбнинг фош этилиши	Одил судловнинг таъминланиши
Жиноятчиликка қарши курашиш механизми	Жиноятчиликни профилактика қилиш (эрта олдини олиш)		Тайёргарлик ёки суиқасд босқичида жиноят содир этилишининг олдини олиш	Жиноятни қайд этиш ва тергов қилиш	Жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва жиноят оқибатларини бартараф этиш

1 Изоҳ: бу ўринда жиноятчиликка қарши курашиш фақатгина давлат ёки айрим давлат органларига юклатилган вазифа эмас, балки умумжамият зиммасидаги масъулият эканлигига урғу берилмоқда.

Адабиётларда ва амалий фаолиятда жиноятчиликка қарши курашиш ибораси билан маънодош ибора сифатида “жиноятчиликка барҳам бериш”, “жиноятчиликка мурасасизлик”, “жиноятчиликни йўқотиш”, “жиноятчиликни назорат қилиш”, “жиноятчиликни (криминоген вазиятни) бошқариш” каби иборалардан ҳам фойдаланиш ҳолатлари кузатилади.

Фикримизча, бу ўринда “жиноятчиликка қарши курашиш” ибораси оммалашган, жиноятчилик иллатига нисбатан мурасасиз ва қарши муносабатни ўзида аниқроқ акс эттира оладиган ибора бўлиб, ушбу тушунчани ўзбек тилида юриспруденцияга оид илмий категория сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Амалий фаолиятда “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “жиноятчиликка қарши курашиш”, “жиноятчиликни профилактика қилиш” каби тушунчаларнинг ўзаро фарқламаган ҳолда қўлланилишига қонунчилик ҳужжатларида ушбу атамаларни бир-биридан фарқловчи нормаларни мавжуд эмаслиги ҳолати ҳам сабаб бўлмоқда деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, республикамизнинг тегишли кодексларида – жиноят қонунчилигининг вазифаси жиной тажовузлардан қўриқлаш билан бир вақтда жиноятларнинг олдини олишдан иборат²лиги, жиноят-процессуал қонунчилиги ўз вазифалари орқали жиноятларнинг олдини олишга ёрдам қилиши³, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ўз навбатида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши⁴, жиноят-ижроия қонунчилиги маҳкумларни ахлоқан тузатиш вазифаси билан бир қаторда жиноятлар содир этилишининг олдини олиши⁵ каби масалалар қайд этилган.

Аммо тегишли кодексларда “жиноятлар (ёки ҳуқуқбузарликлар)нинг олдини олиш”, “жиноятлар содир этилишининг олдини олиш” каби вазифаларнинг мазмуни очиб берилмаган.

Шунингдек, амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонун (2-моддаси)да прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлигини қайд этиш билан бир вақтда, (8-моддасида) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш прокурор фаолиятининг кўринишларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Бу ўринда, “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “жиноятчиликка қарши курашиш” атамалари маъносига изоҳ берилмаган.

Шу каби, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун (2-моддаси)да ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги, “Давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида”ги қонун (2-моддаси)да давлат хавфсизлик хизматининг вазифаларидан бири ўз ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборатлиги, “Миллий гвардия тўғрисида”ги қонун (3-моддаси)да Миллий гвардия жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, мазкур қонунлардаги “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш” тушунчалари ҳам мазмунан аниқлик киритишни тақозо қилади.

Фақатгина “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун (3-моддаси)да “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” атамасига қуйидагича таъриф берилганлигини кўриш мумкин:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир⁶.

Бироқ, ушбу таърифдаги “ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш” иборасининг ўзи қўшимча изоҳни талаб қилади. Қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига “ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш” ибораси назаримизда ноўрин киритилганлиги кўзга ташланади. Сабаби ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уни бартараф этиш билан боғлиқ жараёнлар ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, яъни сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш жараёндан айри ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, жиноятчиликка қарши курашиш категориясига нисбатан унинг барча зарурий белги-хусусиятларини ўз ичига қамраб олган асосли илмий таърифни шакллантириш биринчи галдаги вазифа бўлса, тегишли қонунчилик ҳужжатларига жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига алоқадор бўлган тушунчаларнинг аниқ меъёрий изоҳини киритиш навбатдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

#

2 www.Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 2-моддаси.

3 www.Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 2-моддаси.

4 www.Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 2-моддаси.

5 www.Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси, 2-моддаси.

6 www.Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, 3-моддаси.



Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

ИЛМДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЦИВИЛИСТ ОЛИМ ВА ШОГИРДЛАРИГА МЕҲРИБОН УСТОЗ

Бугунги кунда мамлакатимизда фан ва таълимни ривожлантириш масаласи устувор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур йилга юртимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб ном берилганлиги ҳам бунинг ёрқин исботидир. Айниқса, мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатида “Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир” деган шиорий фикрлари биз таълим соҳаси вакиллари ни нафақат руҳлантирди, балки зиммамизга ўта масъулиятли вазифа юкламоқда.

Янги Ўзбекистоннинг келажак истиқболлини назарда тутиб таълим соҳасини янада жадал ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”-ги фармонида ҳам тарихий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, жуда катта ютуқларга эришиш имкониятини яратмоқда. Дарҳақиқат, ушбу ҳужжатнинг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланган IV бўлимида бошқа вазифалар билан бир қаторда таълим сифатини ошириш ва уни халқаро даражага етказиш стратегиянинг асосий мақсадларидан эканлиги белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг илм-фан намояндalари, педогогик ходимларга бераётган эътибори ва эътирофи мамлакатимиз тараққиётини тезлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилганлиги том маънода ижод қилиш маҳоратини ошириш бўйича масъулиятни тўлиқ ўз зиммамизга олиш фурсати етди. Олим ва педагогик ходимлар учун яратилаётган шароит ва имтиёзлар илм-фан ва таълим соҳасида янги уфқларни кашф этишга замин ҳозирламоқда десак, асло муболаға бўлмайди. Фан ҳақида қайғуриш, келажак учун қайғуриш билан баробардир. Янги Ўзбекистонни барпо этишда юридик фанлар олдидаги вазифаларни ҳал этиш объектив ва тадрижий жараёндир. Цивилист олим Ш.Н.Рўзиназаровнинг фанга кириб келган ёш тадқиқотчилар ва ўз шогирдларига бўлган меҳри ҳамда ғамхўрлиги уларнинг илм-фан ютуқларини эгаллашда муҳим омил бўлмоқда десак, муболаға бўлмайди. Донишмандлар таъбири билан айтганда, “Одамларга меҳр — бу шундай қанотдирки, у билан инсон ҳаммадан ҳам юксак парвоз қилади”.

Ш.Рўзиназаров 1959 йилнинг 13 июлида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани Чандир қишлоғида ўқитувчи оиласида таваллуд топди. 1976 йилда Пастдарғом туманидаги Алишер Навоий номидаги 45-ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлади. Ҳуқуқшунослик илмига бўлган интилиши ва тиришқоқлиги уни олий юридик таълим олишга етаклади. Талабалик йиллариданоқ унда тадқиқотчилик қобилияти шаклланиб, ўзи танлаган юриспруденция йўналиши бўйича меҳнат фаолиятининг турли соҳаларида муайян ютуқларга эришишга муваффақ бўлди. Ҳаётининг тажрибадан маълумки, олим бўлиш учун кўп машаққат ва матонат билан тинимсиз ижодий меҳнат қилиш, сабр-тоқатли ва ҳар қандай ҳаётининг қийинчиликларга сабрли ва бардошли бўлиш талаб этилади. Энг мураккаб томони шундаки, илм-фанда муайян натижага эришиш учун тинимсиз ижодий фаоллик ва жуда катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади.

Юридик фанлари доктори, профессор Ш.Рўзиназаров узоқ йиллик илмий-амалий ва педагогик фаолияти мобайнида мамлакатимиз юридик фанлар ривожига ва ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган цивилист олим сифатида илмий жамоатчиликка танилган талаба ва магистрлар ҳурматига сазовор бўлган устоздир. Устоз ҳозирги пайтда ТДЮУнинг “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси профессори лавозимида фаолиятини амалга оширмоқда.

Устоз Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Х.Раҳмонқулов илмий мактабининг ёрқин намояндаси ва ўзининг илмий мактабини шакллантирган ҳуқуқшунос мутахассисдир. Унинг ҳуқуқшунос олим бўлиб шаклланишида атоқли олим, йирик фан дарғаси Х.Раҳмонқуловнинг роли беқиёсдир. Ш.Рўзиназаровнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари замонамизнинг энг йирик цивилист олими Ўзбекистон цивилистика фанининг ва мактабининг асосчиси юридик фанлари док-



тори Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Х.Раҳмонқулов раҳбарлигида бажарилди.

Ш.Рўзиназаров 1990 йилда Собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг Ихтисослаштирилган кенгашида “Қишлоқ хўжалигида капитал қурилишини ҳуқуқий тартибга солиш” мавзусида юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун 12.00.04 – хўжалик ҳуқуқи; арбитраж жараёни ихтисослиги бўйича диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бугунги кунда ҳам ушбу мавзунинг долзарблиги тобора ортиб бораётганлиги маълум, давлатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш ва аграр секторда кўплаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш, рақамли реаллик шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида қурилиш тадбиркорлиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини истиқболли тадқиқот йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, қишлоқ қурилишини самарали ва оқилона ҳуқуқий тартибга солмасдан туриб аҳолининг фаровонлигини таъминлаш, аграр соҳада тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ривожлантириш ниҳоятда мушкул масала эканлиги айни ҳақиқатдир. Бу борада мустақил давлатимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган жадал ва истиқболли ислохотлар ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бу эса ўз навбатида, рақамлаштиришнинг замонавий тенденцияларини инобатга олиб қишлоқ хўжалиги соҳасида қурилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Таниқли олим 1995 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Ихтисослаштирилган кенгашида мамлакатимиз цивилистика фанида илк маротаба “Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми” мавзусида 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ш.Рўзиназаровнинг узоқ йиллик тадқиқот натижалари, хусусан, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлари қонун ижодкорлик фаолиятида фойдаланилган ва амалиётда татбиқ этилмоқда. Шунингдек, узоқ йиллар мобайнида юридик фаннинг, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқи, бизнес ҳуқуқига оид давлат гранти доирасида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари фаннинг назарий ва методологик асосларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатларини унификация (бирхиллаштириш) қилиш ва тизимлаштиришга қаратилган таклифларининг амалиётда

қўлланилиши аграр соҳанинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ш.Рўзиназаровнинг номзодлик ва докторлик диссертацияси ишига россиялик ҳуқуқшунос олимлар ю.ф.д., Россия Фанлар академиясининг академиги проф. В.В.Лаптев, ю.ф.д., проф. С.Н.Братусь, ю.ф.д., проф. Р.О.Халфина, ю.ф.д., проф. З.С.Беляева, ю.ф.д. З.М.Заменгоф, ю.ф.д. М.И.Брагинский, ю.ф.д. И.А.Танчук, ю.ф.д. С.С.Занковский, ю.ф.д. проф. И.Ф.Панкратов, ю.ф.д. проф. Н.Н.Веденин, ю.ф.д. проф. Т.М.Гандилов, ю.ф.д. проф. М.Г.Масевич, ю.ф.д. проф. М.И.Козыр, ю.ф.д. проф. Е.И.Голынкер, украиналик цивилист олим В.В.Сунцов, эстониялик цивилист олим Э.Л.Плоом, бошқирдистонлик ҳуқуқшунос олим ю.ф.д. проф. Ф.М.Раянов, қозоғистонлик цивилист олимлар ю.ф.д. проф. Ю.Г.Басин, ю.ф.д. проф. А.Г.Диденко, ю.ф.н. доц. А.И.Худяков, ю.ф.д. К.С.Мауленов, ю.ф.н. О.И.Ченцова ва шунингдек тожикистонлик олимлар ю.ф.д. проф. В.А.Ойгензихт, ю.ф.д. проф. Ш.Менглиев, ю.ф.д. проф. М.З.Рахимов ҳамда ўзбекистонлик ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимлар ҳамда амалиётчи мутахассислар ю.ф.д. проф. И.Б.Зокиров, ю.ф.д. проф. М.Восиқова, ю.ф.д. проф. И.Ж.Жалилов, ю.ф.д. проф. Я.Е.Песин, ю.ф.д. проф. Ибратов, и.ф.д. проф. академик Р.Хусанов, и.ф.д. проф. М.Ризаев, ю.ф.д. проф. О.Оқюлов, ю.ф.д. проф. М.Усмонов, ю.ф.д. Э.Эгамбердиев, ю.ф.н. М.Азимов, ю.ф.н. доц. О.Э.Эрназаров, ю.ф.н. доц. М.М.Асьянов, ю.ф.н. И.А.Черкашина, А.Мардиев, А.З.Йўлдошевлар юксак баҳо берганлар.

Ш.Рўзиназаровга 2002 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан Тошкент давлат юридик институти (ҳозирги ТДЮУ) тавсиясига кўра профессор унвони берилди. Унинг илмий изланишлари фуқаролик, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалик ва халқаро хусусий ҳуқуқ қонунчилигини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий масалалари, шунингдек, сўнги йилларда рақамли фуқаролик муомаласини ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб ва устувор муаммоларини илмий ва ўқув-услубий ўрганиш бўйича самарали тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда. Устоз давлат органлари, шу жумладан, суд органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда бир қатор суд амалиётига оид илмий, ўқув ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқишда ўз ҳиссасини қўшди. Суд тизими фаолияти мобайнида суд амалиёти масалаларини ҳал қилишда уни илмий-услубий таъминлаш ва илмий даражали кадрларни тайёрлашнинг суд мустақиллигини мустаҳкамлашда нақадар муҳимлиги ва заруриятини инобатга олиб, Олий хўжалик судининг (ҳозирги Олий суд) Илмий маслаҳат кенгаши фаолиятини амалда такомиллаштиришга, Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати ҳамда Олий суд билан ҳамкорликда ўтказилган қўшма Пленумида бир қатор амалиёт учун ғоят муҳим бўлган қарорларни ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатди ва ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари, Олий хўжалик судининг нашрларида суд амалиётини умумлаштириш, қонун



хужжатлари нормаларини амалиётда қўллаш самардорлигини ошириш, айниқса, судда қўрилган ишлар мисолида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш орқали улар сифатини оширишда ўз таклифлари билан самарали иштирок этди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари иштирокида суд амалиёти таҳлиллари асосида ўтказилган ҳуқуқий тарғибот ишлари ва ўзи раислигидаги судлов ҳайъати ва вилоятлар хўжалик судьялари томонидан ўтказилган сайёр суд мажлислари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг одил судлов борасидаги ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилди. Шунингдек, Олий хўжалик суди (ҳозирги Олий суд) малака ҳайъатининг раиси сифатида суд тизими малакали судья ва суд ходимларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда махсус кафедрани ташкил этиш ҳамда талаба ва магистрларнинг бевосита судда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва суд мажлисларида амалда иштирок этиш орқали уларнинг билим ва амалий кўникмаларини шакллантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Бундан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинг қилиш фаолияти мобайнида қабул қилинаётган қонунларга бир неча босқичда экспертлик хулосаларини бериш ва уларнинг мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолига етказиш орқали ўзининг ҳиссасини қўшганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Устознинг илмий-тадқиқот ишларида юридик фанлар модернизацияси, миллий қонунчилик диалектикаси, ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари, халқаро хусусий ҳуқуқ концепциясини ишлаб чиқиш, ижтимоий шериклик, давлат ва хусусий шериклик, социал тадбиркорлик, ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш назарияси ва методологияси, илм-фан ютуқларини тижоратлаштириш, инновацион ҳуқуқ, инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асослари, шу жумладан, халқаро ва хорижий инвестиция қонунчилиги, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти, қишлоқ тадбиркорлиги, қурилиш пудрати билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий таъминлаш, қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини кучайтириш, миллий ҳуқуқий тизимни унификация қилиш, тизимлаштириш ва кодификациялаштиришга оид таклифларини илмий-амалий жиҳатдан пухта ва ҳар томонлама асослантириб берган. Унинг халқаро хусусий ҳуқуқнинг қонунчилик асосларини яратиш, хизмат кўрсатиш, саноат, давлат хариди, юридик жавобгарликни эркинлаштириш, юридик хизмат кўрсатиш, миллий кадриятлар ва ҳуқуқий одатларни қонун ижодкорлигида қўллаш механизмлари самардорлигини ошириш, замонавий жараёнларда процессуал ҳуқуқий тизимни унификация қилиш ва та-

комиллаштириш, аҳолининг, айниқса, тадбиркорлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг назарий ва методологик асосларини ривожлантиришга оид хулоса ва таклифлари ҳам нафақат доктринал, балки амалий жиҳатидан эътиборга молик бўлиб, юридик фан ҳақидаги замонавий илмий-назарий таълимотни ривожлантиришга қўшилган ҳисса деб баҳолашга тўлиқ асослар мавжуд.

Устознинг юридик фанларни ривожлантиришга соҳавий ва соҳалараро ёндашув асосида амалга оширилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлари юридик фаннинг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга, унинг ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишга қўшилган шахсий ҳисса бўлиб ҳисобланади. Олим ўзининг илмий асарларида ҳуқуқшуносликда янги истиқболли соҳаларни ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг чуқур илмий мушоҳада қилиш салоҳияти, миллий ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва объектив қонуниятларига, қиёсий ҳуқуқшунослик методологиясининг, хусусан, ўз тадқиқот йўналишлари бўйича жаҳон амалиётида синалган илғор тажриба ва анъаналарга мос ҳолда тадқиқ эта олиш қобилияти, ижодий ютуқлари ва ўз касбига содиқлиги, унинг серқирра илмий фаолиятини баҳолаш, давлат ва жамият олдидаги хизматларини эътироф этишнинг ғоятда муҳим мезони ва кўрсаткичидир. У узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳуқуқшунос илмий педагог кадрларни ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, давлат ва нодавлат хизмати соҳаси вакилларининг малакасини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ш.Рўзиназаров 800 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан, 4 та ўқув қўлланма, 7 та дарслик (ҳаммуаллифликда), 3 та амалий қўлланма (ҳаммуаллифликда), 20 та монография (ўзи ёки ҳаммуаллифликда шу жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда), 8 та рисола муаллифидир. У “Хўжалик ҳуқуқи”, “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”, “Оила ҳуқуқи”, “Тадбиркорлик ҳуқуқи”, “Инвестиция ҳуқуқи”, “Бизнес ҳуқуқи” (ўзбек ва рус тилларида), “Мажбуриятни бажаришни таъминлаш”, “Иш муомаласи одатлари” (рус тилида), “Ахборот ҳуқуқи” ва “Иқтисодий процессуал ҳуқуқи”, “Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш” дарслик ва ўқув қўлланмаларини ҳаммуаллифликда тайёрлашга ва ушбу фанларнинг устувор йўналишлари бўйича ўқув ва тизимли илмий-тадқиқот ишларини бажариб келмоқда. Шунингдек, мулкчилик, тадбиркорлик қонунлари, “Фуқаролик кодексига шарҳлар” (ҳаммуаллифликда), илмий тўпламлар ва 25 дан ортиқ дарслик ва амалий қўлланма (муаллифи, тузувчиси, масъул муҳаррири), 6 та кодекс ва қонунларга шарҳлар, 650 га яқин қонун лойиҳаларига экспертлик хулосаларини тайёрлашда иштирок этган. Шунингдек, 60 тадан ортиқ электрон нашрларда мақолалар чоп этган. 600 дан ортиқ илмий мақолалари, халқаро (SCOPUS) ва хорижий нашрларда, шунингдек, республика газета



ва журналларидаги илмий ва оммабоп мақолалар муаллифидир. 4 та халқаро илмий-тадқиқот гранти, 21 та давлат илмий-тадқиқот грантларининг раҳбари ва аъзоси сифатида долзарб ва истиқболли мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Цивилист олимнинг ягона иқтисодий маконда ва рақамли фуқаролик муомаласида тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг самарали ва оқилона фаолият юритиши учун турли ҳуқуқий тизимлардаги тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларини яқинлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалари барқарор ва стратегик ислохотларни илмий-ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси илмий-тадқиқот ишлари – диссертация ва монографик тадқиқотлар учун, шунингдек, қонун ижодкорлиги, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар концепциясини ишлаб чиқишда илмий-назарий манба бўла олади. Ҳозирги пайтда олим томонидан рақамли фуқаролик муомаласининг долзарб муаммолари бўйича тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизда рақамли фуқаролик муомаласининг шаклланиши ва уни ривожлантириш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ва жадал ислохотлар тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш, электрон тижоратнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллашга бевосита боғлиқдир. Айниқса, ҳуқуқшунос олимнинг тадқиқот натижалари кўрсатишича, мамлакатимиз Фуқаролик кодексида бу борадаги хорижий давлатларнинг энг яхши тажрибасини инобатга олиб рақамли ҳуқуқнинг тан олинishi ва цивилистиканинг замонавий таълимоти нуқтаи назаридан истиқболли ва устувор тадқиқот йўналишларига асос солиниши нафақат хусусий-ҳуқуқий, балки оммавий-ҳуқуқий доктрина нуқтаи назаридан жуда катта тарихий воқеалик ва янгилик бўлади. Олим ўз тадқиқотларида асослаб беришича, рақамли фуқаролик муомаласининг ажралмас атрибути ва субинститути бўлиб электрон тижорат ҳуқуқи ҳисобланади. Ҳуқуқшунос олимнинг илмий-тадқиқот натижалари далолат беришича, замонавий юриспруденцияда ғоятда муҳим масала шундан иборатки, рақамли иқтисодиётни, умуман, электрон тижоратни, хусусан, оқилона ҳуқуқий тартибга солишнинг субъектив ва объектив хусусиятларини ва фуқаролик муомаласига рақамли технологияларни қўллашнинг объектив қонуниятларини инобатга олиб унинг тадрижий ривожланиш тенденцияларини чуқур илмий ва амалий мушоҳада этиб, унинг ўрнини аниқлаш фуқаролик ҳуқуқи доктринаси нуқтаи назаридан истиқболли йўналиш бўлиб ҳисобланади. Олимнинг илмий хулосаларининг диққатга сазоворлиги жиҳатидан қайд этиш жоизки, мамлакатимизда рақамли фуқаролик муомаласининг илмий-назарий ва ўқув-услубий асосларини комплекс ҳолда ишончли аргумент ва тасдиқлар асосида чуқур фундаментал тадқиқ этиб ўрганиш мақсадида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш

ни янада такомиллаштиришнинг объектив зарурияти исботлаб берилди.

Шу боис, цивилист олим электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш ўқув фани силлабуси мавзуларига мос равишда электрон тижорат ва электрон тижорат ҳуқуқи, электрон тижорат ҳуқуқи субъектлари, электрон битимлар ва уларнинг турлари, электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш, электрон тижоратда интеллектуал мулк, электрон тижоратда тўловлар, электрон тижорат соҳасидаги низоларни ҳал қилиш, электрон тижорат соҳасидаги хорижий ва халқаро қонунчилик билан боғлиқ масалалар бўйича илмий ва ўқув-услубий тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда. Бундан ташқари, устоз мамлакатимизнинг норматив-ҳуқуқий тизимини ривожлантириш ва уни рақамли трансформациялашув тенденцияси талабларидан келиб чиқиб бир қатор қонунчилик ҳужжатларига таклифлар тайёрлашда, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Тадбиркорлик кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. Устоз танлаган ихтисослик йўналиши бўйича хорижда ва мамлакатимизда танилган ҳуқуқшунос олим сифатида 100 дан ортиқ халқаро ва республика миқёсидаги конференция ва симпозиумларда, университет томонидан ташкил этилган илмий-амалий анжуманларда ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари иштирокида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда.

Ш.Рўзиназаров Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти кичик илмий ходимдан бўлим бошлиғигача бўлган лавозимигача (ҳозирги Давлат ва ҳуқуқ институти) ва айни бир вақтда ихтисослашган кенгаши аъзоси сифатида фаолият юритди. Бир неча йиллардан буён Тошкент давлат юридик университети ихтисослашган кенгаш аъзоси ҳамдир. Шунингдек, Қирғизистон Республикаси юридик фанлар бўйича диссертациялар ҳимояси юзасидан тузилган давлатлараро ихтисослашган кенгаш мажлисларида ҳам иштирок этди. Россия Федерацияси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Янги фан Илмий шериклик Халқаро Маркази (Россия), Қозоғистон Республикаси Каспий университети, Қозоғистон Республикаси таълим ва фан вазирлиги Фан Қўмитасининг фалсафа, сиёсатшунослик ва диншунослик институти, М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети, Тожикистон миллий университети, Хўжанд давлат университети юридик факультети ва бошқа турдош юридик таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Устоз юридик фан ташкилотчиси сифатида мамлакатимизда ва тегишли хорижий давлатларнинг соҳавий ва турдош ихтисослик йўналиши бўйича монографик ва бошқа шаклдаги илмий-назарий нашрлар, муаммовий кенгашлар, диссертациялар ҳимояси бўйича илмий кенгашлар ва Олий аттестация комиссияси эксперт кенгашлари фаолиятида фаол



қатнашиб, илмий даражали кадрларни тайёрлашда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Устоз мустақиллик йилларида ўтказиб келинаётган даврий сайловларни ташкилий, ўқув-услубий таъминлашда, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти сайловларини ташкил этишда Марказий сайлов комиссиясига ўриндошлик асосидаги ходим ва республика тренери сифатида тегишли вилоят ва туманлар сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ўтказилган семинар ўқув машғулотларида ва маҳаллаларда Сайлов кодекси ва Марказий сайлов комиссияси Низом ва Йўриқномалари мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги) илмий-техник кенгаши аъзоси сифатида фаол иштирок этди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси ва Урганч шаҳрида туман (шаҳар) ҳокимлари учун ўтказилган семинар ўқув машғулотларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган махсус ўқув дастурларига мувофиқ Имом Бухорий номидаги халқаро марказида (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази) диний ходимлар учун ўтказилган ўқув машғулотларида (2008-2015 йиллар) фаол қатнашган. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ўқув маркази (2013 йилдан буён) ўқув машғулотларида иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Давлат божхона институти ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар академияси билан ҳамкорликда ўтказилган илмий-амалий ва ўқув тусидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Устоз юридик фан ташкилотчиси сифатида мамлакатимизда ва хорижда ихтисослик йўналиши бўйича илмий-назарий нашрлар, илмий семинарлар, диссертациялар ҳимояси бўйича илмий кенгашлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эксперт кенгашлари фаолиятида фаол қатнашиб, илмий даражали кадрларни тайёрлашда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти мувофиқлаштирувчи кенгашининг аъзоси сифатида устувор илмий-тадқиқот йўналишларни тадқиқ этиб ўрганиш бўйича муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хорижий давлатлар илмий-тадқиқот муассасалари, айниқса, юридик олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик асосида Қозоғистон ва Тожикистон Республикалари учун илмий кадрлар тайёрлаш ишларига ҳам ўзининг му-

носиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Цивилист олим ўзининг илмий мактабига эга бўлиб, унинг раҳбарлигида соҳавий ва турдош ихтисослик йўналишлари бўйича 3 та докторлик (DSc), 5 та номзодлик, 3 та юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 70 дан ортиқ магистрлик диссертациялари бажарилган ва улар ишларига хулоса ва тақризлар берилган. 150 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилган ва тақризлар берган ва уларнинг турли босқичлардаги муҳокамаларида қатнашган. Бугунги кунда ёш ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда, айниқса, илмий даражали кадрларни тайёрлашга, давлатимизда юридик фанларни ривожлантириш борасида тизимли тадқиқот ишларини амалга ошириб, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. 100 дан ортиқ халқаро, ҳамдўстликдаги давлатлар ва республика миқёсидаги конференция ва симпозиумларда қатнашиб, тегишли фахрий ёрлик, диплом ва сертификатлар билан тақдирланган. 2002 йилда Чехияда, 2004 йилда Канаданинг Оттава шаҳрида ўтказилган судьяларнинг III Халқаро симпозиумида қатнашган ҳамда фаол иштироки учун махсус сертификат билан тақдирланган. 2018 йилда Бирлашган Араб Амирлиги (Дубай шаҳри)да IV Халқаро замонавий илмий-тадқиқот методологияси номли илмий ва амалий конференциясида илмий мақоласи билан иштирок этганлиги учун диплом билан тақдирланган. 2019 йилда Япониянинг Нагоя университети билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий тартиб-тамоийиллар тўғрисида”ги қонунига илмий ва амалий шарҳлар тайёрлаш бўйича онлайн ўтказилган илмий семинарларда иштирок этди. 2020 йил 5 апрелда (Россия Федерациясининг г.Петрозаводск) МЦНП «Новая наука» директори И.И.Ивановская томонидан «Электронные сделки и проблемы их применение в условиях цифрового гражданского оборота» илмий иши учун сертификат билан тақдирланган.

ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси томонидан хорижий олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда ўтказилган “Электрон тижорат ҳуқуқининг долзарб муаммолари”га бағишланган халқаро конференцияда “Электрон тижорат ҳуқуқи фанининг предмети ва методи” мавзусида маъруза билан иштирок этилди ва тўпламда нашр этилди. Қозоғистон Республикаси Миллий фанлар академияси академиги, юридик фанлари доктори, профессор М.К.Сулейменов таваллудининг 80-йиллигига бағишланган «Ижтимоий муносабатлар трансформациялашуви даврида фуқаролик ҳуқуқи» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция (йиллик цивилистик ўқишлар)да онлайн иштирок этилиб ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Ҳуқуқшунос олимнинг ташаббуси билан М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон Республикаси университетида 2021 йил 13 декабрда “Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикасида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари”га бағишлаб халқаро-илмий семинар ташкил этилди ва унинг натижаси бўйича “Электрон тижорат ҳуқуқи фанининг предмети ва методлари” мавзуси



бўйича фанини ўрганишнинг ўқув-услубий асослари бакалавр ва магистратура талабаларига дарс машғулотларини олиб боришда фойдаланилмоқда. Уфим давлат авиация техник университети ва Тошкент давлат юридик университети ҳамкорликда ўтказилган “Бизнесда замонавий ахборот тизимларини татбиқ этиш муаммолари” мавзусидаги ўқув семинарида онлайн иштирок этиб илмий ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва бошқа идоралар томонидан тегишли фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар билан тақдирланган. Бир қатор юридик илмий журналлар (шу жумладан хорижий) ва газеталар таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этиб келмоқда.

Ҳуқуқшунос олимнинг юридик фан, таълим, норма ижодкорлиги, қонун ҳужжатлари мониторинги ва экспертлик фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги сермахсул фаолияти, халқаро ва республика илмий-амалий грантлардаги фаол иштироки, фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни амалиётга жорий қилишдаги ҳиссаси, фуқаролик ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқи фанларини ривожлантиришдаги ютуқларини тарғиб ва жорий этишдаги меҳнатлари, айниқса, юриспруденция соҳаси учун илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматларини тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва илмий жамоатчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда. Устоз фуқаролик ҳуқуқий фанлар ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси, шахсий илмий ютуқлари ва ғоят муҳим аҳамиятга молик натижаларга эришганлиги, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш борасидаги фаолияти ҳамда меҳнатсеварлиги, илм-фанга фидойилиги, илмий салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти ва юксак касбий малака ва маҳорати билан жамоада обрў-эътиборга эга. Устоз, педагог, мураббий, ҳуқуқшунос сифатида ўз касбига садоқат ҳамда виждонан ёндашшини уни яқиндан билган профессор-ўқитувчилар ва шогирдлар жуда қадрлашади ва эътироф этишади.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Н.Рўзиназаров мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётидаги муҳим воқеалар, хусусан, янгиланган Конституциямизнинг қабул қилиниши, эл-юртимиз Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган ислохотларни жадал амалга оширишда илм-фанни ва таълимни жадал ривожлантириш давлат стратегик сиёсатининг асосий масалаларидан бирига айланган тарихий ва тадрижий ривожланиш босқичида унинг цивилистик илмий-ҳуқуқий ижодий ва педагогик фаолиятида янги имкониятларни очиб беришга ишончимиз комил. Ҳуқуқшунос олим “Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак учун пойдевор” деган ҳаётий шиорнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур ва теран англаб танланган ихтисослик йўналишлари бўйича ҳуқуқшунослик фани ва таълими соҳасида янги ютуқ ва муваффақиятларга эришиш мақсадида

бор куч ғайратини ва илмий салоҳиятини ишга солиб астойдил ҳаракат қилмоқда. Ҳуқуқшунос олимнинг ёрқин ва ибратли ҳаёт йўли ҳақида мушоҳада қилар эканмиз, унинг бой илмий ва педагогик тажрибаси ҳуқуқшуносларнинг янги авлодини шакллантиришга ёрдам беради деган умиддамиз. Ш.Рўзиназаровни цивилистика мактабида камол топган иқтидорли олим, ҳуқуқшунослик соҳасининг етук ва атоқли фан намояндаси сифатида кўп сонли илмий жамоатчилик жуда яхши билади ва унинг юридик фан ривожига қўшган ҳиссасини эътироф этишади.

Ш.Рўзиназаров «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони, (2006 йил) «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони (2011 йил) “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 30 йил” эсдалик нишони (2021 йил), “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони (2022 йил) билан тақдирланган. Шунингдек, Ш.Рўзиназаровга суд ва адлия органлари тизимидаги узоқ йиллик фидокорона хизматлари учун биринчи судьялик малака даражаси ва “1-даражали адлия маслаҳатчиси” махсус унвони ва мартаба даражаси берилган.

Юридик жамоатчилик устозни юридик фан ривожига ҳамда педагогик фаолияти йўлида заҳматли ва ҳалол меҳнатсеварлиги туфайли ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган ва юксак обрў-эътибор қозонган устоз сифатида қадрлашади. Ҳуқуқшунос олим ва устозни жамоада камтарин инсон, ҳамиша изланувчан олим, меҳрибон устоз, фидойи педагог, ўз соҳасининг етук мутахассиси ва садоқатли дўст сифатида эътироф этишади. Умрининг зийнати саналмиш тўғри тарбия, меҳнаткашлик, фидойилик, касбга садоқат, илмий-ижодий баркамоллик каби юксак инсоний фазилатларингиз ёш олимлар, ўқитувчилар ва ходимлар ҳамда талабаларга ҳаётда ўз ўринларини топиш учун жуда катта ишонч туйғусини шакллантиришга ундамоқда. Ш.Рўзиназаровнинг катта ҳаётий тажрибаси ва тўпланган илмий салоҳияти ва педагогик салоҳияти юридик таълим тараққиётида талаба-ёшларнинг билим ва амалий кўникмаларини шакллантиришда ва энг муҳими, малакали ҳуқуқшунос кадр бўлиб етишишида ибрат бўлиб хизмат қилмоқда.

Цивилист олим Ш.Рўзиназаровнинг узоқ йиллик самарали илмий ва педагогик меҳнат фаолияти, замонамиз талабларига жавоб берадиган малакали ҳуқуқшунос кадрларни, илмий даражали етук ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш, мамлакатимиздаги муҳим стратегик аҳамиятга молик Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида ўтказилаётган ижтимоий, айниқса, рақамли иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларни илмий таъминлаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда қўшаётган ҳиссаси ва хизматлари, фидойилиги кўплаб соҳа тадқиқотчилари, устоз– мураббийлар, талаба ва магистрларга илм-фанга садоқат, фидойилик ва ибрат намунаси бўлиб ҳисобланади.



СУДГА ҚАДАР БЎЛГАН БОСҚИЧДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақола судга қадар бўлган босқичда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини кучайтиришни назарда тутувчи янги қоидаларни амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка татбиқ этиш масалаларига бағишланган бўлиб, терговга қадар текширув босқичида шахс мақомини белгилаш, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ўтказилаётган шахснинг Жиноят-процессуал кодексида қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши лозимлиги кўриб чиқилган. Жиноят тўғрисида ариза (хабар)ни тегишлиликка кўра ваколатли органга юборишдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят ҳақида ариза (хабар)ни кўриб чиқишда қонунда ўтказилиши ман этилган айрим тергов ҳаракатлари ўтказилиши бўйича рухсат берилиши зарурати, шунингдек ариза (хабар)ни кўриб чиқиш бўйича тегишли ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг (жиноят иши кўзғатиш, жиноят иши кўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлар) қонунийлигини ўрганиш давомида аниқланган ноқонуний асосиз ҳамда адолатсиз қарорларга нисбатан тегишли муносабат билдириш тартиби бўйича таклифлар ишлаб чиқирилиб, келгусида уларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айрим нормаларига киритилиши хусусида тавсиялар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. Данная статья непосредственно посвящена реализации новых положений действующего уголовно-процессуального законодательства, которые предусматривают усиление гарантии прав и свобод человека на досудебной стадии, определение статуса лица на стадии следствия до следствия, как уголовно-процессуальным кодексом лица, в отношении которого ведется расследование, до начала следствия в отношении него считалось, что он должен иметь права и обязанности. Проанализированы существующие проблемы с направлением заявления (сообщения) о преступлении в компетентный орган. В правоприменительной практике необходимость получения разрешения на проведение определенных следственных действий, запрещенных законом, при рассмотрении сообщения (сообщения) о преступлении, а также решений, принимаемых должностными лицами, имеющими соответствующие полномочия на рассмотрение сообщения (отчет) (возбуждение уголовного дела, в ходе изучения законности постановления об отказе в возбуждении дела были разработаны предложения о порядке надлежащего реагирования на незаконные, необоснованные и несправедливые постановления, а также выработаны рекомендации относительно их включения в некоторые нормы Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан в будущем.

ABSTRACT. this article is directly devoted to the implementation of the new provisions to the current criminal procedural legislation, which provide for the strengthening of the guarantee of the rights and freedoms of the person at the stage before the trial, determining the status of the person at the stage of investigation before the investigation, how the criminal procedure code of the person who is being investigated before the investigation against him it was considered that he should have rights and obligations. The existing problems in sending the application (message) about the crime to the competent authority were analyzed. In the practice of law enforcement, the need to obtain permission to conduct certain investigative actions that are prohibited by law when considering a complaint (report) about a crime, as well as the decisions taken by officials who have the appropriate authority to review the report (report) (initiation of a criminal case, During the study of the legality of the decision to refuse to initiate a case, proposals were developed regarding the procedure for appropriate response to the illegal, unreasonable and unjust decisions, and recommendations were developed regarding their inclusion in some norms of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan in the future.

Калит сўзлар: терговга қадар текширув, жиноят тўғрисидаги ариза (хабар), жиноят тўғрисидаги ариза (хабар)ни терговга тегишлиликка кўра юбориш, жиноят иши кўзғатиш, жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш, экспертиза учун намуналар олиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш.

Ключевые слова: доследственная проверка, заявление (сообщение), направление заявления (сообщения) в связи с его значением для расследования, возбуждение уголовного дела, отмена постановления об отказе в возбуждении уголовного дела, изъятие образцов для исследования, дача показаний, эксгумация трупа.

Key words: pre-investigation investigation, criminal report (report), sending a criminal report (report) according to its relevance to the investigation, opening a criminal case, canceling decisions on refusal to open a criminal case, taking samples for examination, testifying, exhuming a corpse .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”-ги 27-сон фармони қабул қилинди[1].

Ушбу фармоннинг 14-бандида, адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бора-

сида айнан жиноятларни тергов қилиш жараёнида «Хабеас корпус» институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш, шунингдек, жиноят ишини судларга айблов хулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибининг жорий этиш, адвокатлик фаолияти билан



шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш талабини бекор қилиш каби янги қонун лойиҳалари қабул қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 17-мақсадида эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ушбу устувор вазифани амалга ошириш механизми сифатида судга қадар иш юритишнинг барча босқичида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш назарда тутилиб, 2023 йил сентябрь ойига қадар янги норматив ҳуқуқий-ҳужжат ишлаб чиқирилиши кўзда тутилган.

Келгусида бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда терговга қадар текширув жараёнига жалб этилган шахсларнинг процессуал мақомини аниқлаштириш, ушбу шахслар гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланишини белгилаш, терговга қадар текширув босқичида айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат беришни назарда тутувчи қоидаларни жорий қилиш кўзда тутилган.

Ҳақиқатдан ҳам, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текшириш босқичида шахснинг қандай мақомга эга бўлиши, у қандай процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши аниқ белгиланмаган.

Бу эса терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказишга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг қонунда белгиланмаган, қонун билан аниқ тартибда солинмаган ҳар қандай ҳаракат қилиши мумкинлигига шароит яратиб беради.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, терговга қадар текширув ишни судга қадар юритиш босқичига мансуб бўлиб, жиноят иши юритувининг дастлабки босқичидир.

Терговга қадар текширув ўтказишдан мақсад – жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунга доир тегишли тадбирларни, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, предметлар ва тегишли ҳужжатларни олиб қўйиб уларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни қамраб олиш ҳисобланади.

Амалдаги ЖПКнинг 320²-моддаси 2-қисмига кўра, терговга қадар текширув жиноят-процессуал кодекснинг 391-моддасида кўрсатилган органлар (13 та

алоҳида давлат органи) томонидан ушбу Кодекснинг 41-бобида (жиноят ишини қўзғатиш) белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилиши белгиланган.

Давлат раҳбарининг юқоридаги фармонида белгилаган, судга қадар бўлган босқичда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг янада кафолатларини кучайтириш талабидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур вазифани амалга ошириш учун эса барчамиздан терговга қадар текширув институтини янада ислоҳ қилиш лозимлигини тақозо қилади.

Назарий ва амалий таҳлиллар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти жиноят-процессуал қонунчилигимиздаги айрим терговга қадар текширув институтига дахлдор бўлган нормаларни қўллашда бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бундай муаммоларга тўхталадиган бўлсак.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят процессининг бошқа институтлари қатори терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш, айниқса, жиноят процессининг ушбу босқичида қонунда белгиланганидан ташқари бошқа айрим тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкинлигини киритиш, терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш натижаси билан қабул қилинадиган қарорлар бўйича назоратни таъминловчи прокурор ваколати доирасини аниқ белгилаш (яъни, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилинган тақдирда, у бўйича қўшимча терговга қадар текширув ўтказиш муддатлари, субъектлар доирасини белгилаш), терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиши муддатлари белгиланган бўлса-да, бироқ ушбу муддатнинг айнан қачондан бошланиши каби тартибга солинмаган муносабатлар бор.

Бу борада мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари ҳам ўзларининг илмий мақолалари ва тадқиқот ишларида маълум қилишган [2].

Хусусан, жиноятга оид ариза-хабарни терговга тегишлилигига кўра юборишнинг аниқ процессуал муддати ҳанузгача жиноят процессуал қонунчиликда мустаҳкамланмаган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётда эса, айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида белгиланган қоидалардан келиб чиқиб, “қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиш [3] нормасига таянилмоқда.

Ваҳоланки, қонуннинг 2-моддасида, “ушбу қонуннинг амал қилиши: кўриб чиқиш тартиби маъму-



рий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга, давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди», [3] деб белгиланган.

Бундан кўринадики, терговга қадар текширув органлари ҳуқуқни қўллашда хато ва камчиликларга йўл қўйишмоқда.

Амалдаги ЖПКнинг 335-моддасида, «Аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туманда (шаҳарда) ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади» [4] қондаси мавжуд бўлиб, ушбу нормада ҳам мурожаатни тегишлилигига кўра юборишнинг аниқ муддати кўрсатилмаган.

Шунинг учун келгусида ЖПКнинг 335-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги мазмун билан тўлдириш таклиф этилади:

“Жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) тегишлилигига кўра юбориш масаласи ваколатли орган томонидан зудлик билан ҳал этилиб, уни 24 соатга қадар бўлган муддатда тегишлилигига кўра юбориш чорасини кўриши шарт”

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонуннинг нотўғри татбиқ этилиши фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлишига, терговга қадар текширув ҳаракатларининг процессуал муддатда бошланмасдан сансоларчиликни келтириб чиқаради.

Яна бир қонундаги мунозарали ҳолатни кўриб чиқамиз.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида асоссиз ёки шошма-шошарлик билан ариза ёки хабар муаллифнинг вазлари тўлиқ текширилмаган ҳолда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги аниқланса, терговни назорат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан ушбу қарор бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиши таъминланади.

Аммо бекор қилиш қарори асосида ўтказилади-ган қўшимча терговга қадар текширув ўтказишнинг аниқ муддатлари жиноят-процессуал қонунимизда белгиланмаган.

Оқибатда, амалиётда бу каби асоссиз равишда қабул қилинган қарорларнинг бекор қилиб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари қайта – қайта қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиб келиниб, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Бундай хато ва камчиликларга терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг ҳаракатсизлиги, билимининг етарли эмаслиги ёки бошқа коррупциявий омилларга йўл қўйилаётганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Ёки таъбир жоиз бўлса, бир қарор беш ёки етти мартаба юқори турувчи прокурор томонидан бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Шундай экан, келгусида процессуал қонунчилигимизга асоссиз равишда қабул қилинган қарорни неча мартаба бекор қилиш мумкинлиги, уни бекор қилишга ваколатли ҳисобланган субъектлар доирасини белгилаш, қўшимча терговга қадар текширув ўтказишнинг аниқ асослари Жиноят-процессуал кодексига киритилиши лозим.

Мазкур масалаларнинг жиноят процессуал қонунда аниқ белгиланмаганлиги, амалиётчилар ёки бўлмаса айнан бир масала юзасидан терговга қадар текширув органи қарорининг бир неча мартаба бекор қилиниб, материалларни қўшимча терговга қадар текширув ўтказиш учун юборилишига, мурожаатчининг вазларида кўрсатилганларни тўлиқ кўриб чиқиб, унинг ўз тасдиғини топиши ҳақидаги кучли эҳтимолий тахминни деярли мавжуд бўлмаган сабабларга асосланиб бекор қилиш амалиёти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг обрўсизланишига ҳам сабаб бўлади.

Ушбу зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, амалдаги Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги мазмундаги нормаларни киритиш таклиф қилинади:

ЖПКнинг 330-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилади.

“Жиноятга оид ариза (хабар)ни кўриб чиқиш натижаси билан жиноят иши қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорларнинг барвақт, асоссиз ва жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарда кўрсатилган вазларнинг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан туман (шаҳар) прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокурорлари ва унга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари ва Бош прокурор томонидан фақатгина бир мартабагача бекор қилиб қўшимча терговга қадар текшириш ҳаракатлари ўтказилиши бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

Муқаддам бекор қилиш қарорида кўрсатилган ва (ёки) жиноят ҳақидаги ариза хабарда кўрсатилган вазларнинг тўлиқ текширилмаганлиги каби сабаблар билан такроран жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Юқори турувчи прокурор томонидан терговга



қадар текширув давомида янги важлар ёки текширув натижасида бошқа жиноят ҳақидаги маълумотлар аниқланган ва ушбу ҳолатлар тўлиқ ўрганилмасдан асоссиз қабул қилинган қарор бекор қилиниши мумкин.”

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси 2-қисмида, “Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин.

Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади” деб белгиланган.

Бироқ терговга қадар текширув амалиёти бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишга нисбатан эҳтиёж борлигини қуйидаги амалиётда учрайдиган ҳолат билан кўриб чиқамиз.

Мисол учун, айрим ҳолларда ИИБ ЙҲХБ ходимлари спиртли ичимлик ичганлик факти бўйича тегишли экспертиза ўтказмасдан фуқароларни тиббий муассасага олиб бориб, фуқаронинг қон намунасини олмай, муассаса шифокори билан ўтказилган суҳбат ёки стаканга пуфлаш натижаси билан спиртли ичимлик ичганлик факти аниқланади.

Аслида эса, фуқаронинг спиртли ичимлик фактини аниқлашда муассасага гумон қилиб олиб келинган ходим томонидан гумондорнинг қон намунасини олиб экспертиза текширувини амалга ошириш учун тегишли процессуал қарор ва баённома талаб қилинади.

Қон намунаси орқали аниқланган текширув натижаси келгусида уни инкор қилиб бўлмас далил деб ҳисоблашга асос бўлиб сўзсиз тан олинади.

Ушбу ҳаракатни амалга ошириш учун эса амалдаги ЖПКнинг 329-моддаси талаблари йўл қўймайди.

Шу сабабли, бу борада ўтказиладиган терговга қадар текширув ҳаракатлари бўйича далилларни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг келгусида бўладиган эътирозларини камайтириш мақсадида терговга қадар текширув давомида экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг амалга оширилиши мумкинлиги хусусида қатъий норма белгилаш тавсия этилади.

Яна бир амалиётда терговга қадар текширув давомида ишни мураккаблаштирувчи муаммоли ҳолат сифатида вафот этган шахслар бўйича фуқаролардан жиноятга оид ариза ва хабарларнинг келиб тушиши ҳолатлари бўйича мурдани эксгумация қилиш ҳаракатини ўтказмасдан қонуний тўхтамга

келишнинг имкони бўлмайти.

Бироқ амалиётда фуқаронинг мурожаати асосида қўзғатилган жиноят ишлари бўйича судларга мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракати ўтказилиши бўйича жиноят иши қўзғатилган ҳолда илтимоснома билан мурожаат қилинади.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан мазкур масала бўйича жиноят иши қўзғатилган-қўзғатилмаганлиги ҳолатига жиддий эътибор қаратган ҳолда мурдани эксгумация қилишга санкция берилиши назарда тутилади.

Мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун албатта жиноят иши қўзғатиш лозимлиги ёки фақат ушбу ҳаракатнинг жиноят иши бўйича ўтказилиши амалиётда кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Фикримизча, келгусида фақатгина жиноят иши бўйича эмас, балки терговга қадар текширув ҳаракатида ҳам мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини суддан тегишли санкция олган ҳолда ўтказиш мумкинлиги ҳақида қонунчилигимизга қоида киритилиши терговга қадар текширув босқичида ишнинг бир мунча енгиллашувига имкон яратади.

Шунинг учун амалдаги ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмида «...тафтиш тайинлаш сўзларидан» сўнг «мурдани эксгумация қилиш, экспертиза ўтказиш учун намуна олиш» деган сўзлар билан тўлдирилиши таклиф этилади.

Яна бир муаммоли вазият, терговга қадар текширувни узайтириш масаласи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасига кўра, 4 асосга кўра амалга оширилади.

Лекин терговга қадар текширув материалларини узайтириш учун тўпланган ҳужжатлар 10 кунлик муддат тугашига қанча муддат қолганида назорат қилувчи прокурорга тақдим этилиши лозимлиги қонунда аниқ белгиланмаган.

Бу эса, амалиётда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси томонидан тўпланган ҳужжатлар прокурорга кечиктириб тақдим этилишига, прокурор томонидан терговга қадар текширув материаллари бўйича муддат узайтириш масаласини ҳал этишнинг асоссиз равишда чўзилиб кетишига сабаб бўлади.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ЖПКнинг 329-моддаси 3-қисмини қуйидагича таҳрир этиш таклиф этилади.

“Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда” деган сўзлардан кейин «терговга қадар текширувнинг 10 кунлик муддати тугашига 24 соат қолганида» суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорини зудлик билан прокурор



томонидан ўрганиб чиқиб, текширув муддатини 1 ойгача узайтириши мумкин”.

Терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва уларни жиноят-процессда исбот қилиш субъекти сифатида ЖПК нормалари билан қатъий белгилаш лозим.

ЖПКнинг 39²-моддасига мувофиқ, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва мансабдор шахсининг ваколатлари (процессуал мақоми) белгиланган.

ЖПКнинг 39²-моддаси 3-қисмида, “Бошлиқнинг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган мансабдор шахс жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт”-лиги белгиланган.

Бироқ, ЖПКнинг 86-моддаси 1-қисмида, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи (ёки мансабдор шахси) исбот қилиш иштирокчилари қаторига киритилмаган.

Келгусида, ЖПКнинг 86-моддаси 1-қисмига, “Исбот қилишни сўзидан сўнг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи (мансабдор шахси) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади” деб белгилаш лозим.

Бу эса терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи (мансабдор шахси)нинг ҳуқуқий мақомини оширади.

Бундан ташқари, терговга қадар текширув давомида шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жиноят-процессуал кодексида белгиланмаган.

Амалиётда, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилаётган шахснинг жиноят-процессуал қонунида аниқ процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган.

Терговга қадар текширувни амалга ошириш босқичида шахснинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари процессуал қонун билан белгиланиши албатта ўзига нисбатан терговга қадар текширув олиб борилаётган шахсга нисбатан асоссиз, ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этишини олдини олишга хизмат қилади.

Терговга қадар текширувда жиноят ҳақидаги ариза ва хабар берган шахс (аризачи, хабар муаллифи), ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилаётган шахснинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда аниқ белгиланиши лозим.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексини янги 66²-моддаси билан тўлдириб, унда жиноят ҳақи-

даги ариза, хабар ва бошқа маълумот муаллифи

«Терговга қадар текширув натижасида аниқланиши лозим жиноят тўғрисида ариза, хабар ёки бошқа маълумот берган ҳар қандай шахс»

Бундан ташқари, янги 66³-моддаси билан тўлдириб, унда жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумот муаллифининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қуйидагича белгилаш:

“Жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумот муаллифи тушунтиришлар бериш, важларини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш, илтимоснома бериш ва рад қилиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг рухсати билан текширув ҳаракатларида адвокати билан бирга иштирок этиш; ўз она тилида тушунтиришлар бериш ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ундан тушунтириш хати олинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; тушунтиришларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; терговга қадар текширув якунида қабул қилинадиган қарор ва тўпланган ҳужжатлар билан танишиш ва улардан белгиланган тартибда нусхалар олиш, терговга қадар текширувни ўтказган ваколатли органнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Терговга қадар текширувни ўтказган ваколатли орган чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни терговга қадар текширувни ўтказган ваколатли орган мансабдор шахснинг рухсатисиз ошкор этмаслиги; терговга қадар текширув вақтида белгиланган тартибга риоя этиш ва қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этмасликка мажбур”

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексини янги 48¹-моддаси билан тўлдириб, унда ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахсга қуйидагича таъриф бериш таклиф қилинади.

«Жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумот асосида ҳаракатларида жиноят таркиби мавжудлиги аниқланадиган шахс.»

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексини янги 48²-моддаси билан тўлдириб, унга ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қуйидагилар билан тўлдириш таклиф қилинади.

“Терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бораётган ваколатли органга келиб тушган жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар билан танишиш ва ушбу важлар бўйича тушунтиришлар бериш, ариза ва хабарда келтирилган важлари-



ни инкор қилувчи далилларни тақдим этиш, илтимоснома бериш ва рад қилиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг рухсати билан текширув ҳаракатларида адвокати билан бирга иштирок этиш; ўз она тилида тушунтиришлар бериш ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ундан тушунтириш хати олинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; тушунтиришларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; терговга қадар текширув якунида қабул қилинадиган қарор ва тўпланган ҳужжатлар билан танишиш ва улардан белгиланган тартибда нусхалар олиш, терговга қадар текширувни ўтказган ваколатли органнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Терговга қадар текширувни ўтказган ваколатли орган чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни терговга қадар текширувни ўтказган ваколатли орган мансабдор шахсининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; терговга қадар текширув вақтида белгиланган тартибга риоя этиш ва қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этмасликка мажбур”

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларнинг амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига жорий этилиши терговга қадар текширув олиб борувчи органлар фаолиятини бир жиҳатдан соддалаштирса, иккинчи жиҳатдан фуқаролар эътирозлари камайиши каби ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/uz/docs/6396146> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги 27-сон Фармони. Мурожаат этилган сана 02.06.2023 йил
2. А.Матмуродов, Д.Кенжабоев. Жиноят процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари. // Юридик фанлар ахборотномаси. 2018. 1-сон Илмий-амалий ҳуқуқий журнали. ТДЮУ. 2018 йил.
3. <https://lex.uz/docs/2509996>. Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни 25-моддаси. Мурожаат этилган сана 02.06.2023 йил.
4. <https://lex.uz/docs/111460>. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 335-модда. Мурожаат этилган сана 02.06.2023 йил.

#



Панжи ХАЙИТОВ,
самостоятельный соискатель кафедры “Права экологии”
Ташкентского Государственного Юридического Университета

ВОПРОСЫ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО И ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ (НАЦИОНАЛЬНЫЕ И ЗАРУБЕЖНЫЕ)

АННОТАЦИЯ. В данной статье даны мнения по совершенствованию нормативных правовых актов и их анализу, касающихся национальной и международной концепции и системы экологически-правового формирования энергетической безопасности. Также были проанализированы важнейшие вопросы, связанные с дальнейшим развитием теории экологического права, концепции и системы эколого-правового формирования энергетической безопасности. Концепция эколого-правового формирования энергетической безопасности изучалась с точки зрения проблем регулирования источников энергетического права, национального и международного значения энергетического права в системе природных ресурсов, происхождения права его использования в рамках научных исследований. Концепция экологического и правового формирования энергетической безопасности в энергетическом секторе реализуется в определенных формах и методах. Правовые отношения, связанные с концепцией эколого-правового формирования энергобезопасности, содержание норм, направленных на их регулирование, сущность и проблемы их практического применения, система управления в области национального и международного энергопотребления и защита концепции эколого-правового формирования энергобезопасности, полномочия органов управления осуществляются в следующих случаях

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада энергия хавфсизлигини экологик-хуқуқий шакллантиришнинг миллий ва халқаро концепцияси ва тизимига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва уларни таҳлил қилиш бўйича фикрлар билдирилди. Шунингдек, экологик хуқуқ назарияси, энергия хавфсизлигини экологик-хуқуқий шакллантириш концепцияси ва тизимини янада ривожлантириш билан боғлиқ энг муҳим масалалар таҳлил қилинди. Энергия хавфсизлигини экологик-хуқуқий шакллантириш концепцияси энергия хуқуқи манбаларини тартибга солиш муаммолари, табиий ресурслар тизимидаги энергия хуқуқининг миллий ва халқаро аҳамияти, илмий тадқиқотлар доирасида ундан фойдаланиш хуқуқининг келиб чиқиши нуқтаи назаридан ўрганилди. Энергетика соҳасида энергия хавфсизлигини экологик-хуқуқий шакллантириш концепцияси маълум шакл ва усулларда амалга оширилади. Энергия хавфсизлигини экологик-хуқуқий шакллантириш концепцияси билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар, уларни тартибга солишга қаратилган нормаларнинг мазмуни, уларни амалда қўллашнинг моҳияти ва муаммолари, миллий ва халқаро энергия истеъмоли соҳасидаги бошқарув тизими ва энергия хавфсизлигини экологик-хуқуқий шакллантириш концепциясини ҳимоя қилиш, бошқарув органларининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади

ANNOTATION. In this article, opinions were expressed on the improvement of regulatory legal acts related to the national and international concept and system of ecological and legal formation of energy security, and their analysis. The most important issues related to the further development of the theory of environmental law, the concept and the system of ecological and legal formation of energy security were also analyzed. The concept of ecological and legal formation of energy security was studied from the point of view of the problems of regulation of sources of energy law, national and international importance of energy law in the system of natural resources, the origin of the right to use it in the framework of scientific research. In the energy sector, the concept of environmental and legal formation of energy security is implemented in certain forms and methods. Legal relations related to the concept of ecological and legal formation of energy security, the content of norms aimed at their regulation, the essence and problems of their application in practice, the management system in the field of national and international energy consumption and protection of the concept of ecological and legal formation of energy security, the powers of management bodies are carried out in

Ключевые слова: энергия, энергосбережение, экологическая безопасность, стратегия развития, природные ресурсы, устойчивое развитие, текущие реформы, возобновляемые источники энергии, недра, экономическое развитие, электроэнергетика, охрана окружающей среды, топливно-энергетические ресурсы, энергетическая безопасность, тепловая энергия, закон, глобальная экологическая безопасность проблемы.

Калит сўзлар: энергия, энергияни тежаш, экологик хавфсизлик, ривожланиш стратегияси, табиий ресурслар, барқарор ривожланиш, амалга оширилаётган ислохотлар, қайта тикланадиган энергия манбалари, ер ости бойликлари, иқтисодий ривожланиш, электр энергияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёқилғи-энергетика ресурслари, энергия хавфсизлиги, иссиқлик энергияси, қонун, глобал экологик муаммолар.

Key words: Energy, energy conservation, environmental safety, development strategy, natural resources, sustainable development, ongoing reforms, renewable energy sources, underground assets, economic development, electric power, environmental protection, fuel and energy resources, energy security, thermal energy, law, global environmental problems.

С первых лет нашей независимости в стране была создана отличная правовая база, которая заложила основу для ускоренного развития энергетической отрасли. Этот вопрос находится под постоянным вниманием Главы нашего государства. В частности, указы нашего первого президента”О

мерах по дальнейшему развитию альтернативных источников энергии «от 1 марта 2013 года и»об использовании возобновляемых источников энергии» от 22 мая 2019 года, несомненно, стали одними из самых масштабных практических работ в области альтернативной энергетики.



По оценкам экспертов, его мощность равна 50 триллионам 973 миллионам тонн условного топлива, что намного больше, чем совокупные запасы энергии, выявленные в нашей стране. Особенно широкие возможности для развития альтернативных источников энергии имеются в нашей стране.

Одной из основных глобальных проблем на уровне государственной политики в Узбекистане является рациональное использование возобновляемых источников энергии. В последние годы в нашей стране целесообразно сократить количество энергии, производимой с использованием углеводородного топлива, а также использовать запасы экологически чистых возобновляемых источников энергии. Вот почему мы видим растущий интерес к производству экологически чистой энергии с использованием возобновляемых источников энергии в странах по всему миру.

Согласно постановлению Президента Республики Узбекистан "О стратегии дальнейшего развития и реформирования электроэнергетической отрасли в Республике Узбекистан" от 27 марта 2019 года [1], на базе АО "Узбекэнерго" были созданы независимые друг от друга АО "Тепловые электрические станции", АО "Национальные электрические сети Узбекистана" и АО "территориальные электрические сети". В качестве альтернативы, в целях организации эффективной системы управления в энергетической отрасли республики и ускоренного развития отрасли, повышения ее конкурентоспособности и инвестиционной привлекательности, принят Указ Президента Республики Узбекистан от 1 февраля 2019 года № ПФ-5646 "о мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отраслью республики Узбекистан". Настоящим Указом приоритетными направлениями дальнейшего развития топливно-энергетической отрасли Республики Узбекистан определены [2]:

во-первых, проведение единой энергетической политики, направленной на обеспечение энергетической безопасности страны, удовлетворение растущих потребностей отраслей экономики и населения в энергоресурсах;

во-вторых, четкое разграничение функций государственного регулирования и хозяйственной деятельности в энергетической сфере, совершенствование правовой и институциональной базы социального и государственно-частного партнерства, разработка четких рыночных механизмов реализации тарифной политики и продвижение на этой основе принципов здоровой конкурентной среды;

в-третьих, создание условий для активного привлечения инвестиций, прежде всего прямых ино-

странных инвестиций, в строительство объектов инфраструктуры, а также в модернизацию, технико-технологическое перевооружение предприятий отрасли;

в-четвертых, проведение государственной политики в области энергосбережения и снижения энергопотребления экономики, стимулирование внедрения ресурсо- и энергосберегающих передовых технологий в отраслях экономики и бытовом секторе, широкое развитие альтернативных источников энергии;

в-пятых, широкое внедрение современных средств автоматизации технологических процессов на предприятиях энергетической отрасли, систем учета объемов добычи, снабжения и потребления энергоресурсов;

в-шестых, оптимизация системы управления предприятиями отрасли, их структур и подразделений, внедрение современных методов организации работы и целевых показателей (менеджмент качества, индикативное планирование), направленных на достижение конкретных результатов.

Научные исследования понятия "энергетическая безопасность" проводятся рядом ученых-экономистов. Энергетическая безопасность в настоящее время является одной из самых обсуждаемых тем. Но единого общепринятого определения понятия "энергетическая безопасность" не существует. Поэтому на практике часто используются понятия "энергетическая безопасность" или "безопасность энергоснабжения".

Энергетическая безопасность относится в первую очередь к наличию энергии, необходимой для ускорения экономического роста: соответственно, энергетическая безопасность – обеспечивает энергией отрасли хозяйства [3]. Впоследствии это определение со временем было изучено несколькими исследованиями. В некоторых исследованиях пытались различать Безопасные и небезопасные уровни, вводя определенные понятия, такие как стоимость энергии. Исходя из этого, "безопасность энергоснабжения" определяется как обеспечение бесперебойной доступности энергоресурсов по доступным ценам [4]. Однако не существует специального международного стандарта доступности энергии, который изучается между странами в соответствии с валовым внутренним продуктом (ВВП), уровнем инфляции и ВВП на душу населения [5].

Факторы, оказывающие существенное влияние на энергетическую безопасность регионов, можно разделить на факторы, контролируемые в текущий период и в рамках стратегического развития региона, – проблемы управления (энергетический дефицит, износ оборудования, финансовые аспек-



ты) и долгосрочные и косвенные (экологические проблемы, ограниченность ресурсов и т. д.) [6].

Энергетическая безопасность связана с энергетической независимостью государства от своего субъекта или региона, что является, прежде всего, политической проблемой. В энергетическом секторе устойчивое развитие и устойчивость государств-производителей приобретают важное значение для обеспечения экономической энергетической безопасности. Такой устойчивости может угрожать необходимость вести добычу и добычу энергоресурсов во все более сложных условиях, что может повлечь за собой только использование современных технологий, нанесение ущерба окружающей среде и затруднения, связанные с транспортом. В настоящее время существует множество формул и толкований понятия "энергетическая безопасность" [7].

Несмотря на наличие большого количества исследований, единого общего определения термина "энергетическая безопасность" « не существует. Впервые эта концепция была использована в США в 1947 году в качестве законодательного акта, регулирующего государственную политику в области национальной безопасности [8]. Однако понятие "энергетическая безопасность" появилось после нефтяного кризиса 1973 года. При этом Международное энергетическое агентство заявляет: энергетическая безопасность – это "уверенность в том, что Энергия будет доступна в количестве и качестве, необходимых в данных экономических условиях" [9].

Проблема безопасности занимает центральное место в теории и практике международных отношений, а с точки зрения исследователей и государственных деятелей эта проблема носит комплексный характер, содержание и методы поддержки которого зависят от исторического этапа развития общества [10].

Для стран-экспортеров энергии безопасность спроса может быть столь же важна, как и надежность и безопасность предложения. В этих странах экономика и государственный бюджет сильно зависят от доходов от экспорта энергии. Например, на долю нефтяной промышленности Саудовской Аравии приходится 42% ВВП, 87% бюджетных доходов и 90% экспорта [11].

Однако между производителями и потребителями могут возникнуть споры относительно уровня цен и оптимального темпа открытия. Международное энергетическое агентство, объединяющее страны – потребители энергии, рассматривает концепцию энергетической безопасности как обеспечение доступности и непрерывности энергоресурсов [12].

Оценка состояния и уровня энергобезопасности должна производиться с использованием ряда показателей, а именно: энергоснабжение, энергетическая зависимость, экономическая целесообразность, социальная устойчивость [13].

В.В. Марчук Как правильно заметил, антропогенное воздействие на окружающую среду, в том числе через энергетическую инфраструктуру, в последние десятилетия сопровождалось тенденцией исчезновения разнообразной флоры и фауны с поверхности планеты. Рост экологических катастроф обусловлен усилением антропогенного воздействия на окружающую среду. Поскольку экологические проблемы, которые они вызывают, носят глобальный характер, меры противодействия им также должны носить международный характер [14].

Развитие энергетического сектора всегда осуществлялось под контролем государства. Примером могут служить принятые в Республике Узбекистан отраслевые законодательные акты. В частности, в новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60, особое внимание уделено либерализации рынков энергоресурсов и природного газа с установлением гарантий социальной защиты, широкому привлечению частных инвестиций в отрасль и введению норм социального потребления для защиты нуждающегося населения.

Важнейшей задачей обеспечения энергетической безопасности является достижение энергетической независимости государства. Государство, не обладающее независимой энергией, никогда не может быть независимым. Для достижения этой цели необходимо сделать следующее:

- организация надежного снабжения энергией, необходимой для нужд реального сектора экономики и населения;
- обеспечение надежной работы подстанций, вырабатывающих электроэнергию и передающих энергию, а также организаций, относящихся к топливно-энергетической отрасли;
- снижение вредного воздействия на окружающую среду за счет широкого внедрения современных технологий в топливно-энергетическом секторе;
- совершенствование организационно – экономических механизмов повышения государственных гарантий в целях широкого привлечения иностранных инвестиций в топливно-энергетический сектор.
- В целях обеспечения энергетической безопасности в нашей республике сделаны первые шаги. Основными из них являются независимые друг от



друга на базе АО “Ўзбекэнерго”, имеющие в республике единое управление в сфере производства электроэнергии, акционерное общество “Тепловые электрические станции”, поставка электроэнергии по магистральным электрическим сетям акционерное общество “Национальные электрические сети Узбекистана” и поставка электроэнергии потребителям “территориальные электрические сети”. возложено на акционерное общество. Это, конечно, структурное изменение, сделанное с учетом настоящего и будущей перспективы. Данные изменения направлены на формирование конкурентной среды в области обеспечения энергетической безопасности, удовлетворения растущих потребностей населения в энергоресурсах, отраслях экономики, в производстве электроэнергии и поставках электроэнергии потребителям. Сфера поставки электроэнергии по магистральным электрическим сетям – сохраняет свой характер есте-

ственной монополии. Потому что в этом случае организация конкурентной среды является экономически неоптимальной ситуацией[15].

Вместо заключения обеспечение энергетической безопасности нашего государства является необходимым условием поддержания национальной и международной энергетической безопасности на требуемом уровне на основе эффективного использования топливно-энергетического потенциала. В XXI веке экологическая среда в Узбекистане стала составной частью общепланетной экологической среды, и мы видим, что она меняется под влиянием глобальных экологических проблем. Это видно по тому, что глобальные изменения в использовании невозобновляемых ресурсов, взаимосвязи “биомасса-Техномасса” наблюдаются и в Узбекистане. Эти изменения создают необходимость осуществления в стране мониторинга климата, биологии, здоровья населения.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ.

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 27 марта 2019 года № ПП-4249 «о стратегии дальнейшего развития и реформирования электроэнергетической отрасли в Республике Узбекистан» <https://lex.uz/docs/4257083>
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 1 февраля 2019 года № ПФ-5646 «о мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической сетью Республики Узбекистан». <https://lex.uz/docs/4188798>
3. Круйт, Б., Ван Вуурен, д.Р., de Vries, Н.Ж.М., Грененберг, Х. (2009), Indicators for energy security. Энергетическая Политика, 73(6), 2166-2181. [4] Франки, В., Вишкович, А. (2015), Energy security, policy and technology in South East Europe: Presenting and applying an energy security Index to Croatia. Energy, 90(1), 494-507.
4. Уегин, Д. (2006), Ensuring energy security. Foreign Affairs, 85(2), 69-82.
5. Круйт, Б., Ван Вуурен, д.Р., de Vries, Н.Ж.М., Грененберг, Х. (2009), Indicators for energy security. Энергетическая Политика, 73(6), 2166-2181.
6. Кондраков О.В. Классификация угроз энергетической безопасности региона // Социально-экономические явления и процессы. 2012. № 10.
7. Дубровин Е., Дубровин И. Энергетическая безопасность как важнейшая составляющая национальной безопасности. URL: <http://www.eprussia.ru/epr/170/12776.htm> (дата обращения: 11.01.2016).
8. Гафуров А. Р. Энергетическая безопасность «IE Mesto V obtshey structure безопасность. Режим доступный: http://vestnik.mstu.edu.ru/v13_1_n38/articles/31_gafur.pdf.
9. Воропаев Н. И., Сендеров С. М. Энергетическая безопасность: сущность, основа проблемы, метод и результаты исследований. М.: ИИП РАН, 2011.
10. Завалнев В.Н. Безопасность в политическом мировосприятии примеров прошлого: аналитическая ретроспектива // Вестн. Моск. гос. ОВЛ. ун-та. Сер. «История и Политические науки». 2016. № 1. С. 176–189.
11. ЦРУ: The World Factbook. 2016. [Электронный ресурс] URL: <https://www.ЦРУ.gov/Library/publications/the-World-Factbook/GEOS/SA.html> (дата обращения: 06.10.2016).
12. Energy security Refers to The Uninterrupted Availability of energy Sources at an Affordable Price [Электронный ресурс] // The International Energy Agency. URL: <http://www.iea.org/topics/energysecurity/> (данные обращения: 01.09.2016).
13. Ван, К. и Чжоу, К. (2017). A framework for evaluating Global National energy security. Applied Energy, 188, 19-31.
14. Марчук В. В. Об уголовно-правовой охране экологической безопасности в условиях глобализации // Научные основы уголовного права и процесс глобализации. Материалы V Российского конгресса уголовного права 27-28 мая 2010 года). М.: Проспект, 2010. 15.
15. «Пути повышения эффективности управления в отрасли в области обеспечения энергобезопасности. Научный электронный журнал” экономика и инновационные технологии « (Economics and innovative technologies) 1/2022, январь-февраль (№ 00057)

#



ҚУРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш механизмининг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилик асосида таҳлил этиб берилди, шунингдек ривожланган хорижий давлатларнинг қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш борасидаги қонунчилиги атрофлича ўрганилиб, миллий қонунчиликка имплементация этиш бўйича илмий-назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

АННОТАЦИЯ. В данной статье на основе национального законодательства была проанализирована правовая база механизма противодействия коррупции при контроле и осуществлении строительства, а также детально изучено законодательство развитых зарубежных стран по противодействию коррупции при контроле и осуществлении строительства и разработаны научно-теоретические предложения и рекомендации для имплементации национального законодательства.

ANNOTATION. In this article, the legal framework of the mechanism for combating corruption in the control and implementation of construction was analyzed on the basis of national legislation, as well as the legislation of developed foreign countries on combating corruption in the control and implementation of construction was studied in detail and developed scientific-theoretical proposals and recommendations for implementing national legislation.

Калит сўзлар: давлат қурилиш назорати, қурилишни назорат қилувчи органлар, коррупция, коррупцияга қарши курашиш.

Ключевые слова: коррупция, противодействие коррупции, государственный строительный контроль, органы строительного контроля.

Key words: corruption, anti-corruption, state Construction Supervision, construction supervisory authority.

Сўнгги йилларда давлатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар ҳамда кўрилаётган чоралар халқаро даражада эътирофга сазовор бўлиб, юртимизнинг халқаро рейтингдаги ўринлари юқорилашига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Transparency International халқаро ташкилотининг 2022 йил учун эълон қилган “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да Ўзбекистон 14-поғонага юқорилаб, 180 та мамлакат орасида 126-ўринни эгаллади¹. Минтақада эса Қозоғистондан кейин иккинчи ўринда эътироф этилган.

Бироқ ҳали-ҳануз давлатимиз эгаллаган поғонанинг юқори эмаслиги коррупцияни бартараф этиш бўйича қабул қилинган чоралар самарали эмаслиги ва янада такомиллаштиришни талаб қилишини, бу иллатга ҳали тўлиқ барҳам берилмаганлигини англатади.

Ҳар қандай соҳада, шу жумладан, қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши самарали курашиш мамлакатда жиноятчилик даражасини пасайтиришга ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ёрдам беради.

Шубҳасиз, коррупция ҳар қандай давлатнинг мольвий хавфсизлиги учун жиддий муаммо ҳисобланади. Коррупцияни бартараф этиш эса мамлакатнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ва қонун устуворлигини таъминлашнинг калитидир.

Шундай экан, коррупцияни бартараф этиш жамиятимиз учун муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси давомида коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтиб, «Халқимиз биздан коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда»², дея таъкидлаган.

Коррупция фуқаролик жамиятининг айрим соҳаларида бўлгани каби қурилиш соҳасини ҳам истисно этмайди.

Дарҳақиқат, қурилиш саноати – бу кўп маблағ айланадиган, эътиборни талаб этадиган соҳа. Бу нафақат хусусий қурилиш, балки бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган мамлакатимизнинг жозибадорлигини оширадиган турли объектлар қурилиши учун ҳам алоқадордир.

Ҳар йили тугалланмаган ва фойдаланишга топ-

1 Батафсил маълумот учун: <https://www.transparency.org/en/cpi/2022> (Мурожаат қилинган сана 12.05.2023.)

2 <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

ширилмаган қурилиш объектларининг кўпайиши кузатилади.

Қурилиш соҳасининг коррупциялашуви уй-жойнинг квадрат метри нархининг ўсишига олиб келади. Қурилиш соҳасида маблағларни ўзлаштириш тендердан, рухсатномаларни рўйхатдан ўтказишдан, кўп миллионли инвестицияларни олишдан, пудратчилар ва субпудратчилар билан шартномалар тузишдан бошлаб деярли ҳар бир босқичда содир бўлади.

Қурилиш сифатининг паст даражаси, ишлатилган қурилиш материаллари, шунингдек, объектни қуриш учун олинган маблағларнинг ўғирланганлигини кўрсатади. Тураржой бинолари қурилишининг сифатсизлиги унда яшовчи одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига янада хавф келтиради.

Шу ўринда қурилишни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишдан аввал қурилишни назорат қилиш қай тартибда ва ким томонидан амалга оширилишига тўхталиб ўтсак.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 5-боби қурилишни назорат қилиш ва амалга оширилишига бағишланган бўлиб, 26-34-моддаларни ўз ичига олади.

Мазкур кодекснинг³ 26-моддасига кўра, қурилиш устидан давлат назорати қуйидагиларни яъни буюртмачининг техник назорати, ишлаб чиқувчининг муаллифлик назорати, пудратчининг ички назоратини назарда тутати.

Кодекснинг 27-моддасига мувофиқ, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади ва уларнинг ваколатлари белгиланган.

Юқоридаги норматив асосдан ташқари, қурилишни назорат қилишни назарда тутувчи бошқа меъёрий актлар, жумладан, қурилиш-монтаж ишлари сифатини янада ошириш, қурилиш соҳасидаги назорат қилувчи инспекциялар родини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 4586-сон қарори⁴ қабул қилинди.

Президент қарорига асосан, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг тузилмаси ва қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 4586-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида”ги 496-сонли қарори⁵ ҳам бевосита қурилишни назорат қилишни тартибга солишга қаратилган.

Ушбу қарорга асосан, объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент тасдиқланиб, унда қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишдаги вазибалари, архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш, қурилиш объектларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тартиби, қурилиш объектларининг хавф-хатар тоифаси бўйича мураккаблик тоифалари таснифи, давлат қурилиш назорати турлари, мезонлари ҳамда уларни амалга ошириш асослари, бино ва иншоотларни инструментал-техник текширувдан ўтказиш тартиби белгилаб берилди.

Қарорда давлат қурилиш назоратига қуйидагича таъриф берилади: “давлат қурилиш назорати — қурилиш-монтаж ишларида пудратчи, буюртмачи, лойиҳачи, қурилиш бошқармаси ва унинг туман, шаҳар бўлимлари томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, тасдиқланган ишчи лойиҳа ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича танлов асосида инспекция ва ҳудудий инспекциялар томонидан назорат функцияларини олиб бориш тизими”.

Қарорнинг 6- ва 7-бандига кўра, давлат қурилиш назорати қурилиш объектларининг хавфсизлиги, сифати, зилзилабардошлиги ва фойдаланишда ишончилигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади ва давлат қурилиш назорати қонунийлик, ҳолислик, ошкоралик, шаффофлик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, шаҳар-

3 Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.11.2022 й., 03/22/800/0990-сон)

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 4586-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.11.2020 й., 06/20/6119/1570-сон)

5 Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ПҚ-496-сонли (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)



созлик фаолияти субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаслик принципларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши қайд этилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли фармони⁶ билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш алоҳида белгилаб берилди.

Улар жумласидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6247-сон Фармони⁷, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6257-сон фармони⁸, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5177-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 34-сон қарори⁹ни санаб ўтишимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон фармони билан қабул қилинган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган 100 та мақсаднинг 83 ва

84-мақсадлари бевосида коррупцияга қарши курашишга қаратилган.

Хусусан, давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш, коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш, аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқирилишини таъминлаш муҳим устувор вазифа этиб белгиланган.

Шу билан биргаликда жамият ҳаётининг турли соҳаларида хусусан, қурилиш соҳаси тизимида ҳам коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Жумладан, қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малякасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2018 йил 14 ноябрдаги йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5577-сонли фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб барча қурилиш объектлари учун лойиҳаларнинг смета қисмини экспертизадан ўтказиш мажбурийлиги, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси, кадастр органлари, буюртмачи,

6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон)

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон)

8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон)

9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-34-сон Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.12.2021 й., 07/21/34/1140-сон)

пудратчи (бош пудратчи) вакиллари иштирокида амалга оширилиши ва шу каби нормалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4464-сонли Қарори¹⁰да кейинги йилларда қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлашда жиддий камчилик ва муаммолар келтирилган бўлиб, улар сирасига манфаатдор шахслар ва жамоатчилик қурилиш ишлари боришини кузатиш имкониятига эга эмаслиги, маблағлардан нотўғри фойдаланиш, объектларни ўз вақтида топширмаслик, қурилишда паст сифатли материаллардан фойдаланиш, қурилиш ишларига соҳанинг мутахассиси бўлмаган ходимларни жалб қилиш қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилишига олиб келаётгани, республика бюджети маблағлари, мақсадли жамғармалар ва буюртмачиларнинг ортиқча харажатларига сабаб бўлаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида мазкур қарор асосида Қурилиш вазирлиги фаолиятига «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими жорий этилди.

Шунингдек, қурилиш соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилувчи ахборот тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича комиссия ташкил этилиб, қурилиш соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган самарали «ижро этилиши юзасидан назорат» (compliance control) тизими жорий этилишини таъминлаш;

қурилиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари лойиҳаларида коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш бўйича коррупцияга қарши экспертиза ўтказилишини ташкил этиш;

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими

ҳамда «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал)ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тадбирлар режалари тасдиқланишини таъминлаш, мазкур тизимларни белгиланган муддатларда ишга туширилишини назорат қилиш;

қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этиш орқали коррупция, бюрократик тўсиқлар ва тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қурилиш соҳасининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида қурилиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларнинг белгиланган муддатларда ижро этилишини мониторинг қилиш;

қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этишда масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

жорий этилаётган ахборот тизимларининг жойларда самарали ишлашини ва қўлланилишининг ягона амалиётини таъминлаш;

қурилиш соҳасига ахборот технологияларининг жорий этилиши, шу жумладан уларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга таъсири бўйича маълумотларнинг кенг оммага етказилишини ташкил этиш каби вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш устидан давлат ва жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 ноябрдаги “Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизмларини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 425-сонли қарори¹¹ қабул қилиниб, унинг 1-банд 2-хатбошисида 2023 йил 1 январдан бошлаб объектларнинг бош лойиҳа-қидирув ва бош қурилиш-пудрат ташкилотлари Қурилиш вазирлигининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида инсон омилисиз ўтказиладиган электрон тендер (танлов) савдолари орқали аниқланиши, 2.б-бандида ҳар чоракда вилоят, туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қурилиш соҳасида коррупция ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4464-сонли Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 08.08.2022 й., 06/22/183/0721-сон)

11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 ноябрдаги йилдаги “Қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда назорат механизмларини такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 425-сонли қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.11.2022 й., 07/22/425/1024-сон)



юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериб борилиши, шунингдек, 4.а-бандида қурилиш объектларини рўйхатга олишдан бошлаб, фойдаланишга қабул қилишгача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш ҳамда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг вазирлик ва идораларнинг автоматлаштирилган реал вақт режимда ишловчи мониторинг тизимлари билан интеграция қилиниши, шунингдек, 4.д-бандида уч ой муддатда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган объектларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги ва электрон тендер (танлов) савдолари билан боғлиқ жараёнларни ҳамда қурилиш объектларидаги камчиликлар ва қонун бузилиши ҳолатларини акс эттирувчи фото ва видео материалларни юклаш имконини берувчи «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг мобил иловасини яратиш белгиланди.

Ҳар қандай соҳада, шу жумладан қурилиш соҳасида коррупцияга қарши самарали курашиш мамлакатда жиноятчилик даражасини пасайтиришга ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ёрдам беради.

Коррупцияни минималлаштириш ва унга ёрдам берадиган асосий омилларнинг бартараф этилишига фақат самарали қарши чоралар кўриш натижасида эришиш мумкин. Бугунги кунга келиб, кўрилган чораларни бундай деб тан олиб бўлмайди.

Коррупцияга йўл қўйиш мамлакатга турли хил салбий таъсирларни келтириб чиқаради. Қурилиш соҳасида коррупция амалиёти мавжуд бўлганда, бу ҳолат янада ёмонлашади, чунки саноат мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

Қурилишда коррупциянинг олдини олишнинг муҳим омили электрон тизимни яратиш ҳисобланади.

Қурилишнинг барча босқичларидаги ер ажратишдан тортиб объектни фойдаланишга топширишгача бўлган рухсат беришлар билан боғлиқ барча ҳужжат айланмаларини электронлаштириш лозим. Қурилишда ягона электрон тизимнинг яратилиши ушбу жарёнларнинг шаффофлигини таъминлайди. Ариза берувчи барча маълумотларни бир мартада «ягона ойнада» тақдим этиши ва ўша ерни ўзида жавоб олиши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 17 ноябрдаги 425-сонли қарорида 3 ой ичида “Шаффоф қурилиш” мобил иловасини яратиш белгиланган бўлса-да, амалда ҳануз бу илова яратилмаганлигини

кўришимиз мумкин.

Шунингдек, бутун дунёда коррупцияга қарши курашиш, хусусан, қурилиш соҳасида ҳам бу иллатни бартараф этишга қаратилган тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Индонезиянинг Мулаварман университети, Бизнес бошқаруви бўлими олимлари А.А.Хетами ва М.Ф.Арансхайлар қурилиш соҳасида коррупция амалиётига оид муҳим профилактика стратегияларини қайд этиб ўтган.

Улар ўз тадқиқотида қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олишнинг профилактик режаси сифатида қонун, тартибга солиш ва санкцияларнинг бажарилиши; юқори яхлитлик ва ҳалол қурилиш маданияти; фаол ҳисобот канали; аудит механизми; ахлоқ-одоб кодекси; оммавий ошкор қилиш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш; кенг қамровли назорат; тегишли ўқув дастури ва даромад даражасининг етарлилиги.¹²

Юқорида ўрганилган барча профилактика режаси орасида аудит механизмлари, ахлоқ-одоб қоидалари ва жамоатчиликка ошкор қилиш мутахассислар томонидан қурилиш лойиҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича энг самарали режа сифатида қаралади, чунки бу режалар бошқа режага нисбатан коррупция сабаблари билан боғлиқ ҳисобланади. Фикримизча, давлатимизда қурилиш саноатидаги коррупцион амалиётларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттириш учун сифатли тадқиқотларни амалга ошириш зарур.

Зеро, чуқур амалий тадқиқотлар қурилиш соҳасидаги коррупцион амалиётларнинг моҳиятини тушуниш ва янги тушунчаларни тақдим этиш учун фойдали бўлади.

Коррупцияни тадқиқ қилиш борасида Хорватияда қурилиш соҳасида коррупциянинг энг кўп учрайдиган муаммолари ва сабабларини аниқлаш мақсадида сўров ўтказилган. Тадқиқот Буюк Британиянинг Chartered қурилиш институти (СИОБ, 2013) томонидан олиб борилган тадқиқотларига асосланган. Тадқиқот интернетга асосланган сўровнома ёрдамида ўтказилди (Главинжа, 2014). Анкета электрон почта орқали қурилиш компаниялари ва профессионал бирлашмаларнинг манзилларига юборилган. Сўров икки қисмга бўлинган. Биринчи қисмда умумий демографик саволлар, яъни респондентларнинг қаердан келиб чиққанлиги, уларнинг жинси, ёши, ташкилот ичидаги мавқеи, иш тажрибаси миқдори ва компаниядаги ходимлар сони акс этган бўлса, сўровнинг иккинчи қисмида Хорватия-

12 Hetami, A. A., & Aransyah, M. F. (2020). Investigation of corruption prevention plan in construction industries. *Jurnal Perspektif Pembiayaan Dan Pembangunan Daerah*, 8(1), 51 – 64. <https://doi.org/10.22437/ppd.v8i1.8722>



да қурилиш соҳасидаги коррупцияни идрок этиш билан боғлиқ саволлар мавжуд эди.¹³

Натижалар шуни кўрсатганки, респондентларнинг 90 фоизи Хорватияда қурилиш соҳасидаги коррупция жуда тез-тез ёки тез-тез учрайди дея жавоб беришган.

Ушбу натижа Буюк Британиянинг СИОБ томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси билан таққосланганда, худди шу саволнинг натижаси сезиларли даражада фарқ қилган, яъни Англияда, респондентларнинг 49 фоизи коррупция қурилишида жуда тез-тез ёки тез-тез учрайдиган ҳодиса деб жавоб беришган.

Тадқиқот натижаларининг умумий кўриниши қурилиш соҳасидаги коррупцияни янада тадқиқ қилишни рағбатлантиради ва кўпроқ одамларни бундай тадқиқотларда иштирок этишга ундайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қурилиш ни назорат қилиш ва амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш механизмини такомиллаштириш

мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади: биринчидан, соҳа фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш;

иккинчидан, тизимдаги коррупцияга оид ҳолатлар ҳақида тезкор хабар бериш учун қисқа рақамли «ишонч телефони» – Call-марказ ташкил этиш; учинчидан, қурилишни амалга ошириш ва қурилишни назорат қилишнинг ҳар бир босқичини рақамлаштирган ҳолда ягона платформага бирлаштириш ва ушбу платформани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга интеграция қилиш.

тўртинчидан, ҳар бир қурилиш объектининг он-лайн паспортини шакллантириш ва уни жамоатчилик учун очиқлаш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, келтирилган таклифларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз қурилиш соҳаси тизимида коррупцияга қарши курашни такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

#

13 CORRUPTION IN THE CONSTRUCTION INDUSTRY: COMPARISON OF SURVEY RESULTS IN CROATIA AND THE UNITED KINGDOM D. Glavinja, A. Cerića, M-M. Nahod, Technological and Higher Education Institute of Hong Kong (THEI) Staff Publications Faculty of Design and Environment 2017, p. 34-44/





СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада суд ҳужжатларининг ижросини таъминлашнинг аҳамияти, ижро иши юритувининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ҳамда унинг ўзига ҳос принципларини инobatга олган ҳолда қонунчиликда ижро иши ҳуқуқига мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида қараш таклифи берилган.

АННОТАЦИЯ: В данной статье, учитывая важность обеспечения исполнения судебных документов, роль исполнительного производства в правовой системе и его специфические принципы, предлагается рассматривать право исполнительного производства как самостоятельную отрасль права.

ABSTRACT. In this article, taking into account the importance of ensuring the execution of court documents, the role of enforcement proceedings in the legal system and its specific principles, it is proposed to consider the law of enforcement proceedings as an independent branch of law.

Калит сўзлар: ижро иши юритуви, суд қарори, процессуал ҳуқуқ.

Ключевые слова: исполнительное производство, решение суда, процессуальное право.

Key words: enforcement proceedings, court decision, procedural law.

Маълумки, суд ҳужжатларини ижросини таъминламай туриб, қонун устуворлиги, ҳуқуқий демократик жамият ҳамда одил судлов ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Бу борада янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 138-моддасида суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурий¹ экани мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шартлиги, суд ҳужжатини ижро этмаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши² белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун нормасининг амалда бажарилмаслиги, аниқроқ айтадиган бўлсак, суд ҳужжатларининг ижроси таъминланмаслиги нафақат суд ҳокимиятининг нуфузига, судлар томонидан қабул қилинадиган одил судлов ҳужжатларининг тарбиявий ва амалий аҳамиятига, балки мамлакатимизда фуқароларнинг, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланади-

ган манфаатларига зиён етказиши, бу борада изчиллик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарадорлигига путур етказиши мумкин.

Ижро иши юритувининг жиноят, фуқаролик ёки иқтисодий процессуал ҳуқуқдан “мустақил”, ҳуқуқнинг алоҳида бир тармоғи ҳисобланади.

Бироқ, олимлар ўртасида ижро иши юритиш ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғими ёки жиноят процессул, фуқаролик процессуал ёки иқтисодий процессуал ҳуқуқининг бир қисми, агар ижро иши юритуви санаб ўтилган процессуал ҳуқуқларнинг бир қисми бўлса, ундаги барча муносабатлар ушбу ҳуқуқий нормалар билан тўлиқ қамраб олинганми деган баҳсли саволлар мавжуд.

Профессор М.М.Мамасиддиқовнинг қайд қилишига кўра, кўп йиллар давомида ижро ишларини юритиш фуқаролик процессининг таркибий қисми сифатида эътироф этиб келинган бўлса, ҳозирга келиб ижро ишларини юритиш нормалари маълум бир ҳуқуқий йўналиш ва хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқ соҳасининг комплекс тармоғи эканлиги аён бўлиб бормоқда.³

Бу борада С.Б.Холбаев ҳозир суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси республикамизда амалга оширилаётган кучли ҳуқуқий сиёсат натижасида шахснинг ҳуқуқ ва манфаат-

1 <https://lex.uz/docs/6445145> Кириш санаси 19.10.2023 йил

2 <https://lex.uz/docs/5534923> Кириш санаси 19.10.2023 йил

3 М.М.Мамасиддиқов. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. Тошкент. “АЛ-ФАБА-СЕРВИС”. 2008 й. 255-б.



лари ҳимоясининг самарадорлигини акс эттирувчи алоҳида ҳуқуқий институт сифатида шакллана олганлигини қайд этади.⁴

Шу билан бир қаторда, ижро иш юритувининг мустақиллиги ҳамда “ижро иши ҳуқуқи” мавжудлиги юзасидан мунозаралар деярли ярим асрдирки нафақат олимларни, балки бошли илмий муассасаларни икки гуруҳга ажратиб келмоқда.⁵

Хусусан, бу борада В.В.Ярков, О.В.Исаенкова, Д.Х.Валеев, В.В.Гущин ижро иши юритувини ҳуқуқнинг алоҳида мустақил йўналиши эканлигини қарашни илгари сурсалар⁶, Н.А.Чечина, М.С.Шакарян, А.Т.Боннер, В.М.Шерстюк, Л.А.Грось, А.К.Сергун, Г.Л.Осокина, С.М.Пелевинлар эса ижро иши юритуви фуқаролик иш юритувининг босқичи, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бир қисми ҳисобланишини айтадилар.⁷

Ижро иши юритуви нормалари тизимининг фуқаролик процессидан алоҳида ҳуқуқнинг мустақил соҳаси эканлигини биринчилардан асослантирган олим профессор М.К.Юков ҳисобланиб, у ижро иши юритиш фуқаролик процессуал ҳуқуқининг мантиқий давоми эмас, аксинча ижро иши юритиш давомида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқнинг мураккаб соҳаси деган хулосага келади.⁸ Ушбу ёндашувни Н.А.Панкратова асарларида ҳам кўриш мумкин.⁹

Профессор З.Эсанованинг фикрига кўра, аксарият илмий ишланмаларда ижро иши юритуви босқичи фуқаролик процессуал ҳуқуқи предмети доирасида ўрганиладиган, фуқаролик процессининг зарурий босқичларидан бири сифатида кўрсатилади. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида алоҳида

боб сифатида ижро масалалари ёритилган. “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” мазмунини ифодаладиган қатор ўқув ва илмий адабиётларда ижро иши юритуви босқичи ва унда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар махсус тавсифланади.¹⁰

Профессор Ш.Шорахметов “Одил судловни амалга ошириш мақсадида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини қўриқлаш мақсадида чиқарилган қарорларнинг ижроси фуқаролик процессининг якунловчи босқичи” эканини таъкидлайди.¹¹

Бу борада профессор М.К.Ўразалиевнинг фикрига кўра, яқин кунларгача ҳуқуқ назариясида ижро иши юритувига фуқаролик процессининг, фуқаролик суд ишларини юритишнинг якуний босқичи сифатида қараб келинган. Ижро иши юритиш – республикамизда ҳуқуқ тизимидаги ривожланиб келаётган ва бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.¹²

Мазкур мавзуга доир тадқиқот ишларини олиб борган олим Ю.М.Ходжиевнинг фикрича, суд қарорларини ижро этиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар муайян ўзига хос хусусиятларга эга бўлсада, улар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларидан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги сабабли ижро иши юритишда юзага келувчи муносабатлар ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил предметини ташкил этмайди, шу сабабли улар ижро ҳуқуқининг мустақил тармоғи пайдо бўлганлигини асослай олмайди. Суд қарорларини ижро этиш – фуқаролик процессининг якуний босқичи бўлиб, унда судлар томонидан чиқарилган ундирув тўғрисидаги қарорлар мажбурий ижро этилади.¹³

Бундан ташқари, бир қатор муаллифлар ижро

4 С.Б.Холбаев Ўзбекистонда суд қарорларини ижроси бидан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид айрим масалалар // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир Е.В.Колленко Т.:2020 Б.94.

5 Юков М.К. Теоретические проблемы системы гражданского процессуального права: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Свердловск, 1982. С.15-17. Подробно о различных взглядах на место исполнительного производства в системе права см.: Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник учебник для вузов. СПб., 2010. С. 181-42.

6 Ярков В. В. Развитие гражданского исполнительного права России: краткий очерк // Университетські наукові записки. 2006. №1(17). С. 60; Исаенкова О.В. Проблемы исполнительного права в системе гражданской юрисдикции // Вестник Саратовской государственной академии права. 2000. № 1. С. 68. Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник для вузов. С. 18-42; Сущность и содержание исполнительного производства по российскому законодательству // Законы России: опыт, анализ, практика. 2013. №5. С. 13-17.

7 Чечина Н.А. Избранные труды по гражданскому процессу. СПб., 2004. С. 50-51; Гражданский процесс: учебник / под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. М. 2001. С. 432 (автор раздела – С.)

8 Юков М. К. Самостоятельность норм, регулирующих исполнительное производство // Проблемы совершенствования ГПК РСФСР. Свердловск, 1975. С. 91-97.

9 Панкратова Н. А. К вопросу об исполнительном праве // Теоретические и прикладные проблемы реформы гражданской юрисдикции. Межвузовский сборник научных трудов. Екатеринбург, 1998. С. 195-206.

10 З.Эсанова Ижро иши юритуви иштирокчилари: назарий қоидалар ва таҳлилий натижалар // Review of law sciences (2020) 33-38// file:///C:/Users/admin/Downloads/uchastniki-ispolnitelnogo-proizvodstva-teoreticheskie-pravila-i-analiticheskie-rezultaty.pdf//19.12.2023

11 Батафсилроқ қаранг: Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 2001. 396-б.; Ш.Ш.Шорахметов Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. Т.:ТДЮИ, нашриёти, 2010. Б.922

12 М.Ўразалиев Ижро иши юритиш. Ўқув қўлланма. Т.ТДЮУ, 2011. Б.5.; М.Қ.Ўразалиев Ижро иши юритиш. Дарслик. Т.:ТДЮУ, 2019 Б.

13 Ходжиев Ю.М. Суд қарорларини мажбурий ижро этиш шартлари ва тартиби. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореферат. – Тошкент, “Akadem-Xizmat”. 2008, 7-8 б



иши юритуви мансабдор шахс – суд ижрочиларининг фаолиятдан иборат экани сабабли уни маъмурий ҳуқуқ ва маъмурий процесс билан боғлайди¹⁴.

Бу борада профессор У.А.Тухташованинг фикрларига кўра, ижро иши юритиш фуқаролик, хўжалик (иқтисодий) ёки маъмурий процесснинг босқичи бўлиши мумкин эмас.¹⁵

Бизнинг фикримизча, бу борада профессор У.А.Тухташеванинг фикрлари асосли бўлиб, юқоридаги қараш нафақат миллий қонунчилигимиз балки бу соҳадаги ҳорижий мамлакатлар қонунчилигига ҳам мувофиқ келмайди. Чунки, Ўзбекистон Республикасида давлат ижрочисининг фаолияти фақатгина маъмурий қарорлар қабул қилишдан иборат эмас. Мансабдор шахс сифатида унинг маъмурий жазо қўллаш ваколати унинг умумий ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми ҳолос. Бошқача қилиб айтганда, давлат ижрочисининг аксарият процессуал ҳаракатлари ижро ҳужжатида белгилаб берилган вазифани ижро қилишга мажбур бўлиб, ижро ҳужжатини муҳокама қилишга ваколатли эмас.

Одатда биринчи қараш тарафдорлари ижро иши юритувини фуқаролик процессидан ажратган ҳолда:

ижро иши юритувини суд эмас, суд ижрочиси амалга ошириши;

қонунда белгиланган тартибда улар нафақат суд ҳужжатларининг, балки бошқа ваколатли органлар ҳужжатларини ҳам ижросини таъминлаши;

ижро иши юритувини ҳуқуқнинг мустақил йўналиши сифатида ҳуқуқий бошқарувнинг алоҳида предмети ва методи, ўз мақсади, вазифалари ва принципларига эгаллиги билан изоҳлайдилар.

О.В.Исаенкованинг фикрига кўра, ижро иши ҳуқуқи ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи сифатида изоҳланиб, ўз тарихий келиб чиқишининг барча аломатларига (ҳуқуқий бошқарувнинг ўз предмети ва методи, норматив базаси, принциплари, маҳсус субъектлари доираси, жавобгарликнинг ўзига ҳослиги) эга эканини ва ушбу аломатлар хусусиятларига кўра рус ҳуқуқшунослигининг бошқа тар-

моқларидан ажралиб туришини тан олиш лозим¹⁶.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларига ажратишдаги муаммо назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Қоида тариқасида, ҳуқуқ соҳаларини тоифаларга ажратишда тартибга солишнинг предмети ва усулини умумий мезон сифатида олиш таклиф этилади.

Ҳуқуқни мустақил тармоқларга ажратишда унинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети деганда ҳуқуқ нормаларининг ўзига ҳослигига кўра улар ўртасидаги муҳим боғлиқликдан иборат бўлган жамиятдаги муносабатларнинг муайян доираси тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи билан ҳуқуқий тартибга солинадиган жамиятдаги муносабатлардир. Ҳуқуқий тартибга солишнинг ушбу умумий тушунчасига кўра ижро иши юритувининг предмети (ижро иши юритиш ҳуқуқи) ижро иши юритуви доирасида суд ижрочисининг мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишда мужассамлашадиган, жамиятдаги процессуал характерга эга бўлган муносабатлардан иборатдир (процессуал ҳуқуқий муносабатлар).¹⁷

Профессор У.А.Тухташева ижро ҳуқуқнинг ҳуқуқий тартибга солиш предметини суд ижрочисининг (давлат ижрочиси) ижро иши юритишдаги мажбурий ижро фаолияти туфайли вужудга келадиган процессуал муносабатлар ташкил этади деб қайд этади.¹⁸

Н.В. Трошина ижро ишларини юритиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети юрисдикция органларининг ҳужжатларини ижро етиш билан боғлиқ муносабатлардир деб қайд этади.¹⁹

Ижро иши юритиш ҳуқуқи ижро иши юритуви жараёнида шахснинг ҳуқуқи ёки қонун билан кўриқланадиган манфаати қарздор томонидан бузилган ёки тортишилгани ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланганда давлатнинг мажбурлов механизми орқали ўзининг қонуний ечимини топишида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади²⁰.

14 Бахрах Д.Н. Административно-процессуальная деятельность государственной администрации // Административное право и процесс. 2009. № 3. С. 2-6; Семенова С.И., Нестолый В.Г. Отраслевая принадлежность исполнительного производства // Исполнительное право. 2012. № 3 С. 31-36.

15 Батафсилроқ қаранг: У.А.Тухташева Ижро иши юритиш. Дарслик. Т.:2010, Б.6

16 Исаенкова О.В. Проблемы исполнительного права в гражданской юрисдикции: авто-реф. Дис. ... д-ра юрид. наук. Саратов, 2003. С. 10.

17 Гурее В.А., Гушин В.В. Исполнительное производство: учебник для магистров С. 22-23; Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник для вузов. СПб., 2010. С. 48.

18 У.А.Тухташева Ижро иши юритиш. Дарслик. ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоевнинг таҳрири остида. Т.:2009. Б.12

19 Трошина Наталья Викторовна Организационные и правовые основы прокурорского надзора за исполнением законов судебными приставами–исполнителями Специальность: 12.00.11 – «Судебная деятельность, прокурорская деятельность, правозащитная и правоохранительная деятельность» Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М. 2019 С.20

20 Исаенкова О.В. Исполнительное производство: краткий курс и практикум для студентов и судебных приставов-исполнителей. Са-



Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида айнан ушбу муносабатларни тартибга солишда давлат ижрочиси эга бўлган ҳуқуқ ва ваколатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бирор бир давлат органи ходимига берилмаганлиги мазкур соҳанинг ўзига ҳослигини кўрсатиб, бу борада ушбу олимнинг қараши асосли эканини тан олишимиз лозим.

Ҳуқуқий тартибга солиш методи деганда, умумий ҳуқуқ назариясида кўпинча ҳуқуқий усуллар ва воситалар йиғиндиси тушунилиб, унинг ёрдамида жамиятдаги муносабатларнинг муайян гуруҳига ҳуқуқий таъсир кўрсатилади. Ижро иши юритувида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш методи, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “императивлик (қатъий (ўзгармас) қоида) ва диспозитивлик (ўзгарувчанлик)нинг уйғунлиги сифатида тавсифланади”²¹.

Таъкидлаганимиздек, ижро иши юритуви узок йиллар давомида фан ва қонунчиликда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бир қисми бўлиб келган. Назарий жиҳатдан ижро иши юритувини фуқаролик процессуал ҳуқуқидан “ажратиб” чиқариш, ижро иши юритуви билан боғлиқ қонунчиликни янада ривожланиши ҳамда унинг алоҳида принциплари шаклланиши пайдо бўлишига имкон беради. Мисол учун, ижро иши юритувида ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида қараш тарафдорлари ундирувчининг ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги устуворлик, ижро иши юритувининг муҳокама қилинмаслик жиҳати каби ижро иши юритувининг қатор махсус принциплари мавжудлигини тан оладилар²².

Шу тариқа, ижро иши юритувида қарздорнинг мулкий ҳарактерга эга бўлмаган ҳуқуқларини чеклаш каби таъсир ўтказишнинг янги ҳуқуқий механизмларини қўллаш жараёнида фуқаролик процессининг тарафлар тенг ҳуқуқлилиги, диспозитивлик ва тортишувчанлик каби анъанавий принципларига расман эҳтиёж қолмади. Ҳар қандай ноанъанавий ҳуқуқий чоралар ижро иши юритувининг “мустақиллиги”ни ифодалайди.

Бундан ташқари, ижро ишини юритиш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий тартибда суд ишларини юритишнинг таркибий қисми эмас балки, алоҳи-

да мустақил ҳуқуқий институт эканлиги мазкур муносабатлар алоҳида қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солиниши ҳам фикримизнинг исботи бўлади.

Шу билан бир қаторда фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва ижро иши юритишда тарафлар ҳам ўзаро фарқланади. Фуқаролик процессида тарафлар даъвогар ва жавобгар бир қатор диспозитив ҳуқуқ ва процессуал мажбуриятларга эга. Булар ичида энг муҳими даъвогар томонидан билдирилган даъво талабларини исботлаш унинг мажбурияти эканлиги ва тегишлича жавобгар даъвога қарши билдирган эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлигидир. Ижро иши юритишда исботлаш мажбуриятлари мавжуд эмас, ундирувчи ва қарздор бутунлай бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.²³

Қолаверса, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципига мувофиқ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш суд ҳокимиятининг эмас, балки ижро ҳокимиятининг вазифасидир.

Юқоридагиларга асосан ижро иши юритувининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ҳамда унинг ўзига ҳос принципларини инобатга олган ҳолда қонунчиликда ижро иши ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади деган хулосага келдик.

Профессор М.Ўразалиев “Мажбурий ижро фаолияти” йўналиши бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши ўз навбатида мажбурий ижро тизими учун малакали мутахассислар тайёрлашга муайян даражада хизмат қилиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини оширади деб қайд этади.²⁴

Миллий қонунчилигимизда ижро иши ҳуқуқига ҳуқуқнинг алоҳида мустақил тармоғи сифатида қаралиши ҳамда уни олий таълим муассасаларида алоҳида ҳуқуқ фани сифатида чуқур ўрганилиши унинг жозибдорлигини ошириб, соҳа бўйича олий маълумотга эга мутахассис кадрлар тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.

ратов, 2009. С. 10.

21 Гурее В.А., Гушин В.В. Исполнительное производство: учебник для магистров С. 24-25; Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник для вузов. С. 48; Исаенкова О.В. Проблемы исполнительного права в гражданской юрисдикции: автореф. дис. ... д-ра юрид. Наук. С. 10.

22 Ярков В.В. Некоторые принципы гражданского исполнительного права (в связи с постановлением Конституционного Суда России от 12.07.2007 № 10-П и новым Федеральным законом «Об исполнительном производстве») // Исполнительное производство: процессуальная природа и цивилистические основы: сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции / отв. Д.Х.Валеев, М.Ю.Челышев. М., 2009. С. 202.

23 У.А.Тухташева Ижро иши юритиш. Дарслик. Т.:2010, Б.7-8

24 М.Ўразалиев Мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш - суд-ҳуқуқ соҳасидаги устувор вазифа// Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue - 2, №01 (2021) / ISSN 2181-1415



МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада меҳнат органларида содир этиладиган коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда прокуратура органларининг тутган ўрни ва уни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади.

ABSTRACT. This article analyzes the role of the prosecutor's office in the fight against corruption offenses committed in labor bodies and the issues of its improvement.

АННОТАЦИЯ. В данной статье анализируется роль прокуратуры в борьбе с коррупционными правонарушениями, совершаемыми в органах труда, и вопросы ее совершенствования.

Калит сўзлар: коррупция, меҳнат органлари, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, прокуратура, прокурор назорати

Key words: corruption, labor authorities, corrupt offenses, prosecutor's office, prosecutorial supervision

Ключевые слова: коррупция, трудовые органы, коррупционные правонарушения, прокуратура, прокурорский надзор.

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Қонунларга риоя қилиш ва адолатни таъминлаш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз муносабатда бўлинадиганига қарамай, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиб келинмоқда. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам аниқланмаганлиги сабабли, айрим коррупциявий ҳуқуқбузарликлар жазосиз қолмоқда.

Мақоланинг долзарблиги коррупциянинг мамлакатнинг миллий хавфсизлигига ҳақиқий таҳдид солувчи салбий оқибатларни юзага келтирадиган тенденцияларни келтириб чиқариши ва шунингдек, энг аввало давлат амалдорларининг асосий қисми тўпланган давлат фуқаролик хизматида ушбу ҳодисанинг олдини олиш кераклиги билан белгиланади.

Коррупция шундай ижтимоий ҳодисаки, у ҳокимиятнинг емирилишига олиб келади. Занг металлни емирганидек, коррупция ҳам давлат аппарати емиради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар деярли барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини қамраб олган. Transparency International нодавлат ташкилотининг эксперт баҳосига кўра халқаро коррупция рейтингда, Ўзбекистон 2022 йилда 180 та мамлакат ичидан коррупцияни тушуниш ва англаш бўйича 126-ўринни қайд этган¹. Коррупциянинг аслида нима эканлигини тушуниб етмаслик эса, унга

қарши курашиш ва коррупция илдизларига “болта уриш”ни жуда қийинлаштиради ва мамлакатга бундан жуда катта зарар етади.

Коррупция тушунчаси оддий порахўрликдан тушунчасидан анча кенроқдир. Коррупция - бу ҳокимиятнинг парчаланишидан иборат бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб, давлат функцияларини бажаришга ваколатли давлат хизматчилари ўзларининг расмий мавқеи ва ваколатларидан шахсий бойиш ёки алоҳида гуруҳ манфаатлари учун худбин мақсадларда фойдаланишидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунига кўра, “коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”дир.

Амалдорлар томонидан содир қилинадиган коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг замонавий турлари оддий порахўрликдан доирасидан анча кенг. Улар жинсий лоббизм, мансабдор шахсларнинг ёлланма тил бириктириши, давлат бюджети маблағларини талон-тарож қилиш кўринишида намоён бўлмоқда. Коррупция фаолиятини амалга оширишда турли механизмлар қўлланилиб, улар сиёсий, ижтимоий, иқтисодий (порахўрлик, моддий манфаат ва бошқалар.), шантаж ва таҳдид механизмлари ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар бўлиб, улар биргаликда мураккаб тизимни ташкил қилади. Ҳозирги кунда коррупция трансмиллийлиги ва изчиллиги билан

1 <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

ажралиб туради. Коррупция чегараларни билмайди. Коррупциянинг кўлами бугунги кунда халқаро даражага етди ва у инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидаги коррупция муаммоси бугунги кунда глобал ва тизимли характер касб этмоқда. Бундан ташқари, замонавий даврда коррупция ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, шунингдек, давлат ҳуқуқий ислохотлари учун енгиб бўлмайдиган тўсиқларни юзага келтирмоқда. Коррупциянинг оқибатлари мамлакатимизнинг деярли ҳар бир фуқароси ҳаётига бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Ҳокимият ва бошқарувдаги ушбу салбий ҳодиса натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг иқтисодий ўсиши ва инновацион ривожланишини сезиларли даражада тўхтатадиган катта харажатларга дуч келмоқдалар.

Айтиб ўтганимиздек, коррупция давлат аппаратининг барча бўғинларига кириб борган бўлиб, ҳеч бир давлат бошқарув органи ўзини коррупциядан ҳоли деб, айтолмайди. Меҳнат органлари содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар фикримизга исбот бўлади. Аввало, меҳнат органлари деганда, қайси давлат органлари назарда тутилишини аниқлаб олиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (2023 йил 1 январдан бошлаб, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги), шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари” Ўзбекистон Республикасида меҳнат органлари ҳисобланади.

Кўриб турганимиздек, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги меҳнат соҳасида, аҳоли бандлиги соҳасида ваколатли давлат органи бўлиб, бу соҳада муҳим ваколатларга эга. Бу эса, ҳар бир инсоннинг муҳим конституциявий ҳуқуқи – тиричилигининг асосий манбаи бўлмиш меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини юритишини англатади. Бироқ, ушбу соҳада содир қилинаётган коррупция ҳолатлари эса, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу вазирлик тизимида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар қўйидаги кўринишларда намоён бўлаётганини таъкилдаш керак:

бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш борасида маблағларининг сарфлаш жараёнидаги талон-торожликлар;

меҳнат муассасалари моддий-техник базасини янгилаш мақсадида сотиб олинаётган маҳсулот-

ларни раҳбариятининг яқинлари ва қариндошлари томонидан асос солинган корхоналардан бир неча баробар қиммат нархларда харид қилиш, техник хизмат кўрсатишга белгиланганидан кўпроқ миқдорда маблағ ажратиш;

вазирликка ишга қабул қилиш ва меҳнат муносабатлари жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши;

тизимда раҳбар ходимларни танлаш ва жой - жойига қўйишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши;

кадрларни лавозимга тайинлаш, уларни ишдан бўшатиш, молиявий рағбатлантиришда коррупциявий ҳаракатларни содир этиш;

ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзоларини ишга жойлаштириш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши;

давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан текширишларда энгиллик қилиш мақсадида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши;

иш қидираётган шахсларга ишга жойлаштиришга доир йўлланма ва ишга жойлашишга мурожаатнома беришда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши;

ишсизлик нафақасини тайинлашда коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши;

кам таъминланган фуқароларга кредит ажратиш беришда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши;

жамоат ишларига жалб қилинмаган ишсиз фуқароларга тўланиши лозим бўлган бюджет маблағларини талон - тарож қилиш;

фирибгарлик ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этиш;

ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар бандлигини таъминлашда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши;

фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш жараёнида фирибгарлик қилиш;

кам таъминланган оилаларга ажратиладиган субсидия маблағларини ўзлаштириш;

касб - ҳунарга ўқитиш марказларига ўқишга қабул қилишда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар тайинланишида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва бошқа кўплаб коррупциявий ҳуқуқбузарликлар. Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг барчаси тўғридан тўғри мамлакат аҳолисининг меҳнат фаолияти ва кундалик турмуш даражасини ёмонлашувчига, фуқароларнинг давлатга ишончини йўқолишига ва энг ёмони, давлат қурилиши асосларига жиддий зарар етказди. Ушбу ҳолатлар коррупцияга қарши курашувчи давлат органларининг олдига ушбу коррупциявий ҳолатларни



бартараф этиш ва давлат органларининг адолатли фаолият юритишларини таъминлаш каби муҳим вазифани қўяди.

Ҳозирги вақтда давлат барча ҳуқуқий воситалар ва институтларни коррупцияга қарши курашишга қаратган бўлишига қарамасдан, мамлакат ҳаётига сезиларли салбий таъсирга эга бўлган коррупциявий жиноятларнинг содир этилишининг олди олинишига эришилгани йўқ. Хусусан, қуйида келтирилаётган маълумотдаги меҳнат органларидаги коррупциявий жиноятлар ҳам фикримизни тасдиқлайди:

2019-2020 йилларда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг тизимида ишловчи ходимларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилган жиноят ишлари таҳлил қилинди.

Аниқланишича, 2020 йилда бандлик тизимида ишловчи 60 (2019 йилда 56) нафар ходимларга нисбатан 41 (31) та қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноятга қўл урган ходимлар сони 2019 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсган.

Жиноят содир этган ходимларнинг мавқеи бўйича 1 (0) нафари республика ва 3 (0) нафари вилоят миқёсида ишлаётган ходимларга тўғри келса, 56 (56) нафари ёки жиноят йўлига кирганларнинг 93 фоизини туман (шаҳар) ишчи ходимлари ташкил этади.

Ходимлар томонидан содир этилган жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига жами 3,6 млрд. (1,6 млрд.) сўм моддий зарар етказилганлиги аниқланган.

Аммо шунга қарамасдан, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши давом этмоқда. 2019-2021-йилларда меҳнат органлари ва уларнинг тасарруфидаги ташкилотлардаги ходимларнинг 132 нафари коррупциявий жиноят содир этганлиги аниқланган. Хусусан, тизимдаги ходимларнинг 88 нафари мол-мулкни талон-тарож қилиш, 27 нафари ишга жойлаштириш, 10 нафари текширишда йенгиллик яратиш, 9 нафари нафақа тайинлаш, 7 нафари кредит ажратиб бериш, 2 нафари ўқишга киритиб қўйишда тама-гирлик қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Жумладан, мол-мулкни талон-тарож қилиш жиноятини содир қилган шахсларнинг 34 нафари мутахассис, 32 нафари туман (шаҳар) маркази раҳбари, 20 нафари ҳисобчи, 1 нафардан раҳбар ўринбосари ва туман касб-ўқитиш маркази раҳбари лавозимида ишлаган бўлиб, уларнинг 10 нафарини муқаддам коррупциявий жиноятлар учун судланган шахслар ташкил этиши ачинарли ҳолдир. Республика ва ҳудудий бошқарма ходимлари томонидан давлат бюджетининг талон-тарож қилиниши кўп кузатилади.

Бу эса барча давлат органларидан коррупцияга

қарши тизимли ва давомли курашишда ўзаро ҳамкорлик билан ҳаракат қилишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бевосита коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан шуғулланади. Прокуратура ушбу органлар орасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Қонституция ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро қилиниши устидан назорат қилиши билан коррупцияга қарши бевосита курашувчи муҳим давлат-ҳуқуқий институтларидан бири ҳисобланади.

Прокуратура – коррупцияга қарши қонунчиликнинг ижро этилишини, шунингдек давлат органлари ходимлари томонидан уларнинг хизмат вазифаларини бажариш чоғида қонунийликка амал қилинишини назорат қилувчи субъектдир. Прокуратура коррупция сабабларига ҳар томонлама таъсир кўрсатиши, тегишли соҳада бир қатор профилактика чораларини амалга ошириш мумкинлигини ҳисобга олиб, коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши билан унинг коррупцияга қарши кураш чораларидаги роли ортиб бормоқда.

Прокуратура коррупцияга қарши фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларига, коррупцияга қарши миллий қонунчиликка, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Ҳозирги вақтда прокуратуранинг коррупцияга қарши курашдаги роли сезиларли даражада ошди. Прокуратура органларининг бошқа давлат ҳокимияти органлари ва институтларисиз коррупцияга қарши курашишининг иложи йўқ. Албатта, ҳар қандай соҳада олдинга қўйилган мақсадларга биргаликда ҳаракат қилиш самарали натижалар беради. Прокуратуранинг фаолият йўналишлари кўплигига қарамасдан, прокурор назорати фаолияти улар орасида, айниқса муҳим ўрин эгаллайди. У прокуратуранинг асосий фаолияти бўлиб, прокуратура назорати орқали турли хил ҳуқуқбузарликлар аниқланади ва олдини олинади, агар асослар мавжуд бўлса, айбдор жисмоний ва юридик шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилади.

Прокурор назорати – прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аниқ ва бир хилда ижро қилиниши устидан давлат номидан амалга ошириладиган фаолият туридир. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро қилинмаслиги эса, нафақат давлат ҳокими-

ятини обрўсизлантиради, балки коррупция ва суиистеъмолчилик учун шароит яратади, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузади, давлат қурилиши асосларига дарз кеттиради»

Умуман олганда, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини тартибга солишда, аввало биз юқорида номларини келтирган коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солиш керак бўлади. Уларнинг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчиликка амал қилиниши масалаларидаги ўзаро ҳамкорлиги, давлат хизматчиларининг кирим-чиқимлари устидан назоратни қонунчилик даражасида тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Прокурор назоратининг вазифалари, бошқа нарсалар қатори, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, прокурор назоратининг барча даражаларида қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шартларини аниқлаш, шунингдек ноқонуний ҳодисаларни бартараф этиш учун прокурор ваколатларидан фойдаланиш, мамлакатнинг бутун ҳудудида конституцияни бир хилда ижро қилишни таъминлашни ўз ичига олади.

Юқорида кўриб чиққанамиздек, прокуратура органлари меҳнат органларида коррупциявий фаолиятни профилактика қилишда, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлашда ва бартараф этишда, шунингдек коррупциявий жиноятларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортишда муҳим давлат органи бўлса, прокурор назорати унинг асосий фаолият йўналишидир. Чунки, унинг ёрдами билан нафақат қонунларнинг ижро этилишига, балки ҳуқуқбузарликларни уларнинг шаклланиш босқи-

чида аниқлашга ҳам эришилади.

Қонунчиликка прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашишда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш ўринлидир:

1. Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш соҳасида прокурор назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек БМТ Конвенциясининг талабларидан келиб чиқиб, прокуратура органларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожланириш агентлиги томонидан ишдан бўшатиш кўринишидаги жазо олган шахсларнинг реестрини юритиш устидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқи берилиши керак.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига коррупцияга қарши қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича бўлим қўшиш керак ва бу прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ ваколатларни белгилаб беради.

3. Шунингдек, прокуратура органларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ваколати берилиши керак.

Ушбу таклифлар меҳнат органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат органлари тизимининг коррупциядан холи бўлиши эса, ушбу тизимнинг самарали фаолият кўрсатишига ва натижада, фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлмиш меҳнат қилиш ва меҳнатсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари таъминланади, бузилган ҳуқуқлари адолатли ва қонуний тикланади.

#



ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИГАТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада фирибгарлик жиноятининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар, жабрланувчиларнинг фирибгарлар алдовларидан қонуний йўл билан ҳимоя қилиш чоралари ва жазо турлари бўйича илмий ёндашувлар келтирилган ва шу каби жиноятларнинг олдини олиш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье представлены научные подходы к факторам, обуславливающим возникновение преступления мошенничества, мерам правовой защиты потерпевших от обманов мошенников и видам наказаний, а также даны выводы и предложения по профилактике таких преступлений.

ABSTRACT. This article presents scientific approaches to the factors that cause the origin of the crime of fraud, legal protection measures of victims from fraudsters' deceptions and types of punishments, and gives conclusions and suggestions for the prevention of such crimes.

Калит сўзлар: Фирибгарлик, фирибгарликнинг объекти ва предмети, алдаш, ишончни суистеъмол қилиш.

Ключевые слова: Мошенничество, объект и субъект мошенничества, обман, злоупотребление доверием.

Key words: Fraud, object and subject of fraud, deception, abuse of trust.

Ўзбекистон мустақил, суверен давлат сифатида шаклланиб, ривожланиб борар экан, бунда юксак натижаларга эришишимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишининг олдини олиш каби вазифалар бугунги кундаги давлат дастурининг асосий йўналишларидан бирига айланган.

Конституциямизнинг 54-моддасига мувофиқ мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли. Шунинг учун мулккий ҳуқуқни амалга оширишга ҳар қандай ноқонуний аралашуш ушбу ҳуқуқнинг жиддий бузилишига сабаб бўлади ва жиноий жавобгарликни тақозо этади.

Қабул қилинган қонунлар билан фирибгарлик жиноятлари учун жазонинг содир қилинган жиноятга мутаносиблигини таъминлашга, бундай қилмишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги оширилди. Жумладан, фирибгарлик жиноятини содир қилганлик учун максимал жазо муддати кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддасига мувофиқ, Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш уч йилгача, анча миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир

этилган бўлса уч йилдан беш йилгача, кўп миқдорда, такроран ёки хавfli ресидивист томонидан содир этилган бўлса беш йилдан саккиз йилгача, жуда кўп миқдорда, ўта хавfli ресидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади¹ Жиноятнинг бевосита объекти — ўзганинг мулки ёки мулккий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

Фирибгарликнинг предмети мулкдан ташқари юридик категория сифатида ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ, мулкка бўлган алоҳида ваколатлар (масалан, айбдор уйда яшаш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин) ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар турли хил ҳужжатларда, масалан, васиятнома, суғурта полиси, муайян бойликларни олиш учун ишончнома, турли хил қимматли қоғозларда мустаҳкамланган бўлиши мумкин.

Обектив томондан фирибгарлик алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулккий ҳуқуқини эгаллашдан иборат. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни «ихтиёрий» равишда бериш ёки бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёхуд мулккий ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради. Шу усулда жабрланувчининг онги ва ихтиёрига таъсир этиш ёки

унинг ишончини суистеъмол қилиш орқали фирибгар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказиш мақсадига эришади. Бу ерда алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш талон-торож қилишнинг зарурий усули сифатида гавдаланади.

Алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан беришига эришиш мақсадида, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни хабар қилиш тушунилади.

Алдаш биринчи навбатда шахснинг онгли равишда ўзгага нотўғри маълумотларни тарқатишида ифодаланади. Алдаш фирибгарлик билан талон-торож қилиш усули сифатида айбдорнинг ҳақиқий мақсадларига (масалан, мулкни қайтариб бермаслик мақсадида қарзга олиш); предметга, унинг нархи, миқдори ва сифатига (рангли металллардан фойдаланган ҳолда тилла буюмлар сифатида ҳар хил нарсалар ишлаб чиқариш, тўлиқ бўлмаган товарни тўлиқ нархида сотиш) тааллуқли бўлиши мумкин. Алдаш, шунингдек, фирибгарнинг шахси, унинг мансаби ва ижтимоий мавқеи, касбига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, шахс ўзини солиқ инспекцияси ходими сифатида таништиради ва солиқ тўловлари сифатида пул маблағларини олади).

Айбдор фирибгарликни содир этишда сохта ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва у ЖК 209-моддаси (Мансаб сохтакорлиги) ёки 228-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Бироқ, фирибгарлик ҳаракатларини содир этиш мақсадида айбдор шахснинг ўзи ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрласа, уларни қалбакилаштирса, унинг қилмишлари жиноятлар жами бўйича Жиноят кодексининг 168 ва 228-моддалари (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан квалификация қилиниши лозим. Шунга эътибор бериш лозимки, агар сохта ҳужжат (қасаллик варақаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, маълумотнома ва ҳоказо) фирибгар томонидан тайёрланмаган бўлиб, у бошқа шахс томонидан тайёрланиб, ушбу шахс ҳужжатдан талон-торож қилишда фойдаланишини билган бўлса, унда бу шахс нафақат ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун, балки фирибгарлик орқали талон-торож қилишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади.

Фирибгарлик ҳаракатларини содир этишда айбдор ўзини бошқа шахс сифатида (давлат ҳокимият органи расмий вакили кийимини кийиш ёки ҳо-

кимият вакилининг гувоҳномасини қалбакилаштириш) намоён қилиш орқали ўзганинг мулкни қўлга киритиши мумкин.

Ишончни суистеъмол қилиш деганда айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкни қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мулк эгаси ёхуд мулк эгалиги ихтиёрида турган шахс ўртасидаги алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга хилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланиши тушунилиши лозим. Одатда, ишончга асосланган муносабатлар фирибгар ва жабрланувчи шахс ўртасида прокат, ижара, олди-сотди, топшириқ шартномаси ва ҳ.к.ларда вужудга келиши мумкин. Фирибгар ниятига эришиш учун хизмат, қариндошчилик, дўстлик муносабатларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади.

Агар шахс алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ақли норасо шахснинг ёхуд ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатларнинг хусусиятини тушунмайдиган ёш боланинг мулкни қўлга киритиб олса, айбдор фирибгарлик учун эмас, балки ўғрилиқ учун жинорий жавобгарликка тортилиши керак.

Субектив томондан фирибгарлик тўғри қасддан ғараз мақсадда содир этилади, ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг «ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида «айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб этиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда кичиклар, руҳий жиҳатдан ақли норасолар, алкоғолдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкни ўғирлаш ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш деб тавсифланиши керак»^{2]}

Айбдор ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида жабрланувчини чалғитаётганлигини ёки била туриб ишончини суистеъмол қилаётганлигини англаб этади ва бунинг содир этилишини хоҳлайди. Шунингдек, ушбу жинорий қилмишни айбдор мулкий фойда олиш ва бойиб кетиш мақсадида содир этади, ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий аломати ҳисобланади, шу билан бирга, агар мулкни алдаш йўли билан ғаразли мақсадларсиз эгаллаган бўлса (масалан, бошқа шахснинг номидан ойлик иш ҳақини унга бериб қўйиш мақсадида олиш), қилмиш-

2 [Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди



ни фирибгарлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

«Бу ўринда ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсади нафақат мулкый битимларни амалга оширишдан олдин, балки уларни бажариш жараёнида ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги эътиборга олинаши лозим. Баён қилинганлардан келиб чиқиб, узрли сабабларга кўра қарзни ўз вақтида қайтармаган ва ўзганинг мулкни текинга қўлга киритиш мақсади бўлмаган шахснинг ҳаракатини фирибгарлик деб баҳолаб бўлмайди»³.

Фирибгарлик жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўла олади.

Суд-тергов амалиётида фирибгарликни ўғирликдан фарқлашда айрим қийинчиликлар мавжуд. Фирибгарликни содир этишда алдаш ёки ишонччи сусистемол қилиш ўзганинг мулкни қўлга киритиш усули бўлиб хизмат қилади, ўғирлик содир этишда алдашни қўллаш ўғирланадиган нарсани қўлга туширишни енгиллаштириш воситаси ҳисобланади. Фирибгарлик содир этилганда жабрланувчи шахс мулкни ёки мулкый ҳуқуқни фирибгарга ўз ихтиёри билан топширади, ўғирликда эса айбдор шахс уни мулк эгасининг ёки мулк кимнинг ихтиёрида турган бўлса, ўша шахснинг рухсатисиз яширин равишда талон-торож қилади. Фақат ўзганинг мулकिгина ўғирлик предмети бўлиши мумкин, фирибгарлик предмети эса ўзганинг мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқ ҳам бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмида фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

- а) анча миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

- а) кўп миқдорда;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса.

Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаат-

ларини кўзлаб содир этилган бўлса.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, агар айбланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди. Жиноят кодексига моддий зарар қанча миқдорда қопланиши лозимлиги кўрсатилмаган, бироқ моҳиятидан моддий зарар тўла ҳажмда қопланиши келиб чиқади.

Кейинги пайтларда аҳоли ўртасида турли фирибгарлик ҳолатлари кўп учрамоқда. Бундай фирибгарликлар нафақат шахс моддий қимматликларига, балки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда эркинликларининг поймол бўлишига олиб келмоқда.

Фирибгарликка қарши курашда барчамиз эга бўлган энг катта қурол бу билимдир.

Ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали услуби бу жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади. Оҳирги йилларда фирибгарлик жиноятининг ортиб, турли кўринишга эга бўлаётганлиги кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Маълумки фирибгарлик жиноятларини содир этиш сабабларини аниқлаб, унга имкон бераган шарт-шароитларни ўрганиб, жиноятнинг олдини олишда ички ишлар органлари билан бирга барча жамоатчилик ташкилотлари ҳам бирдек маъсулдир.

Ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали услуби бу жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади. Оҳирги йилларда фирибгарлик жиноятининг ортиб, турли кўринишга эга бўлаётганлиги кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Маълумки фирибгарлик жиноятларини содир этиш сабабларини аниқлаб, унга имкон бераган шарт-шароитларни ўрганиб, жиноятнинг олдини олишда Миллий гвардия, Ички ишлар органлари билан бирга барча жамоатчилик ташкилотлари ҳам бирдек маъсулдир.

Келгусида ушбу турдаги жиноятни олдини олиш мақсадида барча давлат органлари вакиллари билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳудудлардаги профилактика инспекторлари томонидан, маъмурий ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар, таълим муассасаларида, аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш бўйича тарғибот – ташвиқот ишларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

#

Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006, 1-жилд. — Т.: «Ўқитувчи» НМИУ, 2007. — 221-б.

3 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2002 йил 25 октябрдаги 28-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 1-жилд. — 119-б.

Муродулло АБДУХАКИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи,
юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ОБЪЕКТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада ерга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

АННОТАЦИЯ. в статье рассматриваются вопросы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законодательства о земле.

ABSTRACT. The article discusses the issues of improving the prosecutor's supervision over the implementation of land legislation.

Калит сўзлар: прокурор назорати, ерга оид қонунчилик, назорат объекти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти

Ключевые слова: прокурорский надзор, земельное законодательство, объект надзора, правоприменительная практика

Key words: prosecutor's supervision, land legislation, object of supervision, law enforcement practice

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати-нинг объекти ва унинг доирасига оид илмий-назарий масалалар мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирда ер қонунчилигининг ба-жарилишини назорат қилиш прокура-тура фаолияти-нинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу ернинг ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ эканлиги ҳамда унинг инсоният ҳаёти ва фаолиятидаги ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим объекти эканлиги билан изоҳланади. Бинобарин, ер қишлоқ ва ўрмон хўжалиги учун алмаштириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш воситалари, барча кўчар ва кўчмас мулкнинг ҳудудий асо-си ҳисобланади. Ер атроф-муҳитнинг асосий компо-ненти сифатида энг муҳим экологик функцияларни бажаради. Бу эса ерга оид муносабатларда қонуний-ликни таъминлаш ва ушбу муносабат субъектлари-нинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришни тақозо этади.

Дунё ер фондининг (13,4 млрд. гектар) бор - йўғи фоизи 11 фоизи суғориладиган ва 26 фоизи ўтлоқ ва яйловлардан иборат бўлиб,¹ ушбу ер майдонларида инсониятнинг яшаши ва умр кечириётганлиги ҳамда ер аҳолисининг қарийб ярмидан кўпи айнан ушбу ерларда меҳнат қилиб, маҳсулот етиштиришини инобатга оладиган бўлсак, ҳар бир давлатда ерлардан оқило-на ва самарали фойдаланиш, уни келажак авлод учун муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифа-ларга ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши оқибатида сўнгги 15 йилда аҳоли жон бошига суғориладиган ер майдони 23 сотихдан 16 сотихга ёки 24 фоизга камайган. Бугунги кунда, янги Ўзбекистонни қуриш йўлида амалга ошири-лаётган ислохотлар жараёнида, ер майдонларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона ва қонунда бел-гиланган тартибда фойдаланилишини таъминлаш борасида прокуратура органларининг роли ошиб бормоқда.

Маълумки, ер қонунчилигига кўра, ерга оид ижтимоий муносабат-ларнинг объекти Ер кодексининг 8-моддасида қайд этилган 8 та тоифадаги ерлар ҳисобланади.² Бугунги кунда, мамлакатимизнинг умумий ер майдони 44 млн. 892,4 минг гектарни ташкил этиб, шундан, 27,1 млн. гектари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, 224,1 минг гектари аҳоли пунктлари, 879,6 минг гектари саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган, 731,6 минг гектари табиатни муҳофаза қилиш, соғломлашти-риш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, 14,6 минг гектари тарихий-маданий аҳамиятга мо-лик бўлган, 12,6 млн. гектари ўрмон фонди, 827,1 минг гектари сув фонди ҳамда 9,6 минг гектари захира ерлардан иборатдир.³ Шу ўринда, ер қонунчилигида захира ерларидан фойдаланиш борасида ҳам жид-дий муаммолар мавжудлигига ҳам тўхталиб ўтиш

1 Митрофанова И.Б. Земельные, водные, лесные и рекреационные ресурсы мира // Журнал "Мировое и национальное хозяйство" (WorldandNationalEconomy). ISSN 2713-0983. № 3(52), 2020.

2 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // <https://lex.uz/acts/152653>

3 Статистик маълумотлар // Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. Кадастр агентлиги. 2022. – 6 б.



жоиздир. Чунки, соҳада прокурор назорати самарадорлиги ер фондининг тақсимланиши ҳамда ундан фойдаланишга қаратилган қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланишига боғлиқ.

Амалдаги Ер кодексида эгасиз қолган қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмаганлиги боис, мазкур Кодекснинг 78-моддасидаги захира ерлар тушунчаси билан чалкаштириш ҳолатлари мавжуд. Амалиётда, қишлоқ тадбиркорлик субъектларидан олиб қўйилган қишлоқ хўжалиги ерлари захира ерлар тоифасига кирмаганлиги боис, ҳисоби юритилмасдан қолмоқда. Масалан, Бош прокуратуранинг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлан-тиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси маълумотларига кўра, 2015 - 2022 йилларда туман ҳокимининг қарорларига асосан захирага олинган 2 445 гектар ер майдонлари ҳокимлик захирасида сақланаётган бўлса-да, бироқ ушбу ерлар туманнинг захира ерлар ҳисоботида киритилмаган.⁴ Бунинг оқибатида, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ва ноқонуний қурилиш қилиш ҳолатларига йўл қўйилиб, аксарият унумдор ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмоқда.

Хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаси ўрганилганида, Россия Федерацияси Ер кодекси 80-моддаси⁵, Беларусь Республикаси Ер кодекси 9-моддасида⁶ турли сабабларга кўра, эгасиз қолиб, ҳокимият эгаллигига ўтган (давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилган ерлардан ташқари) қишлоқ хўжалиги ерлари “қайта тақсимланадиган ер фонди” сифатида алоҳида тоифаланган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ҳам янги “қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қайта тақсимланадиган ерлар” деб номланган 581-модда билан тўлдирилиши, бундай ерлар тоифасига қишлоқ хўжалиги ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши муносабати билан жисмоний ва юридик шахслардан туман (шаҳар) ҳокимлиги ихтиёрига вақтинча қайтариб олинган вақтинча (қайта танлов ўтказилгунга қадар) фойдаланилмай турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар кириши қатъий белгиланиши таклиф этилади. Бу эса ўз навбатида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг объектини тўғри белгилаш ва

ушбу йўналишда ҳам прокурор назоратини амалга ошириш имконини беради.

Юридик адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларида прокурор назорати объекти ҳақида сўз юритган ҳуқуқшунос олимлар ўртасида кўплаб баҳс-мунозаралар юритиб келинади. Хорижий олимлардан, В.Бессарабов, А.Винокуров ва О.Калугиналар ўз илмий қарашларида прокурор назорати остидаги органлар, мансабдор ва бошқа шахслар прокурор назорати объекти деб ҳисоблашларини баён қилишган. В.Бессарабовнинг фикрига кўра, “прокурор назоратининг объекти - прокурорнинг назорати доирасига кирган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга масъул органлар, ташкилотлар, мансабдор ва бошқа шахслар мажмуидир”⁷, деб фикр билдирган. А.Винокуров⁸ ва О.Калугина⁹лар Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасида кўрсатилган, яъни “федерал вазирликлар, давлат қўмиталари, хизматлар ва бошқа ижро ҳокимияти федерал органлари”дан ташқари, “Россия Федерацияси ҳукумати таркибига кирган барча федерал ижро этувчи органлар” ҳам прокурор назоратининг объекти ҳисобланиши лозимлиги ҳақида фикр билдиришган.

Бироқ, мамлакатимизда прокурор назорати объектлари бўйича махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги ушбу масалани тадқиқ этишни бир мунча мураккаб эканлигини кўрсатади. Прокурор назорати объектлари масаласи асосан дарсликларда ёритиб келинган. Хусусан, профессор Б.Х.Пўлатов прокурор назоратининг объекти ҳақида сўз юритиб, демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратнинг объекти ҳисобланишини қайд этади.¹⁰ Шунингдек, олим прокурор фақат қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишини таъкидлаган ҳолда қонунлар ижроси устидан назорат объектлари рўйхатига Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорлари киритилмаганлигини, бироқ, ҳар қандай қонун бузилиши, у ким томонидан бузил-

4 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 15.08.2022 йилдаги 11/201-22-сонли хати билан тақдим қилинган маълумотлар.

5 Земельный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>.

6 Кодекс Республики Беларусь о Земле. https://kodeksy-by.com/kodeks_rb_o_zemle.htm.

7 Прокурорский надзор. В 2 т. Том 2. Особенная и специальная части: учебник для вузов / под. общ. ред. О.С.Капинус. – 4-е изд., пер. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – С. 83.

8 Винокуров А.Ю. Полномочия прокурора по надзору за исполнением законов // Законность. 2006. №4. С.10.

9 Калугина О.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства в Российской Федерации. Диссертация на степени канд-а юрид. наук. Сепц. 12.00.11. Москва. 2013. С. 97

10 Пўлатов Б.Х. Прокурорназорати //Дарслик.–Т.:«O'zbekiston», 2009.–139 б.

ганлигидан қатъий назар, бу органлар ноқонуний ва асоссиз актлар қабул қилганда, прокурор бу ҳаракатларни жавобсиз қолдириши мумкин эмаслигини таъкидлайди.¹¹

О.М.Мадалиев прокурор назоратининг объекти прокуратура ваколатига берилган - яъни қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисидан иборат бўлишини таъкидлаган. Шунингдек, унинг фикрича, прокурор, прокурор назоратининг объектларини ҳуқуқий татиқ қилиши, яъни қонунларга риоя этиши ёки ижро қилиниши, шунингдек улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий актларнинг қонунга мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.¹²

Юқоридаги таърифлардан кўришиб турибдики, мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари ўртасида ҳам прокурор назорати объектини аниқлаш борасида яқдил фикр мавжуд эмас. Яъни, прокурор назорати объектини аниқлаш борасидаги фикрларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси, прокурор назорати объектига қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолияти қаратилган ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар йиғиндисини киритишса (О.М.Мадалиев), иккинчи гуруҳ олимлар (Б.Х.Пўлатов) прокурор назорати объектига фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани, бошқача айтганда, прокурорлар томонидан қонунийлиги ўрганиладиган ҳуқуқий ҳужжатларни киритади.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати йўналишида махсус илмий тадқиқот ишини олиб борган А.Б.Комилов юқоридаги олимлар томонидан билдирилган фикрларни рад этмаган ҳолда, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати объектини белгилаш масаласида иккита муҳим жиҳат: назорат остида бўлган масъул органлар, мансабдор ва бошқа шахслар мажмуи ҳамда прокурор томонидан қонунийлиги баҳоланадиган ҳуқуқий ҳужжатларга эътибор қаратиш зарур, деган фикрни илгари суради.¹³

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармонининг 2-бандида, ҳудудий прокуратураларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифаларидан бири сифатида ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш эканлиги кўрсатилган.¹⁴ Ёки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарорининг 1-бандига кўра, ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқ-бузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш вазифаси юклатилган.¹⁵

Юқоридаги ҳолатлардан кўриб мумкинки, бугунги кунда прокуратура органларининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш борасидаги асосий фаолият йўналишларидан бири ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тегишли чоралар кўришдан иборатдир. Шу ўринда, статистик маълумотларга мурожаат қиламиз: 2021 йилда фуқаролар, фермер ва кластер корхоналарининг 126 нафар масъул шахслари интизомий ҳамда 472 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ёки, ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича жавобгарликка тортилган шахсларнинг 63 нафарини фермер хўжалиги раҳбарлари ҳамда 307 нафарини фуқаролар ташкил қилган.¹⁶

11 Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. Ўша жойда. –Б. 148-149.

12 Мадалиев О.М. Прокурор назорати // Дарслик. Умумий қисм. -Тошкент, ТДЮИ. 2009. – 57 б.

13 Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташиқлий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2020. -Б. 29-30.

14 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони. [Электрон манба]. <http://lex.uz/docs/110881>. (Мурожаат вақти: 08.09.2021 йил).

15 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.02.2022 й., 07/22/138/0153-сон.

16 Бош прокуратуранинг “Ерга оид қонун бузилиши ҳолатлари бўйича” 2021-2022 йиллар ҳисоботлари.



Ушбу статистик маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида кўрсатилган прокурор назорати объектлари қаторида ер эгалари, фермер ва кластерлар кўрсатиб ўтилмаган бўлсада, бироқ бугунги кунда прокуратура органларига юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юқорида кўрсатилган субъектлар томонидан ҳам ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилиши аҳволи прокуратура органлари томонидан ўрганилмоқда.

Хорижлик ҳуқуқшунос олимлар томонидан ер соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг объекти юзасидан билдирилган фикрларга тўхталадиган бўлсак, масалан, А.К. Балдин, Я.Л.Алиев, Ф.П.Румянцевларнинг фикрича, ижроия органларининг, шу жумладан давлат органлари бўлган хизматларнинг фаолияти прокурор назорати объектлари сирасига киради. Уларнинг фикрича, ер участкаларига эгалик қилувчи, ундан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишни амалга оширувчи бошқарув органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари ҳам ер қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш бўйича прокурор назоратининг объектлари ҳисобланади.¹⁷

Шундай экан, бизнинг фикримизча, ерга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг объекти доирасига “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида назарда тутилмаган хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, яъни фермерлар, кластерлар ва бошқалар ҳам прокурор назоратининг объекти қаторига киритиш мантиқан тўғри бўлади. Прокуратура органлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган 2 095 нафар ходимлар ҳам ушбу фикрни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини баён қилган.¹⁸

Хорижий давлатлар тажрибаси далолат беришича, қонунлардан ташқари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиш ҳам прокурор назоратининг объекти саналади. Масалан, Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 26-моддасига кўра, қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратнинг предмети Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашига бўйсунувчи республика ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотлари, маҳаллий вакиллик, ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари,

диний ташкилотлар томонидан, шунингдек мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши прокурор назорати предметиға киритилган.¹⁹

Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиётиға қарайдиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам прокурорлар қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиб боришлари қатъий белгилаб қўйилган. Бунда ер тўғрисидаги қонунлар билан бирга, ер соҳасиға доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини ўрганиб боришға масъул ҳисобланишади.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда бугунги кунда прокуратура органлари зиммасиға юкланган вазифалар доирасидан келиб чиққан ҳолда, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро қилиш бўйича прокурор назоратининг объекти қуйидагиларни ўз ичига олади деган хулосаға келиш мумкин:

– давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан бўйсунувидан қатъий назар бошқа идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижро этилиши бўйича фаолияти;

– прокурорлар томонидан қонунийлиги ўрганиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни юқоридаги шахслар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги;

– ер эгалари, фермер, кластерлар ва бошқа ердан фойдаланувчилар томонидан ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш борасидаги мажбуриятларининг бажарилиши.

#

17 Балдин А.К., Алиев Я.Л., Румянцев Ф.П. Отдельные вопросы прокурорского надзора за исполнением земельного законодательства // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2019, № 4. - С. 88-89.

18 Прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган “Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати аҳволи ҳақида прокуратура ходимларининг фикри” ижтимоий сўров натижалари. (илова қилинган).

19 Беларусь Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_prokurature/26.htm

СУД ТАРТИБИДА МАЪНАВИЙ ЗАРАР УЧУН ТЎЛОВ УНДИРИШНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

АННОТАЦИЯ. Мақолада суд тартибида маънавий зарар учун тўлов ундиришнинг тааллуқлилигига доир айрим масалалар, унинг ечими, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг билдирган фикрлари таҳлили ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси кўриб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются некоторые вопросы, связанные с подведомственностью взыскания компенсации морального вреда в судебном порядке и правомерностью судебного разбирательства, его решения, анализом мнений, высказанных учеными-правоведами, и законодательного опыта зарубежных стран.

ABSTRACT. The article discusses some issues related to the applicability of collecting compensation for moral damage in court and the legality of the trial, its decision, analysis of the opinions expressed by legal scholars and the legislative experience of foreign countries.

Калит сўзлар: маънавий зарар, маънавий зарар учун тўлов ундиришнинг тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги, тўлов ундириш, хорижий тажриба, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, ҳуқуқий асос, меъзонлар, такомиллаштириш.

Ключевые слова: моральный вред, подведомственность возмещения морального вреда, компенсация, зарубежный опыт, сравнительно-правовой анализ, правовая основа, критерии, совершенствование.

Key words: moral damage, jurisdiction and jurisdiction for compensation for moral damage, compensation, foreign experience, comparative legal analysis, legal basis, criteria, improvement.

Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари ҳақида гапирадиган бўлсак, энг аввало ушбу тоифадаги ишлар турли ҳуқуқий муносабатлардан, хусусан, фуқаролик, меҳнат, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқишини таъкидлаш ўринли бўлади. Шу муносабат билан назария ва амалиётда маънавий зарарни ундириш учун процессуал тартиб-таомил бир хилми ёки ҳуқуқий муносабатнинг хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида тартиб назарда тутилмади, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу эса маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилигига оид масалаларни таҳлил этишни тақозо этади.

Юридик адабиётларда қайд этилишча, тааллуқлилик деганда, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юклатилганлиги тушунилади.¹ М.Мамасиддиқовнинг фикрича, тааллуқлилик деганда субъектив ҳуқуқнинг мазмуни ва ишда иштирок этувчи шахслар таркиби хусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик ишларини кўриш

ва ҳал қилиш вазифаси қонун ҳужжатлари билан муайян давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки бошқа ваколатли органлар зиммасига юклатилганлиги тушуниладиган фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанига оид илмий тоифа ҳисобланади.²

Миллий қонунчилигимизни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар фақат судларга тааллуқли ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 558-моддаси 4-бандида белгиланишича, иш берувчи томонидан ходимга етказилган маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги меҳнат низолари бевосита судда кўриб чиқилади.³ Шунингдек, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига кўра, истеъмомчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.⁴ 1997 йил 24 апрелдаги “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғриси-

1 Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001. -124 б.

2 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. -Тошкент, ТДЮИ. 2010. - 258 б.

3 Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелдаги Меҳнат кодекси // <https://lex.uz/acts/142859>

4 “Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 5-6-сон, 59-модда.



да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга.⁵

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “Реабилитация этилишнинг мулкӣ ва бошқа оқибатлари” номли 302-моддаси биринчи қисмига кўра, Реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақлангани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкӣ зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.⁶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори 9-бандида тушунтириш берилишича, Жиноят процессуал кодексининг 57-моддасига мувофиқ жабрланувчи, яъни жиноят туфайли маънавий зарар кўрган шахс, жиноят иши юритилиши жараёнида маънавий зарарни қоплаш ҳақида фуқаролик даъвосини қўзғаш ҳуқуқига эга.

Агар жиноят иши кўрилатганда маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги даъво арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, ФПКнинг 38-моддасига мувофиқ бундай даъво фуқаролик иши юритиш тартибида кўрилиши мумкин.

Реабилитация этилганнинг маънавий зиёни ундиришга бўлган ҳуқуқи оқлов ҳукми чиқарилганидан ёки жиноят иши тугатилганидан кейин вужудга келишини назарда тутиш лозим (ЖПК 302, 303, 306, 309 ва 310-моддалари). Реабилитация этилганга етказилган маънавий зиёни ундириш ҳақидаги даъво фуқаролик иши юритиш тартибида кўрилади (ФК 1021-моддаси).⁷

Шундай қилиб, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар судга тааллуқли низолар ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида маънавий зарарни ундиришга қаратилган суд тартибидан ташқари бошқа махсус тартиб назарда тутилмаган. Қолаверса, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда албатта бир тараф (даъвогар) жисмоний шахс бўлганлиги туфайли ушбу тоифадаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 26-моддасига кўра, фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлидир.⁸

Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, қўшимча талаблар тоифасига киришини ҳисобга оладиган бўлсак, суднинг ушбу тоифадаги низоли ишларни кўришга ваколатли бўлиши мезони сифатида маънавий зарар ундириш тўғрисидаги талабнинг асосий даъво талаби билан ўзаро ҳуқуқий боғланишини кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, агар дастлабки даъво талабини кўриш иқтисодий суднинг ваколатига кирса, у ҳолда асосий даъводан келиб чиққан маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво талаблари ҳам суднинг ваколатига киради ва аксинча.

Юридик адабиётларда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича ишларнинг тааллуқлилигини, бошқача айтганда, судларнинг ваколатини чегаралаш аъъанавий равишда низонинг субъектив таркиби ва низонинг иқтисодий тусга эга эканлиги каби мезонларга асосланади. Унга кўра, ҳуқуқшунос олим Н.Ш.Гаджиалиева шундай фикр билдирадики, унга кўра, агар шахсга жисмоний ва маънавий азоб-уқубатлар хўжалик юритувчи субъектнинг ишчанлик обрўси каби номоддий неъматларга тажовуз натижасида келиб чиққан бўлса, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво иқтисодий суднинг ваколатига киради.⁹

Бироқ юридик адабиётларда яқка тартибдаги тадбиркор-фуқарога нисбатан маънавий зарар етказилиши ва ушбу зарар суд томонидан унинг фойдаси-

5 “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 4-5-сон, 110-модда.

6 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

7 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори // <https://lex.uz/acts/1449509>

8 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337#5651498>

9 Гаджиалиева Н.Ш. Подсудность гражданских дел о компенсации морального вреда // Юридический вестник ДГУ. 2022. Т. 43, № 3. – 117 с.

га ундирилиши мумкинлиги борасида баҳс-мунозаралар илгари сурилади. Бинобарин, И.И.Насриевнинг фикрича, юридик шахс ўз бошидан маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азобларни кечира олмайди. Шу сабабли фуқаронинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш масаласи юридик шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.¹⁰

Юридик адабиётларда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги барча турдаги даъволарда даъвогар фақат жисмоний ёки маънавий азоб-уқубатларга дучор бўлган шахс бўлиши мумкинлиги, юридик шахслар ушбу тоифадаги ишлар бўйича даъвогар бўла олмаслиги ҳақида фикрлар илгари сурилади.¹¹

Маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволарнинг ташқи юрисдикцияси тўғридан-тўғри қонун ҳужжатларида тартибга солинмаганлиги сабабли, ушбу тоифадаги даъволарни кўриб чиқиш борасида суд органларининг ваколатларини чегаралашга доир доктринада бир хил ёндашув шакллантирилмаган. Илмий адабиётларда ўрганилаётган масалани ҳал қилишда иккита ёндашув мавжуд. Бу ўринда олимларнинг позициялари маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи кимга тегишли эканлигига қараб фарқланади.

Биринчи ёндашув маънавий зарарни талаб қилиш ҳуқуқи субъекти шахс сифатида фақат фуқаро бўлиши мумкинлигига асосланади. Ушбу қараш тарафдорлари Фуқаролик кодекси 24-моддасида назарда тутилган қуйидаги қоида ва жазо қилиб кўрсатадилар: “Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонунчиликдан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини ва жазо қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга ушбу Кодекснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.”¹²

Бундай ёндашув суд амалиётида тез-тез учрайди. Шундай қилиб, кассация суди апелляция ин-

станциясининг иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримини ўз кучида қолдирди. Унга кўра, яқка тартибдаги тадбиркор Ш.нинг даъвоси бўйича маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни бекор қилган. Суд тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъекти юридик шахсларга тенглаштирилишини ва Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси фақат фуқароларга нисбатан қўлланилишига асослаган.

Шундан келиб чиқиб, кассация апелляция инстанциясининг етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвонинг иқтисодий судда кўришга тегишли эмаслиги тўғрисидаги хулосаси қонунийдир, деган хулосага келди.¹³

Яқка тартибдаги тадбиркорларга маънавий зарар учун тўлов тўлашдан бош тортиш учун бошқа асослар ҳам учраб туради. Хусусан, тадбиркорнинг тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқларининг бузилганлиги сабабли унинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилганлиги муносабати билан маънавий зарар учун тўлов ундириш назарда тутилмаган. Шу ўринда суд амалиётдан яна қуйидаги мисолни келтирамиз: иқтисодий суднинг апелляция инстанцияси суди маънавий зарар учун тўлов ундириш тўғрисидаги даъвони рад этиш тўғрисидаги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди. Маълум бўлишича, судга электр тармоқларига уланиш бўйича технологик ишларни амалга ошириш бўйича шартномани бажариш мажбуриятини юклаш, неустойка ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган яқка тартибдаги тадбиркор Б.га маънавий зарар етказилган. Рад этиш тўғрисидаги биринчи инстанция судининг фикрига қўшилган апелляция инстанцияси суди маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиришни рад этишда “даъвогарга маънавий зарар даъвогарнинг тадбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари, яъни даъвогарнинг мол-мулкнинг бузилиши натижасида етказилган”лигини кўрсатган.¹⁴ Бундай иш учун маънавий зарарни қоплаш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Яқка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахслар ўртасидаги низолар фуқаролик судининг иш юритувига тааллуқли эмаслиги бўйича суд амалиётдан олинган мисолни келтирамиз.

Яқка тартибдаги тадбиркор О.Камалов судга даъ-

10 Насриев И.И. Маънавий зарар, уни қоплашнинг айрим муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали, 2017, №3. www.tadqiqot.uz

11 Козырева Е.В. Процессуальные особенности рассмотрения судами гражданских дел о компенсации морального вреда: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Саратов, 2003. -24 с.

12 Гаджиалиева Н.Ш. Судебная компетенция по защите права на благоприятнуюокружающуюсреду // Юридический вестник ДГУ. 2020. Т. 34, № 2.

13 Суд амалиёти //

14 Суд амалиёти //



во аризаси билан мурожаат қилиб, туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахслари Ж.Камалов, Т.Саидов ва Б.Давлатовларнинг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш, ўзига нисбатан қўлланилган жавобгарлик чораларини бекор қилиб, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 21 апрелдаги ҳал қилув қарори билан туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахслари Ж.Камалов, Т.Саидов ва Б.Давлатовларнинг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топилган, туман Давлат солиқ инспекциясининг 2014 йил 23 августдаги далолатномаси ҳамда 2014 йил 15 октябрдаги ва 20 ноябрдаги қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаби рад қилинган.

Кассация инстанциясининг 2015 йил 2 июлдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 2 декабрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган. Аниқланишича, туман ДСИ томонидан якка тартибда тадбиркор Камалов Ойбекнинг фаолияти юзасидан 2014 йил 23 августда қисқа муддатли текширув ўтказилган ва бу ҳақда далолатнома тузилиб, унда текширув ўтказишга 2014 йил 22 августдаги 242-сонли буйруқ асос сифатида кўрсатилган. Мазкур текширув натижасига кўра туман ДСИ бошлиғи 2014 йил 15 октябрда қарор чиқариб, якка тадбиркорга нисбатан жами 16 900 315 сўмлик молиявий жарима қўллаган. Шунингдек, туман ДСининг 2014 йил 20 ноябрдаги қарори билан О.Камаловга нисбатан молиявий жазо қўллаш қарори инobatга олиниб, яна қайтадан Солиқ кодекси 114-моддасининг 1-қисмига кўра 2148230 сўм молиявий жарима қўлланилган.

О.Камалов бир неча марта туман ДСБга ўтказилган қисқа муддатли текширув натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар устидан шикоят бериб, қарорларни бекор қилишни сўраган. Виложат ДСБ томонидан берилган 041-397-сонли хатига асосан мурожаатдаги важлар асоссиз деб ҳисобланиб, О.Камаловга қарорлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.¹⁵

Ўзбекистон Республикаси ИПК 25-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра иқтисодиёт соҳаси-

да юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақоми қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар иқтисодий судга тааллуқлидир. Шу боис мазкур низоли муносабат иқтисодий суднинг судловига тааллуқлилиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Иккинчи ёндашувни илгари сурадиган гуруҳ олимларининг фикрича, маънавий зарар нафақат фуқарога, балки якка тартибдаги тадбиркорга ҳам етказилиши мумкин.¹⁶ Ушбу нуқтаи назар тарафдорлари бу хулосани амалдаги фуқаролик қонунчилигида якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган шахсларга маънавий зарар учун тўлов ундириш тақиқланмаганлиги билан асослайдилар.

Е.В.Самоиленко тўғри таъкидлаганидек, “фуқаро бўлган тадбиркорларга етказилган маънавий зарар қопланиши керак. Юридик шахслар тўғрисидаги қоидаларнинг фуқаролар-тадбиркорларига нисбатан кенгайиши уларни ўзига хос хусусиятлардан маҳрум қилмайди. Тадбиркор бўлган ҳолда, улар шахс бўлишдан тўхтамайди, улар ҳам жисмоний, ҳам маънавий азоб-уқубатларни бошдан кечиришлари мумкин”.¹⁷

Ҳуқуқшунос олим Т.Шулєпова ҳам ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда “якка тартибдаги тадбиркор агар у юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, шу жумладан, ушбу фаолият билан боғлиқ ҳолда унга маънавий ва жисмоний азоб-уқубатлар натижасида маънавий зарар етказилган бўлса, ишчанлик обрўсига путур етказилиши билан боғлиқ ҳолда етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли, чунки фуқаро ўз ишини бошдан кечириш қобилятини йўқотмайди”, деб таъкидлайди.¹⁸

Ушбу ёндашув тарафдорлари низонинг иқтисодий моҳияти мавжудлиги ҳамда шахсга маънавий зарар етказиш шахсининг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги субъектив ҳуқуқларига нисбатан содир бўлган ҳуқуқбузарликлар кўринишида бўлганлигини ишни иқтисодий судга тааллуқли бўлишининг

15 Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти: амалий қўлланма / А.Маткаримов. А.Муродов. –Тошкент, 2018. –Б. 108-1110.

16 Кабанова И.Е. Гражданско-правовая ответственность публичных субъектов: вопросы теории и практики: монография / отв. ред. М.А. Егорова. М.: Юстицинформ, 2018. - 398 с.

17 Самойленко Е.В. Компенсация морального вреда индивидуальным предпринимателям: развитие практики // Арбитражная практика. 2010. № 8. С. 24–26.

18 Шулепова Т. Если опорочили репутацию... // ЭЖ-Юрист. 2007. № 26. -С. 8–12.

мажбурий мезони сифатида илгари сурадилар.¹⁹

Шунинг учун, якка тартибдаги тадбиркорнинг номулкий ҳуқуқларининг бузиш натижасида етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаб иқтисодий судда кўриш учун тааллуқли эканлиги ҳақидаги нуқтаи назар тарафдорларининг фикрича, ушбу позициянинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 2021-моддасида билан кафолатланган.

Ушбу ҳуқуқий позиция суд амалиётида ҳам ўз тасдиғини топган. Мисол учун, вилоят иқтисодий судининг 2019 йил 20 июлдаги А32-4500/2008-сонли иши бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг вилоят давлат солиқ бошқармасига нисбатан суд қарори билан якка тартибдаги тадбиркор Х.нинг даъвоси қаноатлантирилган ва тадбиркорни ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш натижасида етказилган маънавий зарар қоплаб берилган.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосини қондириб, суд Фуқаролик кодексининг 985, 990, 1021-моддаларига асосланган. Шу билан бирга, суд қуйидагиларни асос қилиб, маънавий зарар етказилган деб ҳисоблаган:

- соғлиғининг ёмонлашиши (касаллик тарихи билан тасдиқланган касаллик);
- ахлоқий азоб-уқубатлар (жавобгарлик билан боғлиқ тажрибалар, психологик ноқулайлик);
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятини чеклаш (бу меҳнат қилиш ҳуқуқининг бузилиши сифатида баҳоланади).²⁰

Мамлакатимиз Иқтисодий процессуал кодексининг 26-моддасига кўра, иқтисодий суд ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.²¹ Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқароларнинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги даъво билан бир вақтда даъвогар томонидан шу бадном қилувчи

маълумотлар тарқатилганлиги оқибатида етказилган моддий зарарни ёки маънавий зиённи ундириш тўғрисида талабни илгари сурса, бу иш иқтисодий суд томонидан кўрилиши мумкинлиги ўз ечимини топмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги қарорининг 13-бандига кўра, суд бу талабни ФКнинг 985-моддасига мувофиқ ҳал этади. Бу ўринда бу талабни фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қиладими ёки иқтисодий судми? Бу саволга аниқ жавоб мавжуд эмас.

Бироқ маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар ўртасидаги тааллуқлилики белгилаш масаласида юридик адабиётларда икки хил ёндашувларни учратиш мумкин бўлади. Агар масалага якка тартибдаги тадбиркор - фуқаронинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ бўлган мулкӣ ва номулкий зарарларни қоплаш нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, у ҳолда унинг даъво талаблари ТПК талаблари асосида иқтисодий судга тааллуқли бўлади. Бу каби нуқтаи назар юридик адабиётлар таҳлилидан кўринишича, Х.В.Пешкова (Белогорцева), И.В.Баранов, Э.С.Бондарева ва В.А.Майборода каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган.²²

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқоридаги ҳолатда давлат органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки мансабдор шахсининг ноқонуний хатти-ҳаракати (ҳаракатизлиги) туфайли якка тартибдаги тадбиркор - фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги асосий даъво талаблари асосида маънавий зарар учун тўлов ундириш ҳақидаги қўшимча талабини ҳам кўриб чиқиш ҳақида бормоқда. Бошқа барча ҳолларда фуқароларнинг маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар фуқаролик ишлари бўйича судларга тегишли бўлади.

#

19 Нуриев А.Х. К вопросу о практике компенсации государством морального вреда, причиненного индивидуальным предпринимателем действиями государственных органов и их должностных лиц // Юрист. 2011. № 6. С. 7–11.

20 Суд амалиёти //

21 Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3523891>

22 Пешкова (Белогорцева) Х.В., Баранов И.В., Бондарева Э.С., Майборода В.А. Комментарий к Федеральному закону от 2 мая 2006 г. № 59-ФЗ «О порядке рассмотрения обращений граждан Российской Федерации». Доступ из справочно-правовой системы «Консультант-Плюс».

«Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

